

Ислом КАРИМОВ:

Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аجدодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди.

* * *

Қадрлаш дегани — бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир. Ҳаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлашдир.

* * *

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

* * *

Биз муқаддас Она ҳайкали пойига битган “Сен доимо қалбимдасан, жигарим” сўзлари миллатимизнинг, халқимизнинг қурбон бўлган фарзандларига чексиз эҳтиромини англашиб, қалбларимизда доимо акс садо бериб туради.





Ижтимоий-сиёсий, илмий-бадний, маданий-матрифий, беэакли журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги**

**Бош муҳаррир:
Азим СУҮОН**

Таҳрир ҳайъати:

**Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД
Олимжон ДЎСМАТОВ
Ўткир ЖЎРАЕВ
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ**
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

**Бойназар ЙЎЛДОШЕВ
Сувон НАЖБИДИНОВ
Абдуваҳоб НУРМАТОВ
Абдулла ОРИПОВ
Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ**
(бош муҳаррир ўринбосари)

**Азиз ТЎРАЕВ
Рустамбек ШАМСУТДИНОВ
Темур ШИРИНОВ
Азамат ҲАЙДАРОВ**

Масъул котиб:

Комилжон ЖОНТОВ

Ўқим муҳаррирлари:

**Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД**

Фото муҳбир

Шавкат ҚАҲҲОР

Саҳифалаш ва гузайн

Нигина ҚОДИРОВА

Навбатчи муҳаррир

Б. Рўзимухаммад

Ушбу сонга:

Нормўмин ОЧИЛОВ

Бот майдон ҳақида қўшиқ

Маҳкам МАХМУДОВ

Клеопатра

А. ГАРИН

Аермонтов — мусавбир

Баҳодир КАРИМ

Олина улрининг кўрки

Раҳна ХИДИРОВА

Матонат маликаси

Расул ҲАМЗАТОВ

Менинг Доғистоним

Азим СУҮОН

Мароқли ўйин

*Босишга 27.05.2008 йилда топширилди. Офсет қоғози.
Бичими: 60x84 1/8. Ҳажми 6,0. Адади: 2407*

Буюртма № 37

Таҳририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41 уй. Телефонлар: Қабулхона: 236-56-01.

Бош муҳаррир ўринбосари: 236-78-90.

Масъул котиб: 233-07-94. Факс: 233-08-57.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон

Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Х.Сулаймонова кўчаси, 33-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида

0517 — рақам билан рўйхатга олинган

Муқовамизда:

1-бет: Хонанда Олимжон Мирзаев ўғли Ойбек Мирзаев билан



САНЪАТ — МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Ўзбекистон Давлат Санъат институти ректори,
профессор Усмон Қорабоев билан суҳбат

— Ўзбекистон Давлат Санъат институти бугунги кунда ўз йўналиши бўйича мамлакатимиздаги энг нуфузи баланд олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Ўтган 16 йил ичида жамоада рўй берган сифат ўзгаришлари хусусида тўхталсангиз.

— Мустақилликка эришишимиз билан институтимизнинг гуллаб-яшнаб ривожланиши учун кенг уфқлар очилди. Қолаверса, таълим-тарбия сифатини ошириш ва янги мутахассисликлар очилишига кенг имконият туғилди. Натижада, 1989 йилда телерадио режиссёрлиги, 1991 йилда кинотелеоператорлик, 1993 йилда эса овоз режиссёрлиги бўлимлари ташкил этилди. Кейинчалик санъатшунослик журналистикаси (1993 й.), эстрада актёрлиги, эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги (1997 й.), сахна ва экран санъати драматургияси (1999 й.) каби бўлимлар ташкил этилди. Бу билан институт ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан янги томонга ўзгарди.

2005 йил Санъат институти тарихида янги давр бошланди. Шу йили ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлаётган институт жамоаси Ўзбекистон Президентининг Қарорига биноан замон талаблари асосида тўлиқ жиҳозланган янги, муҳташам ва кўркем бинога эга бўлди. Янги бино таълим воситалари, ускуналар ҳамда янги мебель ва замонавий аппарататура билан жиҳозланган. Институт эндиликда ўқув театрига, санъат соҳасига оид ижодхоналарга, маҳорат устахоналарига, замонавий жиҳозланган кино ва телепавильонларига, фото ва овоз ёзиш студияларига, маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиш учун мўлжалланган ўқув хоналарига, рақс, спорт ва тренажёр залларига, ёзги спорт майдончасига эга. Шунингдек, институтда кинопавильон, телерадио, овоз ёзиш студиялари, минитеатр сифатида қурилган устахоналар катта ва кичик томоша заллари, бошқариш тахтаси орқали ёқиладиган прожекторлар ва очилиб-ёпилувчи пардалар, кенг ва ёруғ аудиториялар, яхши жиҳозланган устахоналар ҳам бор.


Айни чоғда институтда мингга яқин талаба таҳсил олади. Ўқув жараёнига 250 га яқин профессор-ўқитувчилар жалб қилинган. Улар қаторида 8 нафар фан доктори, 10 нафар профессор, 26 нафар фан номзоди, 43 нафар доцент фаолият кўрсатиб келмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг 20 дан ортиги Давлат мукофотларига сазовор бўлишган.

Талабаларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Навоий номидаги Давлат стипендиатлари бўлишган.

Истиқлол йиллари давомида Ўзбекистон Давлат Санъат институти ўқув-услубий жараёнида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Барча ўқув-услубий меъёрий ҳужжатлар олий таълимнинг бакалаврият ҳамда магистратура мутахассислигининг жаҳон талаблари асосида қайта ишлаб чиқилди. Ўқув жараёнини яхшилаш, талабаларнинг фанларни ўзлаштириши аслини олганда мутахассислик фанларини пухта ўргатишни тақозо қилади. Ўқув-услубий таъминот борасида ҳам сезиларли силжишлар бўлмоқда. Институт профессор-ўқитувчилари фанларни янги ўқув адабиётлари билан таъминлаш борасида ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Профессор-ўқитувчиларимиз санъат соҳасидаги ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун намунавий ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини тайёрлашда фаол иштирок этишмоқда. Ўз кучимиз билан тайёрланган дастур ва ўқув адабиётлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ўқув юртлари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига топширилган.

— Бугун мустақилликни мустаҳкамлаш, мустақил тараққиёт ва жамиятни янгилаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ўта долзарб вазифага айланган. Бу борада институтда қандай зарурий тадбирлар ўтказилипти?

— Институтда амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар замирида миллий истиқлол гоёсига садоқатли баркамол авлодни шакллантириш, мустақил ва эркин фикрга эга, иродаси мустаҳкам, имони бутун, Ватанига содиқ, халқига муҳаббатли ёшларни вояга етказиш вазифаси кўндаланг турибди. Қолаверса, институт таълим тизими — ўқув-тарбия, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишларни муҳтарам Президентимиз институтимизга ташриф буюрганларида берган маслаҳатлари, шунингдек, мамлакатимиз раҳбарининг асарларини чуқур ўрганиш асосига қурапмиз. Иккинчидан, “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар” махсус предмети моҳиятини ҳар бир талаба онгига тегишли воситалар орқали етказишга алоҳида эътибор қаратилган. Учинчидан, “Маънавият кун” тадбирлари самарадорлигини ошириш мақсадида маънавий-маърифий ишларни босқичма-босқич амалга ошириш, талабаларни ватанпарварлик, филойилик руҳида тарбиялаш мақсадида музейларга, тарихий ва мустақиллик даври обидаларига экскурсиялар уюштириш, концертларга, театрларга олиб бориш ишлари йўлга қўйилган. Тўртинчидан, институтнинг салоҳияти



юксак профессор-ўқитувчиларининг фидокорона меҳнатлари, ютуқлари билан ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, шахсий ибратлари орқали халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга интилаяпмиз.

— **Таълим жараёнини ривожлантириш учун институтнинг ички имкониятларини ишга солишдан ташқари қандай ташқи омиллардан фойдаланилмоқда?**

— Институтда таълим жараёнини ривожлантириш жамоамиз учун кундалик юмуш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ишга ўзимизда мавжуд бўлган барча имкониятларни сафарбар қилишга ҳаракат келмоқдамиз.

Ҳозирги пайтда институтда ўзбек халқининг фахрига айланган йирик санъаткор, олим, педагоглар самарали меҳнат қилмоқдалар. Хусусан, фан докторлари — Ҳ.Воҳидов, Т.Турсунов, В.Сундукова, Т.Баяндиёв, Ж.Тешабоев, М.Ҳамидова, М.Тўлахўжаева, С.Қодирова, профессорлар — Ҳ.Абдуллаев, Ш.Аббосов, Т.Азизов, А.Исмоилов, Л.Хўжаева, М.Исроилов, доцентлар — Ҳ.Икромов, Т.Исмолов, С.Турсунбоев, М.Убайдуллаев ва бошқалар иқтидорли санъаткорларни етиштиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бакалавр таълим босқичида актёрлик, режиссёрлик, техноген санъатлар ва санъатшунослик, шунга ўхшаш 13 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Аспирантура йўналишида ҳам санъат назарияси, театршунослик ва киношунослик бўйича илмий-педагогик кадрлар тайёрланмоқда, ушбу ўқув йилидан маданият назарияси ва эстетика соҳалари бўйича ҳам аспирантлар қабул қилинди. Бундан ташқари, бир қатор тадқиқотчилар ўз мавзулари бўйича ижодий изланишлар, илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Мутахассислик кафедралари аниқ таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдилар. Ўзбекистон театрларида фаолият кўрсатаётган кўпчилик режиссёр ва актёрлар институтимизни тамомлаганлар. Янги ёш санъаткорлар авлодини тарбиялашда саҳна нутқи, жисмоний тарбия, саҳна ҳаракати, актёрлик маҳорати, рақс-ритмика каби фанлар муҳим рол ўйнайди. Институтда уларнинг имкониятларидан тўла фойдаланишга алоҳида эътибор

берилмоқда. Бунинг учун қулай шароитлар яратилган, жумладан, махсус кафедра ва кабинетлар, рақс-дарсхоналари, саҳна ҳаракати дарслари учун мўлжалланган устахоналар, очиқ ва ёпиқ спорт майдонлари бунёд этилган.

Институтда ахборот технологияси ёрдамида мамлакатимизда яратилган энг сара кино ва театр асарларини кўриш ва ўрганиш, шунингдек, жаҳоннинг энг йирик музей, театр ва телевидениелари ижодкорлари яратган асарларни кўриш ва таҳлил этиш, хулоса чиқариш имкони яратилган. Булар ички имкониятларимиз ҳисобига амалга оширилган.

Шу билан бирга ташқи омиллардан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Бундай ташқи омилларга энг аввало, талабаларимиз ўзлари эгаллаётган мутахассислик табиатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон театрлари, телевидение, радио, киностудиялар каби жойларда амалиёт ўташларини киритиш мумкин. Булардан ташқари, бўлажак актёр ва режиссёрларнинг маҳорати мукамал бўлиши учун театрлардан етук актёр ва режиссёрларни дарс беришга таклиф этмоқдамиз. Дарвоқе, кинотелеоператорлик, санъатшунослик журналистикаси бўлимларида чет эллардан таклиф қилинган етук театршунослар, драматурглар, журналистлар фаолият юритмоқда.

— **Бугун ўқитувчи ва олим олдида ўз соҳасининг етук мутахассисини, қолаверса, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек муҳим вазифа турибди. Жамоангиз бу ишларни амалга оширишда нималарга суянади?**

— Институтимиз профессор-ўқитувчилари олдида ўз соҳасини мукамал эгаллаган етук мутахассислар тайёрлаш вазифаси қўйилган. Бу ишимизда ҳар қадамда Юртбошимизнинг доимий кўмагини сезиб турибмиз. Чунки, юқорида айтилганидек, бўлажак санъаткорлар ўртамеъналик хусусиятига эга бўлмаслиги керак. Негаки, институтимизда фақат иқтидорлилар ўқийди. Биз уларнинг иқтидорини янада юксалтиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Бундан ташқари талабаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб етишуви ҳақида доимий равишда қайғуриш асосий вазифамиздир. Институт ҳудудида жисмоний тарбия зали ва тиббиёт хонаси ташкил



этилган. Талабаларимизни баркамол қилиб тарбиялаш аҳил жамоамизнинг энг асосий вазифасидир.

— **Дунёнинг қайси олий ўқув юртлири билан ҳамкорликлар йўлга қўйилган?**

— Институт халқаро алоқаларни кенгайтириш юзасидан ҳам талайгина ишларни амалга оширди. Яқин ўтмишда узилиб қолган халқаро алоқалар тўлалигича тикланди. Ҳозирги пайтда жамоамиз АҚШдаги Шимолий Каролина Университетининг санъат институти, Чикаго Қироллик коллежи, Хитой Уйғуристон автоном Республикаси санъат институти, Қоҳира санъат академияси, Македониянинг Кирил ва Мефодий номидаги университетлари, Москвадаги театр санъати академияси, Санкт-Петербургдаги Театр, мусиқа ва киномотография институти, Москвадаги Бутунроссия киномотография институти, Алматидаги санъат академияси ва Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан ижодий ва илмий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари кўплаб Халқаро кўрик-танловлар совриндори, жумладан, Қоҳира театр фестивали, Алмати ёш киномотографиячилар фестивали, Халқаро ёш киночилар фестиваллари кабиларда голиб бўлганлар. Эндиликда хориждан ташриф буюрган мутахассисларнинг “мастер-синф”лари ташкил этилмоқда. Айниқса, Тошкентдаги Гёте институти билан ўрнатилган ҳамкорлик бу борада яхши натижа бермоқда.

— **Усмон Ҳосилович, эндиликда профессор ва ўқитувчилар ўз малакаларини қайси олий даргоҳларда оширмоқдалар?**

— Ижтимоий фанларнинг профессор-ўқитувчилари малака оширишлари учун Тошкентдаги етакчи олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот муассасалари билан келишувлар тузилган. Хусусан, профессор-ўқитувчиларимиз ЎЗМУ қошидаги олий педагогика мактабида ўз малакаларини доимий равишда ошириб келмоқдалар. Мутахассислик кафедралари профессор-ўқитувчилари эса асосан, ўзимизнинг институтда малака оширмоқда. Негаки, институтимиз республикада ягона олий ўқув юрти бўлганлиги туфайли асосий санъат соҳасидаги етук мутахассислар ўзимизда ишлайди. Улар ёш ўқитувчиларимизнинг малакаларини оширишга бажонидил бош қўшмоқдалар. Айни чоғда институтда малака оширишни мувофиқлаштириш учун махсус деканат ишлаб турибди.

— **Институтда олиб борилаётган маънавий-маърифий ва илмий тадқиқот ишлари хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Институтимизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ўзи маънавий тарқатувчи мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқлиги туфайли ҳам маънавий-маърифий ишлар, айниқса, бизнинг даргоҳда юксак даражада ташкил этилиши зарур деб ҳисоблайман. Бунинг учун институтда барча ўқиш-ўқитиш ишлари маънавий жиҳатдан тўқис бўлган мутахассисларни тарбиялаб етиштиришга қаратилган. Ўтган беш йил ичида 3 нафар ходимимиз профессор, 15 нафари доцент, 3 нафари фан номзоди илмий даражасига эришди. Бу катта ютуқ. Чунки, санъат миллатни танназулга кетишдан ва иллатлардан сақлайди, санъат дунёни ҳалоқатлардан қутқаради, халқлар ўртасидаги

дўстликни тиклаб, тинчликни мустаҳкамлайди. Чинакам санъат ҳукмрон бўлган мамлакатга уруш киролмайди. Санъат маънавий бешиги, тараққиёт омилidir. Биз шу муборак йўлда хизмат қилаётганимиздан беҳад хурсандмиз.

— **Жамоангиз қандай муаммоларнинг ечимини топиш устида бош қотирмоқда?**

— Институтимизда бир неча йилки аспирантура мавжуд. Улар учун барча имкониятлар муҳайё қилинган. Бироқ улар белгиланган муддатда ҳимояга чиқиша олмаяпти. Жамоамиз шу масалани ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— **Институт жамоаси ҳозирда етарли даражада салоҳиятга ва моддий-техника базасига ҳамда ривожланган ахборот технологияларга, шунингдек, телекоммуникацион тармоқлардан самарали фойдаланиш имконларига эгами?**

— Янги қурилган бино жамоамизни янада самарали меҳнат қилишга ундади. Энг муҳими, институтимиз етарли даражада илмий ва ижодий салоҳиятга эга. Устахоналар энг янги технологиялар асосида жиҳозланган, овоз ёзиш студиясида чет эллардан олинган ускуналар ўрнатилган, талабалар ва профессор-ўқитувчилар бой ахборот ресурс маркази хизматидан, ахборот-технологиялар марказидаги Интернет хизматларидан бемалол фойдаланишлари мумкин.

— **Институтда айни пайтда хорижий мамлакатлардан ҳам талабалар таҳсил олаётими?**

— Институтимизда ҳозирги кунда Қозоғистон, Арманистон, Грузия каби давлатлардан талабалар таҳсил олмақда. Хитой ва Қирғизистон давлатлари билан ҳам бир гуруҳ мутахассислар тайёрлаб бериш ҳақида музокаралар олиб бормоқдамиз. Бундай ҳамкорликлар истиқболда яна ҳам ривожланишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Чунки давр талаби шуни тақозо этмоқда.

— **Талабаларга жамоада моддий ва маънавий жиҳатдан қандай хайрли имкониятлар яратилган?**

— Талабаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаш анъаналари азал-азалдан давом этиб келаётган юксак қадрият. Шунга мувофиқ институтимиз талабаларини “Ёшлар йили” муносабати билан санатория-профилакторияларда дам олиб келишларини уюштирдик. Шунингдек, дори-дармон, турар-жой билан таъминладик. Айниқса, иқтидорли талабаларни қўллаш учун барча шароитлар яратиб берилди. Хусусан, ахборот ресурс марказини янги адабиётлар билан таъминлаш, энг янги илмий китобларни кутубхонамизга олиб келиш давом эттириляпти. Энг фаол талабаларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Давлат стипендияларига ҳамда турли фондлар ажратадиган стипендияларга тавсия этиляпти. Соҳамиз хусусиятидан келиб чиқиб, талабаларнинг пойтахтдаги барча театрларда бепул томоша кўришлари учун шароитлар яратилган. Умуман, ҳозирги пайтда амалга ошираётган барча ишларимиз ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллашга, уларни ўз соҳасининг билимдонлари ва мустақил мамлакатимизнинг баркамол инсонлари қилиб тарбиялашга қаратилган.

Сўхбатдош: Давлатмурод САБДУЛЛАЕВ

Бош майдон

ҳаётда кўйиш

Азим Тошкентнинг Бош майдони — Мустақиллик майдони. Бу ерга минг-минглаб юртдошларимизнинг, не-не улуг зотларнинг қадами тегмаган дейсиз, бу ердан ҳеч қачон инсонларнинг қутлуг қадамлари аримаган. Тошкентга келувчи ҳар бир киши бу муборак маконга қадам ранжида қилмай кетмайди. Ҳар куни ҳаётга биринчи қадамларини қўяётган юзлаб келин-куёвлар бу мўътабар масканни зиёрат қиладилар, ўзларининг пок ниятлари мустаҷоб бўлишини яратгандан илтижо қиладилар. Бу ернинг ҳар бир қадами табаррук, азизу мўътабар. Бу ерда аждодлар руҳи кезиб юрибди, бу ерда ўтмиш ва бугун шундоққина юзма-юз учрашиб турибди. Буларнинг барчасига майдон ёнидан эркин оқаётган сўлим Анҳор гувоҳ.

Яқинда бу майдон, унинг тарихи ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи ёзувчи Фаффор Ҳотамов ва журналист Қуддус Аъзамовларнинг “Мустақиллик майдони” номли мухтасар асари нашрдан чиқди. Муаллифлар мамлакатимизнинг Бош майдони ҳақида батафсил маълумотлар беради. Айниқса, Шарқда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган қадим Шошнинг Анҳор бўйидаги хон Ўрдаси ҳақидаги қизи-

қарли маълумотлар ҳар қандай ўқувчи ва тарихчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилиши тайин.

Майдоннинг мустабид Шўро давридаги ҳолати, кўзга суялдек ёқимсиз ташланувчи манзараларини кўз олдимизга келтиради. Буларнинг барчаси кечаги тарих, тарих бўлганда ҳам аччиқ тарих. Аччиқ экан, деб биз улардан воз кеча олмаймиз. Бугунги нурафшон кунларнинг қадрига етиш учун ана шу аччиқ тарихни ҳам унутмаслик керак. Ҳурматли Президентимиз Ислоҳ Каримов айтганларидек: “Тарихсиз — келажак йўқ”. Халқимизнинг пароканда руҳини уйғотиб, асрий зулматдаги ҳаётини ёритиб мустақилликнинг порлоқ қуёши отди. Унинг нурлари шу қадар азизу муборакки, уни тасвирлашга сўз ожиз, қалам ожиз. Мустақилликнинг покиза нурлари олдида ҳар бир киши ҳайратга тушади, шу кунларга етказгани учун, энг аввало, Яратганга ҳамду санолар ўқийди. Шу ўринда ҳурматли Президентимиз ўша пайтда қатъий ишонч ва қатъият билан шундай хитоб қилганди: “Эй одамлар, билиб қўйинглар, жаҳон харитасида янги давлат ҳур ва озод Ўзбекистон юзага келди! Токи ҳаёт бор экан, хал-

қимиз омон экан, Ватанимиз, мустақиллигимиз абадий яшайди!”

Мустақиллигимиз тонгидаёқ Президентимиз Ватанимизнинг Бош майдони, унинг бўлғуси кўриниши ҳақида жиддий бош қотирди. Бу ерда олиб бориладиган ишларнинг барчасига бош-қош, раҳнамолик қилди. 1991 йилнинг 5 сентябрида ҳурматли Президентимизнинг ушбу майдонни “Мустақиллик майдони” деб номлаш ҳақидаги муборак Фармони эълон қилинди. Муҳтарам юртбошимизнинг хаёлидан кечган ўша пайтдаги куйидаги ҳаётий, нурли келажак ҳақидаги фикр-ўйларига эътибор беринг. “Мустақилликни қўлга киритганимиздан буён мана шу майдон масаласи фикри-зикримни банд этиб келади. Шу ҳақда ўйласам, кечалари уйқум қочиб кетади.

Яъни, қандай қилиб бу майдонни тартибга келтириш, эски тузум йўл қўйган кўпдан-кўп бемаъни ишларга барҳам бериш мумкин?

Қандай қилсам, бу жой том маънода мамлакатимизнинг чинакам Бош майдонига айланади, жафокаш халқимизга, миллатимизга абадий хизмат қилади?!” Бу олийжаноб ўйлар аста-секин амалга оша бошлади.

Дастлаб майдонда виқорли Мустақиллик монументи қад ростлаб, бутун атрофга улугворлик бағишлади. Монументнинг энг юқори қисмидан жой олган Она сайёрадан зарҳал битикли Ўзбекистон харитаси атрофга ўзидан ёрқин нур таратиб турибди. Мустақиллик монументининг яратилиш тарихи, бу борадаги Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари ҳақида муаллифлар атрофлича маълумотлар беради.


Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, соҳибқирон Амир Темура Шахрисабздаги осмон-ўпар Оқсарой пештоқига шундай деб ёздирган экан: “Агар бизнинг куч-қудратимизга шакшубҳа қилсанг, қурдирган иморатларимизга қара”. Республикамиз вилоятларида, пойтахт Тошкент ва айнан Мустақиллик майдонида қурилган тарихий иншоотларнинг ҳар бири бугунги кунда Ўзбекистоннинг буюк келажак сари дадил одимлаётганидан далолат беради.

Мустақиллик майдонидаги Мотамсаро она ва Хотира майдони ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар. Бу ерда иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганларнинг, урушда ўғли ёки турмуш ўртоғини йўқотиб азият чеккан оналар руҳи кезиб юрибди. Шарқона ёғоч ўймакорлиги билан безатилган Хотира майдонидаги лавҳаларда вилоятларимиздан, ҳар бир туман ва қишлоқдан фронтга жўнаб, ҳалок бўлганларнинг муборак номлари жой олган, уларнинг исм-шарифлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Мотамсаро она ҳайкали пойига “Сен доим қалбимдасан, жигарим!” деган юраклар нидоси битилган. Беихтиёр Юртбошимизнинг

иккинчи жаҳон уруши қурбонлари ҳақида қуйидаги сўзлари хотирага келади: “Ўзбекистонимиз йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб жон олиб-жон бераётганида, ишончим комилки, Европадаги қандайдир тепалик ёки қандайдир шаҳар-қишлоқ учун эмас, авваламбор, ўз уйларини, оқ ювиб, оқ тараган меҳрибон оналарини, севимли ёрини, азиз фарзандларини, қариндошуруғи, дўсту биродарларини ўйлаган. Ва мана шу инсонларнинг, элу юртининг тинчлиги, осойишталиги ва келажаги учун жон фидо этган”. Хотира майдонида халқимизнинг дидига мос келувчи ишлар олиб борилди ва биз бугун бу ерда бўлганимизда ҳар бир киши кўли гул ҳунармандларнинг меҳнатига таҳсинлар ўқийди.

Мустақиллик йилларида майдондаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Маъмурий бино ва Сенат бинолари мутлақо қайта таъмирдан чиқарилиб, ўзгача кўрк олди.

Эзгулик аркаси ўзининг шоирона ечими билан ажралиб туради, у ҳар қандай киши қалбида эзгулик туйғуларини уйғотади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз, бу майдонда олиб борилган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларининг нечоғли катта кўламда олиб борилгандир. Бу ерда ўстирилган дарахт ва турфа гуллар киши кўнглини кўтаради. Осмонга интилган фаввораларни айтмайсизми, улар ёзнинг иссиғида бу ерга ташриф буюрувчилар танига алоҳида роҳат бағишлайди. Мустақиллик майдонидан жой олган яна бир кошона —




Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси. Галереяда жуда нафис санъат дурдоналари намойиш этилади. Галерея биносининг ўзи ички безак ва нақшлари, ҳашаматли заллари билан энг нодир санъат асаридир. Майдонга кўрк бағишлаб турган Сенат биноси, “Туркистон” санъат саройи ҳақида соатлаб сўз юритиш мумкин.

Асарнинг ўқимишли чиқишида муаллифлар Бош майдон ҳақидаги юртимизнинг севиқли шоирлари ижодларидан, обрў-эътиборли кишилар фикрларидан ўринли фойдаланганлари аҳамиятлидир.

“Мустақиллик майдони” асари билан танишган ҳар бир киши муаллифлар етагида яна бир бор бу майдонда бўлгандек ҳис қилади ўзини, улар кўзи билан майдондаги ҳар бир санъат асарига термулади. Истагимиз: ушбу асар хорижий тилларга ҳам таржима қилиниб, матбаачилигимизнинг сўнгги ютуқлари билан нашр қилинса, нур устига нур бўларди.

Нормўмин ОЧИЛОВ,
адабиётшунос



Херсон вилоятида сургун азобини тортган собиқ “қулоқ” юртдошларимиздан 26 нафарининг тақдирини аниқлаш мақсадида изланишлар олиб бордик. Натижада, улардан бири Маҳмуд Аҳмадалиев ҳақида айрим маълумотлар қўлга киритилди. У ўз даврида 20 йил қамоқ жазосига тортилган эди.

Биз яқинда Маҳмуд Аҳмадалиевнинг ўғли Абдуллажон Аҳмадалиев Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Сарой қишлоғида яшаётганидан хабар топдик ва у билан учрашиб суҳбат қурдик.

Маҳмудқорининг кенжа ўғли 1942 йил 1 апрелда Херсон вилояти Голопристан тумани Михайловка қишлоғи “Коминтерн” пахтачилик совхозида меҳнат кўчкисиди оиласида туғилган.

кутубхонани тезда очишнинг иложи бўлмаган. Шундан кейин бир неча фурсат Қўқонда туриб қолиб, сўнг Андижонга бориб, мактаб очиш ишларини бошлаб юборишган.

Шундай қилиб, Муҳаммаджон қори Қўқонга бормай, бизнинг Сарой қишлоғимизда муаллим бўлиб қолган. Унинг янгича мактаб очишида отам Маҳмуд Аҳмадалиев, Иброҳим хожи Тошматов ва бошқалар яқиндан ёрдам берганлар. Октябр тўнтаришидан кейин ҳам Тошкентда яшаётган Муҳаммаджон қори билан ўзаро оилавий бордикелди қилиб турган.

Шўро давлати ташкил бўлмасдан аввал отам тасарруфида 75 таноб ер, 1 гектар ҳажмида мевали боғ бўлар эди, ҳаммаси колхоз ихтиёрига ўтказилган. 1931 йил мезон ойининг 5-кунини

У “26” ЛАРДАН БИРИ ЭДИ

Абдуллажон отаси ҳақида эсларкан, бизга куйидагиларни гапириб берди.

— Отам Маҳмуджон Мулла Аҳмадалиев 1878 йили Олтинкўл тумани Сарой қишлоғида таваллуд топган, деди биз билан суҳбатда. — Эскича бошланғич мактабни тамомлагач, Қўқондаги мадрасалардан бирида таҳсил кўрган, 9 ёшида отадан етим қолиб, моддий қийинчиликларга қарамай тиришқоқлик билан мадрасани тамомлагач, Мулла мақомига эришган.

У 1914-1916 йилларда Тошкентдан Сарой қишлоғига янгича мактаб очиш учун келган жадидчилик ҳаракатининг энг фаолларидан бири, маърифатпарвар Муҳаммаджон қори Раҳимий билан қалин дўст тутиниб, у билан ҳамкор ва ҳамфикр бўлган.

Муҳаммаджон қори Раҳимий Ҳусанхон Ниёзий билан Қўқонда кутубхона очиш учун Тошкентдаги амалдор П.Остроумовнинг рухсатини олиб, Қўқонга боришган. Лекин

оиламиз махсус эшелонда Украинага сургун қилинган. Сургунда отам Маҳмуд Аҳмадалиев, онам Ҳадича Аҳмадалиева, акаларим Ҳабибулло, Лутфулло, Абдумухтор, Абдуғаффор, опам Сожидалар бўлган. Улар Голопристан туманидаги Михайловка қишлоғига жойлашиб, “Коминтерн” совхозида пахта етиштириш билан шуғулланишган.

1934 йилда Озодахон опам туғилган. Тезроқ озод бўлайлик деб унинг исмини Озодахон қўйишган. 1939 йилда Шаҳзода опам туғилган. Мен 1942 йил 21 июнда туғилганман.

1932-33 йиллардан очарчилик ва қаҳатчилик, совуқ ва касалликлар сабабли 1933 йилда Абдуғаффор акам, 1936 йилда Ҳабибулло акам, 1940 йилда Абдумухтор акам, 1944 йилда Лутфулло акамлар вафот этадилар.

Херсонда касалланиб, юртимизга етиб келганимиздан сўнг Озодахон опам вафот этади.

Иккинчи жаҳон уруши туганидан сўнг 1945 йил 14 декабрда отам Маҳмуд Аҳмадалиев

маркази Берлин шаҳрида бўлган “Туркистон—Берлин комитети”нинг Херсондаги филиали аъзоси ва қатнашчиси сифатида ҳибсга олинади. Комитетнинг 26 аъзоси қаторида ҳарбий трибуналга топширилади. Ҳарбий трибунал ҳукми билан 20 йил каторга ишларига кесилади. Унинг қайси лагерларда жазони ўтаганлигини аниқ билмайман. Лекин шуниси аниқки, энг охири озод бўлиб келган жойи — Т/Я юз/53 (Херсонда) деб ёзилганини эслайман.

1954 йилнинг 14 августида озод қилинган.

1931 йилда оиламиз сургун қилинганидан сўнг отам Маҳмуджоннинг акаси Абдулла хожи Андижон турмасида вафот этади. Унинг хотираси сифатида менга акасининг исмини қўйган эканлар.


Отам 1954 йилнинг 22 август кунини озод бўлиб, уйимизга келади. Бу хабарни эшитиб, эски қадрдон дўсти, тошкентлик Абдулла Қодирийнинг ҳам яқин ошналарида бўлган Муҳаммаджон қори Раҳимий ҳам 1956 йилда уйимизга келади ва отам билан узоқ танаффусдан сўнг дийдорлашадилар. Отам 1968 йилнинг 31 мартда, онам Ҳадича Аҳмадалиева 1983 йилнинг 17 августида вафот этганлар.

Мен ТошДУ ўзбек филология факультетини сиртдан тамомлаб, узоқ йиллар мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бердим. Нафақага чиққач, “Республика қонунсиз сиёсий қатоғон қурбонлари” уюшмасида, унинг вилоят бўлимида жамоатчилик асосида 2005 йилгача ишладим. 4 қизим, 1 ўғлим бор. Битта ўғил набирамга дадамнинг хотирасига ёдгорлик деб исмини Маҳмуд қўйдик.

Сургундалигида Маҳмуд Аҳмадалиев уч ўғлидан жудо бўлганини махсус кўчмандилиги шаҳодатномаси варағига араб ёзувлари билан битиб қолдирган экан. Унда 1930 йилда туғилган ўғли Абдуғаффорни 1933 йили вафот этгани, ўғли Ҳабибулло 1936 йилнинг 21 апрелида вафот этгани, ўғли Абдумухторжон 1940 йили 16 ноябрда касалликка чалиниб 24 ноябрда вафот этгани қайд қилинган.

Улар Голопристан тумани Михайловка қишлоғидаги қабристонга дафн этилган. Қабристон ҳозирда ҳам мавжуд. Биз бу қабристонни 2001 йили зиёрат қилиб, у жойда ётган юртдошлар руҳига атаб Қуръони карим тиловат қилганмиз.

Биз изланишлар давомида яна ушбу маълумотларни олишга муяссар бўлдик. Ҳибсга олинган Маҳмуд Аҳмадалиев терговда қийноқларга солинади. Терговчи ундан — аёли Ҳадича бибига хат ёздиришга ва ундан сандиқдаги ҳужжатни бериб юборишини сўрашга мажбур қилади. Бу хатни терговчи ва соқчилар унинг уйига келиб Ҳадича



бибига кўрсатадилар. Уй бекаси сандиқни очиб эри айтган ҳужжатни беришга мажбур бўлади. Бу ҳужжат “Туркистон легиони”га оид бўлган ва у далил — ашё сифатида жиноят ишига қўшиб қўйилади.

Маҳбус Маҳмуд Аҳмадалиевнинг Херсондаги қамоқ лагеридан аҳли-аёли Ҳадича бибига араб ёзувида ёзган хати, сақланиб қолган. Уни айнан келтирамиз:

“Отинча биби, ёзган хатингизни кўриб, кўп хурсанд бўлдим, тирик бор экан деб.

Менким, Маҳмуд Хазиний ва ҳамда ғарбий мусофир шаҳарларида юрувчидурман. Ўзимни сиҳат-саломатлигимни билдирганимдан сўнгра ва сизларни ҳам сиҳат-саломатликларингизни ҳамма вақт, кеча ва кундуз еру кўкни яратувчи парвардигори оламдан тилаб юрмоқдаман. Илоҳо сизларни ва ҳамда мен ғариб махзунни ўз ҳимоясида сақлаб, тез фурсатда ва яқин ҳолда дийдор кўришмакни насиб ва рўзи қилсин. Омин ва рабби оламин.

1953 йил 6 декабрда бизни Запорожьедан Херсон шаҳрига олиб келишди. Бу ер ногиронлар лагери экан. Шу ерда тинч-омон ётибмиз. Ишга таклиф қилишмайди, ушбу жойга келганимиздан кейин 65 дан юқори ёшлик одамларни комиссия кўрди, нима учун кўрди, маълум эмас. Ҳозирча одамлар яхшилик бўлса керак деб умид қилмоқдалар. Ажаб эмас, мени ҳам кўрган, аммо муддатимга анча бор, йигирма икки ой бор. 1955 йилни 14 декабрида тўлади. Ўзим соғман, аммо бир оз оёғимда оғриқ бор.

Уст-бош тўғрисида ҳамма нарса бор, камлик йўқ. Аммо бир дона гулсиз дўппи керак эди холос. Чунки гуллик дўппи кийсам русларга яхши кўринмайди. Қорадан тикиб юборсангиз яхши бўлар эди, ёз вақтида. Сизлар юборган икки дона кўйлак, икки дона белбоғ бекор турибди, ҳожати йўқ, бу ерда белбоғ боғлаш йўқ. Бизларга ҳар бир ойда икки дона хатга ижозат бор. Аммо сизлардан ҳар куни хат келса ҳам бераверади, агар ўн дона бўлса ҳам беради.

1953 йилда саккиз ойча сизлардан бир дона хат олмадим. Кўп ҳижолат бўлдим, нима учун ёзмайди деб. Ҳаёлимга ҳар хил гаплар келади. Ҳайрият тинчлик экан, кўп хурсанд бўлдим. Аммо Херсонга келганимдан бери 3 дона хат олдим. Учинчи хатда перевод пули бор деб ёзилган экан. Ҳозирча пул келгани йўқ. Агарда келса, дарҳол ёзиб юбораман. Ҳайрият ҳамки Абдулқуддус бор экан. Агар у бўлмаса, мен ҳаммани эсидан чиқиб кетган эканман деб ўйлайман. Ушбу жойда бу йил қиш жуда ҳам қаттиқ келди, йигирма даражадан ошиқ, аммо совуқ, ҳар куни қор, бўрон кўп бўлиб туради, хайр саломат бўлайлик. 1. Оилам Отинча биби 2. Фотимахон. 3. Сожидахон. 4. Шаҳзодахон. 5. Абдуллажон. 6. Абдулаҳад, Оминахон болачақалари билан. 7. Сотиболди болалари билан оиласига ҳам. 8. Абдулқуддус ва Абдулвоҳид. 9. Абдуразоқ, Муяссархон қизим, Абдумухторжон укалари билан. Куёв бўлмиш болаларим уста Абдуқаҳҳор ва Ёқубжонларга дуо айтиб қўясизлар. Абдурашид, Назирахон, Ўтиборхон болалари бирлан, Баҳринсо биби ва бошқа қавм-қариндош, ёр-биродарларга салом айтиб қўясизлар. Агар сўрасалар, Қосимжонга болачақалари билан, қолган қавм-қариндошлар маъзур тутсинлар, чунки ким бор, ким йўқ ҳозир ёдимда йўқ. Агар башарти мени йўқлаган вақтда менга ҳамма нарсдан ўрик яхши. Чунки қайнатиб ичсам менга фойда қилади. Бу ерда сотиб олишга топилмайди. Абдулқуддусдан ҳар бир хат келар бўлса, раҳматли акамни ҳобимда кўраман. Шу куни хат оламан, ҳайронман. Отажон, Бибиҳожар, Мирзааҳмад, Исмоилжон, Исҳоқбой, Қўшақбойларни ҳам сўраб қўйинглар. Отин биби мени тўғримдан хафалик тортманг, менга икки дунё баробар. Менда ҳеч хафалик йўқ, иродага тан бериб ётаман. Ўзимдан бошқа ўзбек йўқ, ўзим танҳо. Аммо мусулмон бир черкас бор, уч нафар татар, бир қозоқ бор, бошқаси руслар. Ўзим тинчман. Сизлар ҳам тинч бўлсаларинг бўлди. Ҳар замон болалар ўзбекча хат ёзиб юборса ҳам бўлади. Озодахон қизимни бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди: дада, бувимни уришманг.

Мен бувингни уришмайман десам, ҳо бирор-бирор уришасиз. Бувим мундақа яхши овқатларни қилиб беради деганлари менга кўп яхши эшитилади. Кўп дуо қиламан. Худованди Карим раҳмат қилсин. Запорожьедан ҳам шу хилда неча бор хат ёзганман, бордими ё бормадими, жавобсизда. Борган бўлса келди деб ёзсанглар мен ҳам ёзиб тураман ҳар замонда”.

Маҳмудқори Аҳмадалиевнинг оиласи 1947 йили Андижонга қайтиб келади. Бироқ, оила бошлиғи Маҳмудқори ака Украинанинг “Запорожьец” лагерида қамоқда қолади.

Ўз отасининг қисмати қандай кечганлиги, нима сабабдан қамалганлигини билиш мақсадида ўғли Абдуллажон Украина олий суди жинойи ишлар бўйича суд коллегиясига хат юборади. Коллегия раиси ўринбосари Е.И.Овчинников 1994 йил 23 ноябрда жавоб йўллайди. Унда ички ишлар халқ комиссарлиги қўшинлари, аниқ Херсон вилояти ҳарбий трибунали 1946 йил 22 майда, 1878 йилда туғилган Маҳмуд Аҳмадалиев Ватанга “хоинлик” қилганликда, собиқ СССР билан уруш ҳолатида бўлган чет эл давлатига ёрдам берганликда, аксиланқилобчи жиноятларни амалга ошириш учун тузилган ташкилотда иштирок этганликда айбланиб, собиқ СССР Олий Советининг 1943 йил 19 апрелдаги Фармонининг 2-моддасига биноан мол-мулки мусодара қилиниб, 20 йил каторга ишларига ҳукм қилингани айтилган.

Шунингдек, хатда собиқ СССР Олий суди ҳарбий коллегияси 1946 йилнинг 25 сентябрида ҳукмни ўзгартириб, жазони юмшатиб, мол-мулкни мусодара қилиб, 10 йил озодликдан маҳрум қилишга қарор қилгани айтилган. Украина Олий суди 1994 йил 7 октябрда жиноят кодексининг 54-2 моддаси билан айбланган Маҳмуд Аҳмадалиевнинг иши бўйича суд қарорларини бекор қилишга, жиноят ишини эса таркибида жиноят бўлмагани сабабли тўхтатишга қарор қилган.

Шундай қилиб, айбсиз айбдор бўлган, жиноятсиз жиноятчи бўлган, 15 йил бегона юртда сургунда азоб чеккан, 10 йил концлагер қамоғида маҳбуслик даҳшатларини бошдан кечирган Маҳмудқори Аҳмадалиев ҳақида бор ҳақиқат рўёбга чиқди.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
Беҳзод ЮНУСОВ**

ОҚСОҚОЛ



Бундан уч йил муқаддам Ҳамза туманидаги “Маърифат” маҳалласи аҳоли сонининг ортиши муносабати билан иккига бўлиниб, янги ташкил этилган маҳаллага “Тараққиёт” деб ном қўйдилар. Янги маҳаллани ўз ўзини бошқариш асосида ташкилий-хўжалик, оммавий-тарбиявий ишларни талаб даражасида йўлга қўйишга кўпчилик журъат эта олмаганди. Ўшанда бу ишни маҳалланинг фаол нурунийлари ўз зиммаларига олган эдилар. Улар сафдошларидан бири — 70 ёшдан ошган Каримжон ака Зокировни фуқаролар йиғинига раис этиб сайлашди. Сабаби Каримжон ака ярим асрдан зиёд қурилиш соҳасида ном чиқарган, республикада таниқли киши эди. У қурилиш ва ободонлаштириш соҳаси сирасорларини яхши билган, бир пайтлар қўлидан иш келадиганларни танлаб, уларга одилона раҳбарлик қилган инсон эди.

Ҳа, нурунийлар адашмадилар. Янги раис, аввало, тадбиркор ҳомийлардан, маҳалланинг ички имкониятларидан ўринли фойдаланиб, маҳаллани ободонлаштириш учун етарли маблағ топди.

Маҳалланинг маърифий-тарбиявий тадбирларига доимо бош-қош бўлиб турган фаолла-

ридан Раҳматилла Баракаев, Нурматжон Собиров, Зиёдулла Мўминов, Турғунхўжа Юнусалиевлар ҳомийлик бўйича ҳам ташкилотчилик қилиб, кўзланган натижаларга эришдилар.

Маҳалланинг кўп хонали эски биносини таъмирлаш учун 12,5 миллион сўм маблағ сарф қилинди. Маҳалла ҳовлиси ва атрофдаги яқин кўчалар йиғилиб қолган чиқиндилардан тозаланди. Бу ишларга ва умуман маҳаллага ҳомийлик қилишда маҳаллада жойлашган муассаса раҳбарларидан бири Турғунжон Холиқовнинг ёрдами жуда катта бўлди.

Бинодан оқсоқол қабулхонаси, диний-маърифий ишларга, маҳалла сардорларига, маиший тўловлар билан шуғулланувчилар учун ҳам алоҳида хоналар ажратилиб жиҳозланди.

Биринчи навбатда маҳалла нурунийларининг дам олишлари учун икки хона ажратилиб, газ, электр ва иситиш тармоқлари ўрнатиб берилди. Хуллас, 21 та хона тўлиқ таъмирланди.

Маҳалла худудиди шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли “Нуруний” шифохонаси жойлашган. Бу сиҳатхонага мамлакатимизнинг барча худудларидан кекса отахон ва онахонларимиз даволанишга келадилар.

Мевали боғ-роғ, турфа гулзорлар билан бурканган тўрт қаватли бу саломатлик кошонаси тозалиги ва баҳаволиги, саранжом-саришталиги билан маҳалладаги барча муассасаларга, хонадонларга, маҳалла аҳолисига ўрناк бўлиб келади.

Маҳалладаги 30-ўрта мактаб ҳам яқинда тўлиқ қайта таъмирланди, мактаб атрофига арча ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, атрофга файз бахш эта бошлади.

Маҳалланинг Боку, Ўш, Кўприкли каби кўчаларида айрим хонадон эгалари ўзлари яшаб турган уй-жойларини миллий безаклар билан янги лойиҳа асосида қайта қура бошлаганлиги ҳам кўчалар қиёфасини ўзгартирди. Эндиликда кўпчилик маҳалланинг озода ва кўркамлигига ҳавас қилишади.

Эҳтиёжнинг келиб чиқиши янги ташаббусларга доя бўлади. Тўй-у маъракалар, муҳтожларга кўмак, ёки инсонни сўнгги йўлга кузатиш каби тадбирлар чоғидаги заруриятлар маҳалланинг ташкилотчи фаолларидан бири Холдор Тошпўлатовни лоқайд қолдирмади. У зарур таклифлари билан раис ҳузурига кирди. Каримжон ака унинг таклифини қўллаб-қувватлади. Маҳалла фаоллари маблағ топишди. Зару-

рият анжомлари, тўй-у маъракага керакли идиш-буюмлар ва бошқа анжому ашёлар сотиб олинди.

Эндиликда эса ҳар йили Мустақиллик ва Наврўз байрамлари, маҳалла ҳаётига тегишли тадбирлар бекаму кўст ўта бошлади. Маҳаллада маърака қилувчилар бу ашёлардан беминнат фойдалана бошладилар.

Энг муҳими, маҳалла фаоллари ўзлари сайлаган раисни яқкалаб қўймадилар. Уларнинг ҳар бири маҳаллага қўлидан келган иши билан кўмак бердилар. Масалан, Раҳимжон Қўзиёв тўй-у маъракаларга бош бўлса, Асатилла Дўстов маҳаллага ҳомийлик қилиш бўйича, Мухтор Бўтаев, Неъмат Ибрагимов, Набижон Исоқов, Иброҳим Хўжааҳмедов, Лилия Рябовалар маҳалла кўчаларини ободонлаштириш ва аҳоли ижтимоий ҳимоя ишларига бош-қош бўлдилар.

Оқсоқолнинг диний-маърифий ва ахлоқ тузатиш ишлари бўйича ўринбосари Ҳамидахон

Ризаева ва Сардорлар гуруҳи раҳбари Ирисмат Ҳайитметов ўз вазифаларини вақтида адо этиш билан Каримжон аканинг энг яқин ёрдамчиларига айланган.

Маҳаллада кам таъминланган 24 оила нафақа билан таъминланади. Моддий ёрдамга муҳтож бўлганлар махсус комиссия орқали ўрганилади ва уларга ҳомийлар орқали моддий ёрдам кўрсатилади. Аҳолига зарур деб ҳисобланган олти хил озиқ-овқат маҳсулотлари маҳалла дўқонида эркин, навбатсиз ҳолда сотилмоқда. Байрамлар арафасида муҳтожлар ва беморлар аҳволи сўралиб, уларга совғасаломлар улашиш анъанага айланган.

Шубҳасиз, 5,5 мингга яқин аҳолиси бўлган бу маҳаллада ўзига хос муаммолар чиқиб туради. Бироқ Каримжон ака Зокиров раҳбарлигидаги фаоллар гуруҳи томонидан ечими топилиб, муаммолар бартараф қилинмоқда.

Маҳалланинг яна бир ибратли томони шуки, қўшни Аҳмад

Яссавий маҳалласи билан яқиндан алоқа ўрнатган. Бу маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Абдуғафур хожи Бадалов туманда энг тажрибали маҳалла оқсоқолларидан биридир. У киши “Тараққиёт” маҳалласига келиб, ўз тажрибалари ва маслаҳатлари билан мунтазам ёрдам бериб келмоқда.

“Тараққиёт” маҳалласини янада обод ва кўркам қилиш борасида янги лойиҳа тузилган. Бу тадбирга биноан маҳалла идораси хоналаридан бирида касаначилик цехлари ишга туширилади, 4,5 минг кв метр ҳажмда маҳалланинг Боку, Ўш, Султон Санжар кўчаларига асфальт ётқизилади, мевали ва манзарали дарахтларга ишлов берилиб, янги ниҳоллар ўтқизилади.

Маҳалладаги ҳар бир тадбир яхши бир одат билан бошланади. Кексалар чақирилиб зиёфат қилинган, уларнинг дуоси олинади, сўнг ҳашар ёки шанбаликлар бошланади. Бу одат маҳаллада 19 миллат вакилларининг аҳил яшаётганлигидан, ҳар бир миллат кексаларининг дўстлиги, бир-бирларига қадрдон бўлиб қолганлигининг самараси бўлса ажабмас.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ

Суратларда: “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Каримжон Зокиров таъмирдан чиққан 30-мактаб олдида маҳалла фаоллари билан суҳбатлашмоқда.

Ш.ҚАҲҲОРОВ
олган суратлар





Муסיқа инсон томонидан кашф этилган энг қадимий санъат турларидан бири саналади. Инсон бу нафис санъат орқали ўз туйғуларини, қувонч ва ташвишларини ифода этиб келади.

Юртимизда мазкур санъат тури қадимдан ривожланиб, бу соҳада кўплаб машҳур ҳофизу муסיқашунослар, олимлар этишиб чиққан.

Ўзбекистонда замонавий муסיқа санъати турли йўналишларда ривожланиб, ёшларнинг ижодий


Айни пайтда у кенг қиррали муסיқашунос, кўплаб санъат т а д б и р л а р и н и н г ташаббускоридир.

Унинг номини нафақат республикамиз, шунингдек, Туркменистон, Россия, Исроил, Арманистон, Франция ва Германия каби хорижий мамлакатлар муסיқа санъати оламида ҳам яхши билишади.

В.Сапаров симфоник, камер-чолғу, вокал, фортепиано, ҳамда қатор театр саҳнаси асарларининг

қошидаги студияни тамомлагач, Мари шаҳрида 1-сонли муסיқа мактабига асос солди ва салкам қирқ йил унинг директори бўлиб ишлаган.

Валерий Сапаровнинг муסיқа илми ва амалиётини эгаллашида айнан Тошкент шаҳридаги таълими асосий босқич бўлди, дейиш мумкин. У 1973 йил Тошкент консерваториясида фортепиано синфида, 1983 йил эса муסיқий композиция бўйича сабоқ олди. Устозлари Юрий Кензер ва



қобилиятини кашф этмоқда. Эстрадава жаз муסיқа ана шундай кўп қиррали замонавий муסיқа санъати йўналишларидан саналади. Бунинг учун ҳозирда катта тарихий анъана (жумладан, Зокировлар сулоласи анъанаси) қулай шарт-шароит, қатор эстрада ансамбллари, оркестрлар, бадий-ҳаваскорлик жамоалари фаолият юритмоқда.

Мазкур соҳада эстрада ва жаз санъатининг ёрқин вакилларида бири, иқтидорли композитор, ижрочи ва педагог Валерий Сапаров самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

муаллифи саналади.

Албатта, инсондаги иқтидор бир лаҳза ёки бир кунда гойибдан пайдо бўлиб қолмайди. У илк болалик чоғларидан куртак ёзиб тинимсиз меҳнат, интилиш орқали шаклланади. Бунда оила, атроф-муҳитнинг ўрни катта.

Бундан олтимиш бир йил муқаддам зиёли оиласида туғилган В.Сапаров ҳам ана шундай ҳаёт сўқмоқларини босиб ўтди. Онаси Зоя Узольникова мактабда ўқитувчи, отаси Иброҳим Сапаров эса муסיқашунос эди. У Москва консерваторияси

Тўлқин Курбоновлардан икки йўналишда муסיқа сирларининг янги босқичларини ўрганди.

Талабалик давридаёқ В.Сапаров кўп овозли (полифоник) муסיқа яратишга кўпроқ эътибор қаратди. Вақтлар ўтиб, бу меҳнат ўз самарасини бера бошлади. У устозлардан олган сабоқларини амалда қўллаб, ёш шогирдларни тарбиялади. 1961 йил аввалига Ашхабодда, муסיқа мактабида, сўнгра Тошкентда Республика мактабгача педагогика ўқув юртида (ҳозирги Юнус Ражабий номидаги педагогика

коллежи) мусиқа фанидан дарс бера бошлади. Кейинчалик эса Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти эстрада бўлимида фаолият юритди. Мана йигирма уч йилдирки, мусиқашунос педагог В.Сапаров аранжировка, партитура, махсус фортепиано, чолғу асбоблари, чолғу ансамбли бўйича ёшларга сабоқ бериб келаётир. Айни пайтда қатор йиллардан буён Ўзбекистон Давлат консерваториясининг эстрада ижрочилиги кафедрасида дарс бермоқда.

Мусиқашуносликнинг ўзига хос сирли, жозибали қирралари жуда кўп. Улар уйғунлашганда янада нафис, янгича оҳанг касб этади. Ўтган асрнинг 80-йилларида В.Сапаров ижодида ўзига хос бурилиш бошланди. Унда мусиқа анъаналарини гарб мумтоз анъаналари билан уйғунлаштириш орқали ўзига хос йўналишдаги асарлар яратишга қизиқиш кўпайди. Бундай ижод уринишлари натижасида эстрада-симфоник оркестри билан фортепиано учун “Газли” концерт пьесаси, “Қилпиллама ёрим, қилпиллама”, “Гўзал ёр”, “Қари наво”, “Қорақум канали бўйлаб қўшиқ куйлаб”, “Ўзбекистон меҳмонларни чорлайди” каби қатор мусиқа асарлари юзага келди. Улар тегишли мусиқа йўналишлари мутахассислари ва мухлислари томонидан илиқ кутиб олинди ва эътироф этилди. Иқтидорли ижодкорнинг қўғирчоқ театри учун “Пахтаой”, “Оловиддиннинг сеҳрли чироғи” номли театр саҳнаси асарлари ҳам бор. Япон шоири Тамики Хаара шеърларига бағишлаб яратилган мусиқали чизгилар унинг кенг қиррали ижодкорлиги намунасидир.

Мусиқа санъатининг

оҳанграбоси бор. Айнан ана шу сеҳр В.Сапаровни жаз йўналишида ижод қилишга ундади. 1987 йил композиторлар съездида унинг камер оркестр учун ёзилган “Жаз альбоми” номли бешта мусиқали пьесаси ижро этилди. Асарни тинлаган машҳур композитор Ю.Саульский бундан қаттиқ ҳаяжонга тушиб, мусиқачиларга янада “шўхлик” қилишни тавсия этганди. Яъни янада эркин ижод қилишларини қўллаб-қувватлади. Мазкур асар Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестр ижросида куйланиб, пластинка ҳолида чиқарилди.

Ушбу даврда В.Сапаров ижоди янада гуллаб-яшнади ва флейта, торли чолғулар фортепиано учун “Концертино”, “Тарих саҳифалари” симфонияси, камер оркестр учун “Ж.Гершвинни эслаб”, “Байрам фанфаралари” каби қатор асарларини яратди.

Бугунги кунда у академик мусиқа, жаз ва рок элементларини чекланган ҳолда уйғунлаштириб гўзал асарлар муаллифига айланди. Улар қаторида 4 та саксофон ва симфоник оркестр учун “Каприччио”, вокал чолғу ансамбли учун “Асрлар овози” рок-ораторияси, Р.Фарҳодий шеърига ёзилган “Америка-Лотин”, “Биз жазда чаламиз” каби мусиқа асарларини қайд этмоқ мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, В.Сапаров пианинони ҳам моҳирона чалади. Симфоник, камер-чолғули асарларда у фортепианодан фойдаланишга алоҳида урғу беради. Ўз ижодида болалар, ўсмир мусиқачилар учун услуб жиҳатидан ранг-баранг — эстрада ва жаз асарларини яратди. Мазкур асарлар “Ёш

пианиночи”, “Ўзбекистон композиторларининг болалар пьесалари” тўпламларида нашр этилган.

Мусиқа санъатини ҳаёт ва ижодининг мазмуни деб билган Валерий Сапаров ўтган йили Тошкент шаҳар болалар мусиқа мактаблари педагогларининг методик бирлашмасида уста сифатида концерт берди. Шу йилнинг январ ойида эса Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида композиторнинг алоҳида муаллифлик концерти бўлиб ўтди.

Ҳақиқий гўзал асар қалб кўри, юксак иқтидор билан яратилади, унинг қаноти бўлади. В.Сапаровнинг мусиқа асарлари ана шундай таҳсинга лойиқ. Шу боис унинг асарларини Германияда пианиночи А. Нейверт, Исроилда виолончелчи Гилинлар ижро этмоқда. Францияда духовой оркестр учун “Диверткемент” асари ижро этилди.

Валерий Сапаров ҳозирда айни ҳаёт ва ижоди гуллаган пайт. У мусиқа яратиш, концертлар бериш билан бирга педагогик фаолиятини давом эттирмоқда. Унинг ўзига хос ижодий ишлари бор: “Мусиқачи ҳамма нарсани эпламоғи керак”. Бу ибора ўз фикрларини, кечинмаларини ифодалашнинг янги шакллари қидиришдан чарчамаётган таниқли ижодкорнинг ҳаёт тамойилидир. У Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожига, ёш мусиқачиларни тарбиялашга бутун ижодини бахш этиб келаётир.

**Татьяна СЕДИХ,
Абдулла Қодирий номидаги
Тошкент Давлат маданият
институтининг ўқитувчиси**

© О А В Ҳ О Д И М Л А Р И К ў Н И

Таниқли суҳандон Насиба Мақсудова билан суҳбат



— Насиба опа, Сиз телевидениега қандай ишга ўтгансиз? Суҳандон бўлиб ишлаш қийин бўлмаганми?

— Менинг бу фаолиятим мактаб давридан бошланган. У пайтлар кичкинагина қизча эдим. Ўшанда телевидение эндигина оёққа тураётган, ривожланаётган даврлар эди. Мен рақс тўғарагига қатнаб юрган пайтларим. Бир кун Акмал Ҳайдаров деган киши рақсимни кузатиб “Қизим рақс тушишни ёқтирасанми?”, — деб сўраб қолди. Кейин ўша инсоннинг таклифи билан телевидениега бориб қолдим. Телевизорда спектакл кўйишмоқчи экан. Мен рақсга тушдим, шеърлар ўқиб бердим, дадиллигим ёқиб қолди, шекилли, тез-тез кўрсатувларга таклиф қила бошладилар. Шундан сўнг мени Маҳкам Муҳамедов қўллаб-қувватлади. Болалар учун “Гунчаой” кўрсатуви ташкил бўлди. Ўша кўрсатувда бошловчи сифатида экранга чиқа бошладим. Ниҳоятда қизиқ кўрсатув эди. Гунча очилиб, мен оқ кўйлакда гунчанинг қоқ марказида ўлтириб экранда пайдо бўлардим. Ушбу кўрсатув 40 дақиқа давом этарди. Барча болакайлар кўрсатувни орзиқиб кутишарди. Мен мактабда


дарслар тугагандан сўнг кўрсатувни олиб боришга келардим. Ўзим ҳам кўрсатувни бошлаб завқланиб кетардим. Кейинчалик “Ёшлик” студияси раҳбари Элбек Мусаев мени ўз гуруҳига ишга чақирди. Мен у студияда “Истиқлол эгалари” ва “Студентлик — олтин даврим” кўрсатувларини олиб бордим. Ўшанда мен 9-синфда ўқир эдим, бироқ ҳеч иккиланмасдан талабалар тўғрисида дадиллик билан кўрсатувлар қилардим. Энди ўша кунларни эсласам ҳайратга тушаман. Қандай удаладим, қандай қилиб бошлашга журъат қилдим экан деб. Ўқувчилик даври шу билан тугади. Кўрсатув олиб бориш қийин эди, аммо унинг ўзига яраша завқи ҳам бор эди.

— Сизни халқимиз телеэкран орқали жуда яхши танийди. Талабалик йилларингиз қандай ўтган? Қайси олий ўқув юртини тугатгансиз? Ўз даврида кўрсатувларингизни одамлар кутиб яшашган. Оилангиз, шахсий ҳаётингиз ҳам мухлисларингиз учун қизиқ. Шулар ҳақда маълумот берсангиз.

— Оиламиз аслида шифокорлар сулоласи яратганлиги

билан пойтахтда машҳур. Отам раҳматлик қўли енгил шифокор ўтганлар. Улар ҳатто бизнинг ҳам тиббиёт ходими бўлишимизни истаганлар. Бироқ мен Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика бўлимига ўқишга кирдим. Ўқишим ҳам, ишим ҳам кечқурун. Бироқ ҳаммасига улгурардим. 1966 йилда мени таниқли суҳандон Ўктам Жобиров тўсатдан дастурни очишга таклиф қилиб қолди. Бу осон иш эмас эди. Лекин мен бунга ҳам удаладим. Кейин телевидениеда ёшларни суҳандонлик касбига қабул қилиш учун кўрик-танлов эълон қилинди. Унда 300 га яқин истеъдод эгалари қатнашдилар. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Телевидениенинг ўша пайтдаги раҳбари Убай Бурҳонов ўшанда суҳандонликка Мирзоҳид Раҳимов билан мени танлади.

Бир кун Ўзбекистон Миллий университетининг ректори, академик Саъди Сирожиiddинов билан суҳбат уюштирдим. Шундан сўнг раҳматли мени кундузги бўлимда ўқишга ўтказиб қўйдилар. Домладан бир умр миннатдорман.



Ёшлигимизда ҳамма бизга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилишар эди. Домлаларим кўмагида университетда “Дилнавоз” ансамблини ташкил қилган эдик. Бу ансамблда 19 нафар қизлар иштирок этишган, кучли ашулачилар, мусиқачиларни танлаб олган эдик. Ўша ансамбл билан Новосибирск, Киев, Санкт-Петербург шаҳарларига бориб, концертлар қўйганмиз. Ўзбек санъатига ўшанда қойил қолишган. Кейинчалик университет ҳам тугади. Онажоним сабаб бўлиб олийжаноб бир йигитга турмушга чиқдим. Бир-биримизни тушуниб, ҳурматлаб яшадик. Худога минг бир бор шукр, эндиликда бир-биридан ширин 3 нафар фарзандларимиз бор.

Ҳозирда турмуш ўртоғим Анориддин Аминов Тошкент Давлат Техника университетида кафедрага бошчилик қилади. Катта қизим маълум муддат суҳандон бўлиб ишлаб ҳам кўрди. Кейин яна ўз соҳасига — шифокорлигига қайтди. Шифокор бўлиш учун овоздан ҳам кўра қўл керак. Қўл ишламай қўйса тамом, шифокор ўзига ишонмай қўяди. Балким шуларни ўйлаб ўз касбига қайтгандир. Эндиликда набираларим бор. Мен ҳаётимдан хурсандман, шифокорлар авлодиданман, турмуш ўртоғим, фарзандларим ҳурмат қилади.

— **Сиз ҳақиқатан, ҳам устоз, ҳам катта мактаб кўрган, худо берган мафтункор санъаткорсиз. Суҳандонликнинг ўзига яраша масъулияти бўлса-да, бу касб кўплаб ёшларни ўз оҳанграбоси билан ўзига чорлаб туради. Суҳандонликнинг жозибаси нимада? Хорижда бўлганмисиз?**

— Мен телевидениеда Насиба Иброҳимова, Насиба Қамбарова, Ўктам Жобиров, Ольга

Полевая, Галина Мельниковалар билан бирга ёнма-ён ишладим. Улардан билмаганларимни ўргандим. Миннатдорман. Ўша пайтлар кўплар ҳазиллашиб, суҳандон бўлиб ишлаш учун исминг Насиба бўлиши керак дейишганларини эшитганман ва бу билан фахрланганман.

Ахир ўша йиллари Насиба исми тўрт суҳандон ишлаганмиз. Тўртинчимиз Насиба Жабирова эди. Кўрсатувни эркин олиб боришда Насиба Иброҳимова, бадий асарларни маромига келтириб ўқишда Насиба Қамбарова ўз касбининг усталари бўлган. Мен устозлар олиб борган кўрсатувларни зимдан кузатиб, ўзимга керагини топиб олардим. Ўшанда “Бойчечак”, “Она шаҳрим — Тошкент” деган кўрсатувларни ҳам олиб бордим. 1988 йилда хизмат сафари бўйича Финляндияга боришга тўғри келиб қолди. Шунда мамлакат телевидениесига бориб, суҳандонлар ишини кузатдим. Кузатсам, кўрсатувларни суҳандонлар билан биргаликда журналистлар ҳам олиб боришадиган экан. Мен бу ҳолни кўриб, бизда ҳам бир куни келиб шундай тажрибалар амалга оширилишига ишонч ҳосил қилдим. Шундан сўнг мен мустақил кўрсатувлар қилишга киришдим. Хорижнинг кўпгина мамлакатларида бўлдим.

Бир куни “Ёшлик” студияси Бош муҳаррири Тўра Раҳимов менга: “Насибахон, бизга ишга ўтмайсизми?”, — деб қолдилар. Мен бу таклифга бажонидил рози бўлдим. Кўрсатувларимиз сешанба ва шанба кунлари экранга узатиларди. Янги студияда Толибжон Исроилов билан ҳамкорликда ишладик. Дастуримиз оммавийлашиб кетди. Дала меҳнаткашлари ҳаётини ёритишни сўраб вилоятлардан

таклифлар туша бошлади. Бир куни кўктераклик бир кекса отахон ишхонамизга телефон қилиб қолди. У инсон Кўктеракдан ҳам кўрсатувлар қилишимизни, ўзи ёрдам кўрсатишини айтди. Биз у киши билан учрашиб, Кўктерак ҳақида кўрсатув тайёрладик. Бу кўпчиликка маъқул тушди. Шундан сўнг бошқа вилоятларга ҳам чиқа бошладик. Бозорлар, маҳаллалар, дала шийпонларидан, узумзору олмазорлардан, одамлар ҳаёти ва уларнинг бунёдкорликлари, йирик-йирик шаҳарлар ободончилиги ҳақида ҳам кўрсатувлар уюштирдик. Жонли мулоқотлар одамлар юрагига тез кириб бораркан. Бунга ўз тажрибамда кўп марта амин бўлдим. Ишонч билан айтилган сўзнинг ҳам қудрати бор.

“Ассалом, Ўзбекистон!” кўрсатуви ҳам мен учун катта бир мактаб бўлди. Биз бу кўрсатувни оммавийлаштириб, ўзимиз ҳам анчагина улғайдик.

— **Суҳандонга ташқи кўринишдан, овоздан ташқари яна нималар керак?**

— Суҳандон бўлишга, айниқса, ёшлар қизиқади. Лекин бу касбнинг юки оғир. Инсон суҳандон бўлиши учун нафақат ташқи кўринишга, балки айтганингиздай тили ширин, донодоно сўзлай оладиган, нотиклик маданиятига эга бўлиши ҳам керак. Сўзни томошабинга етказишнинг ўзига яраша сири бор. Буни ҳамма журналистлар ҳам эплайвермайди. Мен бу борада ҳамкасбим Севара Турсуновага ҳар жиҳатдан қойил қоламан. У ҳар қандай шароитда ҳам эркин гапира олади, томошабин суҳандоннинг ширали овози ва сўзамоллигига қойил қолиб тинглайди. Кўрсатувнинг яхши чиқишида суҳандоннинг чиройли



бўлиши кифоя эмас бунда унинг кийиниши, ички маданияти ҳам кўп нарсани белгилайди. Сўз билан юракларни эгаллаш осон иш эмас. Бунинг учун инсон образга кира билиши, мустақил фикрга эга бўлиши, сўзамол бўлиши ҳам заруратдир. Керак пайти пайдо бўлган муаммони дақиқада ҳал қила билиши ҳам зарур. Ургуда ҳам гап кўп. Ургу жойида берилмаса, сўз таъсирли чиқмайди. Талаффуз ҳам ана шундай зарурий аҳамиятга эга. Инсон тили равон бўлиши учун кўп китоб ўқиши керак. Яна бир ҳақиқатни айтай, радио тингламаган, телевизор кўрмаган, театрда бормаган одамнинг нотик бўлиши қийин. Мен кўп одамлар билан суҳбат қилиб кўрганман. Шунинг учун

ким билан суҳбатлашиш осон-қийинлигини жуда яхши билман. Жиддий одамлар билан суҳбатлашиш ҳар доим оғир кечади. Бироқ суҳандон бунга ҳар доим тайёр бўлиши керак. Одамлар ичидан сўзни тортиб чиқара билиш ҳам катта санъат.

— **Сиз ўзингизни бахтиёр аёл деб ҳисоблайсизми? Журналхонларимизга қандай тилакларингиз бор?**

— Инсон қачон оиласи тинч, фарзандлари ақлли бўлсагина бахтиёр бўлади. Худога шукр бахтлиман: турмуш ўртоғим меҳрибон, фарзандларим ҳурматимни жойига қўйишади, дугоналарим ҳамиша излаб юришади. Одамларга ҳар доим керакман, шогирдларим тез-тез ҳол-аҳвол

сўраб туришади. Аёлнинг бахти жуфти ҳалоли билан тўлиқ. Чунки эркак гўзалликни ҳимоя қилади. Бахтиёрлик юзида ошкора балқиб турган аёл ҳам гўзал, ҳам меҳрибон бўлади. Қалб тоза бўлса, инсон бир куни истаган ниятига, албатта, етади.

Азиз журналхонлар! Сизга ҳар доим бахт ва омад ҳамроҳ бўлсин. Инсон кўнгли гулдек нозик, илоҳим, у ҳеч қачон яраланмасин. Шунда у ҳис-ҳаяжон ва эзгуликларга лиммолим бўлади. Бундай инсон ҳеч қачон бировга ёмонлик тиламайди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ
суҳбатлашди

Афсона ва ҳақиқат

КЛЕОПАТРА

*Кўнглимдаги тоза тилаклар
Ёвнингми бағрига тушиди?..
ЧЎЛПОН. «КЛЕОПАТРАГА»*

Нил соҳилларида анвойи чечаклардан гулдасталар териб, не-не подшоҳлар ва саркардаларнинг ақл-ҳушдан оздирган гўзал малика Клеопатра ким ўзи?

Жаҳон адабиёти устозларидан, инглиз даҳоси Уильям Шекспир “Цезар ва Клеопатра”, “Антоний ва Клеопатра” драмаларида, атоқли драматург Бернард Шоу “Антоний ва Клеопатра” трагикомедиясида, машҳур тарихий асарлар муаллифи Р.Хаггард “Клеопатра” романида замона нодираси бўлган бу мафтункор аёлга ўзларининг шоҳ

байтларини бағишлаши, ўзбек мумтоз шоири Чўлпон бу ёрқин сиймони бир неча гўзал шеърларида тасвирлаши бежиз эмас, албатта. Баъзи адиблар ва тарихчилар Миср маликаси Клеопатрани ватанпарвар, оқила, жозибали, дилкаш ва нозли малак деб баҳолашади, баъзи олимлар бу аёлга қора бўёқлар чаплаб, уни айш-ишрат, шаҳват қули деб баҳолайдилар. Бу фикрларнинг қайси бирида тарихий ҳақиқат бор?

Юлий Цезарь Искандарияда Клеопатра билан хайрлашгач, қўшинларини Кичик Осиёга бошлаб кетди. Милоддан аввалги 47-йилда у Паргам (Бобил давлатининг II, I асрлардаги номи) подшоси Митрифат ёрдамида Қримни эгаллади. Қрим (у вақтда Тавр ёки Таврида деб аталарди) подшоси Фармак устидан галаба қозонгач, у Римга

қайтди. Кичик Осиёдаги галабаси ҳақида Цезарь сенат мажлисига жуда мухтасар қилиб: “Veni, Vidi, Vice”, яъни: «Бордим, кўрдим, енгдим» деб берган ҳисоботи тилларда дoston бўлиб кетганди. Кўп ўтмай Цезарь Африкага, Мисрнинг нариёғидаги давлатларни забт этишга отланди. 46 йил баҳорида у Африка голиби бўлиб қайтди. Шундай қилиб, Цезарь бир ойда тўртта галабани нишонлаган эди. Рим Цезарь шарафига тўрт марта байрам қилди. Одатда голибни шарафлаш маросимида енгилган мамлакатларнинг подшолари ёки маликаларини кишанга солиб, ўлжалар қаторида намоиш этишарди. Искандария урушида эришилган галаба байрамида Клеопатранинг опаси — малика Арсиноя асира сифатида қатнашган эди. Цезарнинг кейинги зафар байрамида эса голибнинг ажлоди ҳисобланган Венера Ибодатхонасидаги маъбуда ҳайкали ёнига Клеопатранинг ҳам олтин ҳайкали ўрнатилди. Римликлар душманига бўлган

бундай иззат-ҳурматдан ғазабландилар, лекин ғолиб ҳурмати учун аламини ичга ютдилар. Бизнингча, Юлий Цезарь Миср маликаси билан Нил бўйлаб саёҳат вақтида шу қарорга келган — севгилисини маъбуда деб билган.

Кейин Испанияга қарши жанглари бошланиб кетди. Юлий Цезарь Испаниядан Клеопатрага ёзган хатларда Помпей авлодларини бирин-кетин енгаётганлигини айтар эди. Бу мактублардан, Цезарнинг истилочилиги иштаҳаси очилиб бораётганлигини сезиш мумкин эди. Қадимги тарихчиларнинг фикрича, Юлий Цезарь Искандар Зулқарнайн йўлидан бориб, Ҳиндистон, Эрон, Ўрта Осиёни ҳам босиб олиб, мағрибдан-машриққача якка ҳукмрон бўлишни хаёл қилар эди. Агар Цезарь шу ниятларига етса, Клеопатра ҳам етти иқлим маликаси бўлиб, бутун дунёга ҳукмдорлик қиларди.

Малика Бобилдаги боғларида сайр қилар экан, замонасининг буюк алломаларидан, Ватан отаси деб ном олган буюк нотиқ ва файласуф Цицерон унинг қабулига интизор бўлиб, илтимосини айтолмай сарсон эди. “Табр (Дажла) дарёси соҳилидаги боғларда яшаётган маликанинг мағрурлигини эсласам, жудаям хафа бўлиб кетаман”, деб ёзганди Цицерон.

Гап шундаки, қадимги замон тилида ёзилган барча нодир китоблар Искандария кутубхонасида сақланарди. Жаҳонга ҳукмронликни даъво қилувчи мағрур римлик олимлар ҳам Искандария кутубхонасидаги илмий ҳазиналарга муҳтож эдилар.

Малика Клеопатра эса ана шу нодир китобларнинг кўпчилиги

билан таниш эди (у жуда кўп тилларни биларди).

Марк Тўллий Цицерон мактубларидан маълум бўлишича, у Римда ҳам Сукрот, Афлотун ва Арасту даврларидаги Афина Академиясига ўхшаш буюк олимлар Академиясини ташкил этишни орзу қиларди. Цицерон афиналик яқин дўсти, аслзода Тит Помпонийга бундай ёзади: “Марҳаматингни дариг тутмай, менинг Академиямга зарур китоблардан нима топсанг,



ҳаммасини тезроқ юборақол... Китобларингни ҳеч кимга бериб юборма. Ўзинг ёзганингдай, уларни мен учун сақла”.

Цицерон шу дўстига яна бир мактубида ёзади: “Эҳтимол, мени Пубеала ва Лукрия ноз-неъматларидан лаззатланади, деб ўйлаётгандирсан, йўқ, мен бу ернинг фақат кутубхонасидан лаззат оляпман. Давлат ишлари ҳар қандай лаззатни оғулайдиган замонда илм менга мадакор бўлиб, қайтадан дунёга келтиради. Амал курсисидан ўтиргандан кўра сенинг кутубхонамда, Арасту

ҳайкали пойидаги курсида ўтиришни афзал кўраман”.

Малика Клеопатра не учун шундай замон алломасининг илтимосини эътиборсиз қолдиргани ажабланарли, албатта. Аммо, гап шундаки, оташин нотиқ Цицерон кўпинча адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилар, унинг халқ орасидаги обрўидан амалдорлар жуда қўрқар эдилар. Жумладан, у Юлий Цезарнинг ҳам рақиби эди. Клеопатра эҳтимол, шу сабабдан уни қабул қилмагандир?

Шарқ мамлакатларида ислом дини тарқалмасидан аввалги даврларда ҳам аёл киши якка подшо бўлиши мумкин эмасди. Аёл ҳукмдорнинг эри ёки эри ўлса, фарзанди давлатга шерик бўлиши керак эди. Милоддан аввалги 44-йилда малика Клеопатранинг укаси ва эри Птолемей XIV тўсатдан жон таслим қилди. Искандарияда ёш подшо заҳарлаб ўлдирилган, деган миш-мишлар тарқалди. Ёш Батлимус қандай ўлгани ҳалигача яхшироқ аниқланмаган. Яна бир тахт даъвогари — опаси Арсиноя тирик, аммо у Италиядами, Кичик Осиёдами — Клеопатра билмасди. Ҳар ҳолда у тўсатдан келиб, подшоликни даъво қилиши мумкин эди.

Ғалаёнларнинг олдини олиш учун малика ўзининг Цезардан кўрган ўглини (гўдак бўлишига қарамай) Цезарь филопатор (Отасини севгучи) Птоммей XV унвон билан подшо қилиб кўтарди. Нил ёқасидаги Дендор шаҳридаги Хатхор ибодатхонасида ёш Птолемей XV нинг тахтга ўтириш маросими тасвири ўйиб ишланган суратли ёзув ҳозиргача сақланиб қолган. Поляк тарихчиси А.Кравчук ёзишича, малика Клеопатра халқдан узилиб қолмаслик, унинг



мададига суяниш учун доно сиёсат юритган, халқ диний эътиқодини, маросимларини эъзозлаган.

Римда эса шу орада яна фуқаролар уруши бошланиб кетди. Милоддан аввалги 44-йил кузида Антоний гуруҳи билан сенат партияси ўртасида ажралиш юз берди. Сенат қўшинларига Юлий Цезарнинг меросхўри, тутинган ўғли Октавиан Цезарь бошчилик қиларди. Римнинг шарқий вилоятларида эса Рим сенатига ҳам, Антонийга ҳам қарши гуруҳ Юлий Цезарнинг қотиллари — Марк Брут ва Гай Кассий катта қўшин тўплаб, исён кўтарган эдилар.

Милоддан аввалги 42-йилнинг куз фаслида Октавиан Цезарь ва Антоний қўшинлари бутун Адриатика денгизи бўйлаб, Юлий Цезарнинг қотиллари Брут ва Кассий қўшинларини қувиб келарди. Миср маликаси Клеопатра, табиийки, севгилиси Юлий Цезарь қотилларига қарши курашда Октавиан ва Антонийга ёрдам беришни ўзининг бурчи деб ҳисобларди. Шу мақсадда малика кучли флот тузиб, Брут ва Кассийга қарши жангга отланди. Лекин Искандариядан чиққан ҳарбий кемалар бўронда қолиб, душман қаршисига етиб келолмади. Тарихчилар шу пайт маликанинг ўзи ҳам бетобланиб, ётиб қолганлигини айтишади. **Қ а д и м г и М и с р** ибодатхоналарининг паноҳкори бўлган маликанинг ўзини ҳам коҳинлар Куёш тангриси Изидан, деб илоҳийлаштирган эдилар. Клеопатранинг Тангри Изидан қиёфасидаги сурати тошга ўйиб ишланган. Африка соҳилларида Миф кемалари бўронга учраб, жанг майдонига етиб бормаганлигини ҳам малика худонинг қудратидан деб билиб, келгусидаги яхшиликка йўйди.

Чиндан ҳам кейинги тарихий воқеалар малика Клеопатрага бахт-иқбол келтирди. Филипп шаҳри яқинидаги жангда Брут ва

Кассий флоти тор-мор келтирилди.

Шу орада малика Искандария аҳолисини, айниқса, нознеъматларни етиштирувчи деҳқонларни барча солиқлардан озод қилиб, халқнинг дуосини олди.

Антоний ва Клеопатранинг ишқий можаролари, иккаласининг халқ орасида юриб, одамларнинг завқини келтириши ҳақида Плутарх бундай ёзади:

“Шу орада Клеопатра... Антоний киришган ҳар бир ишга ёки кўнгилхушликка дилдорлик, дилоромлик бахш этар, римлик паҳлавонни ўзига ипсиз боғлаб, тобора яқинлаштирар эди. Иккаласи бирга ошиқ ташлашар, бирга май ичишар, бирга ов қилишарди. Антонийнинг шамширбозлик, найзабозлик машқларида томошабинлар қаторида албатта, малика бўларди.

Антонийнинг барча шўхликларини ва майнавозчиликларини санаб тугатиб бўлмайди, яхшиси бир мисол келтириш билан кифоялана қолайлик. Бир куни Антоний балиқ тутиб ўтирарди. Аксига олиб ови юришмади. Ёнида ўтирган Клеопатрага ови юришмаган бўлиб кўриниш унга ёқмасди. Шунда у балиқчилар билан келишди, улар сув остидан бориб, қармоққа балиқ илиб қўядиган бўлишди. Мисрлик малика бу қувликни сезиб қолди. У ҳам балиқчилар билан ҳеч кимга билдирмай келишиб, Антонийнинг қармоғига қоқланган балиқ илинтириб қўйди. Тумонат одам орасида Антоний мақтанмоқчи бўлиб, қармоғини тортган эди, қоқланган балиқни кўриб, ҳамма хохолаб кулиб юборди. Шунда Клеопатра “Император ҳазратлари қармоққа илинтиришни бизга қўйиб бер, сенинг ишинг балиқ овлаш эмас, шаҳарларни, подшоҳларни, иқлимларни овлашдир!”, —

деди».

Рим саркардаси билан Миср Маликаси кўнгилхушлик қилиб, яшил соҳилда ўтираверишсин, энди сўзни Антонийнинг Италияда қолган хотини Фульвиядан эшитинг. Тинибтинчимас Фульвия илгари Антонийнинг укаси ва рақибини Луцийга қарши курашарди, сўнг у билан ярашиб, иккаласи Антонийнинг душмани — ёш Цезарь (Октавиан)га қарши кураш бошлашди. Иккала томон қўшинлари тўқнашиб, ёш Цезарь енгиб чиқди. Фульвия билан Луций Италиядан қочиб кетишди. Бу вақтда Антоний қудрати ошиб бораётган Парфияга қарши уруш бошлаган эди. Парфия подшоҳи Лабиси Дажла дарёсидан ўтиб Кичик Осиёдаги Сурия, Лидия ва Ионияларни босиб олган эди. Антоний Искандарияда Клеопатра билан айш-ишратни бас қилиб, парфияликларга қарши жангга отланди. Улардан Рим вилоятларини қайтариб олиш ниятида Финикияга етиб борганида, хотини Фульвиядан мағлубиятга оид тажанг мазмундаги хат етиб келди. Антоний Парфияга ҳарбий юришни тўхтатиб 200 та кемаси билан Италия томон йўл олди. Йўлда Римдан қочиб келаётган дўстларини учратди. Уларнинг айтишича, Римда ўзаро урушқиргин бошланишига тинибтинчимас, ҳеч балодан қўрқмайдиган хотини Фульвия айбдор экан.

авж олдириб, Антонийни қайтишга мажбур қилиш, Клеопатра оромгоҳидан ажратиб олиш эди. Аммо, жанговар келин Фульвия бу ниятига етолмади — денгиз йўлида касалга чалиниб, қазо қилди. Плутарх ёзишича, бу жанжалкаш аёлнинг ўлими Антоний билан Октавиан Цезарнинг ярашувини осонлаштирди. Назаримизда, нозик сиёсатчи, совуқ

Маҳкам МАҲМУДОВ,
Филология фанлари номзоди
(Давоми кейинги сонда)



Янги чоп этилган китобларнинг аксариятига матбуотда, албатта, муносабат билдирадиган, аммо ўз китоблари ҳақида лом-мим демайдиган, улар ҳақида ёзилган мақола ёки тақризларни эълон қилиш имкониятидан ҳам маҳрум бир адиб бор.

Кўпчилик ҳозир гап ким ҳақида эканлигини тахминан англаб етди.

Ҳа, бу забардаст публицист, моҳир муҳаррир, нозик юмор, қуйма, кутилмаган ҳазил-мутойибалар, латифалар муаллифи Аҳмаджон Мелибоевдир.

Кейинги тўрт-беш йил мақоламиз қаҳрамони учун ижодий кўтарилиш даври бўлди. Чунончи, адибнинг турли жанрлардаги “Ёлғиз яшаб бўлмайди”, “Ҳуштакни ким чалади”, “Торнинг чўмичдан фарқи”, “Хотин йўғида”, “Умр учар юлдуз” номли китоблари чоп этилгани фикримизнинг далилидир.

Адабий жамоатчилик А.Мелибоев деган ижодкорни ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошларида чоп этилган “Умидли дунё”, “Бир заминда яшаймиз” номли рисоалари орқали яқиндан таниган эди.

У пайтларда халқаро журналистика ибораси собиқ Иттифоқ таркибидаги республикаларда, айниқса, Ўрта Осиё минтақасида яшаб ижод этган қаламкашлар идроки аниқтиник қамраб олавермайдиган, анчайин соҳир тушунча эди, десам ҳозирги ёшлар ишонмаслиги тайин.

Ўша йилларда биз халқаро журналистика, деган касб-кор ҳақида жуда юзаки, кулгили даражада оддий тасаввурда яшаганлигимизни бугун аччиқ

бир ҳақиқат сифатида англаб турибмиз.

Ана шундай аҳволда қалам тебратаётган журналистлар орасидан А.Мелибоев фамилияли бир ёш қаламкаш чиқиб, дунё мамлакатлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий муаммолари, давлат ва сиёсат арбобларининг кирдикорлари ҳақида бошқаларникига ўхшамайдиган нарсалар ёза бошлади. Газетхонлар бу сиёсий памфлетларни чанқаган одам яхна чойни ютақиб хўплагандай, шоша-пиша ўқиб чиқар, муаллифига хавас қилар, унинг ижодий фаолиятини ҳайрат ва хайрихоҳлик билан кузатиб борар эдилар.

Бундай ўйлаб кўрилса, А.Мелибоевнинг ана ўша рисоалари ўзбек халқаро журналистикасининг тоталитар тузум темир қоидалари қобигида дунё юзини кўрган дастлабки китоблари бўлган экан.

“Ёлғиз яшаб бўлмайди” мавзу жиҳатидан ана шу икки тўпламнинг мантиқий тақомили, десак унчалик хато бўлмас. Бироқ бугун давр бошқа. Сиёсат ўзгача. Муаммолар мураккаблиги айрича.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, бундан салкам ўттиз йил илгари ёзилган “Умидли дунё”, “Бир заминда яшаймиз” китоблари муаллифи дунёқарашини билан яқиндагина нашрдан чиққан “Ёлғиз яшаб бўлмайди” муаллифининг бугунги фикрлаш тарзи ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Тўғри, ҳар учала рисола муаллифи битта шахс. Аммо “Ёлғиз яшаб бўлмайди”нинг муаллифи энди, қай даврлардагидай, ижодий имкониятлари жиловланган, фикрлаш

доираси чегаралаб қўйилган, дунё воқеалари таҳлилида “марказ призмаси” орқали қоғоз қоралайдиган, маҳаллий биқик ижодий муҳит вакили эмас. У энди дунё кўрган, жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни мустақил бир мамлакатнинг шахсий фикрли бир журналисти сифатида таҳлил этадиган, қувончу изтироблари, эътирозу эътирофлари, таклиф ва талабларини дадил баён қиладиган, ҳар турли қарашларга аланглайвермайдиган, эркин бир халқаро журналистдир.

Ушбу мақолада қаҳрамонимиз ижодидаги давр таъсиротлари билан боғлиқ фикрий зиддиятлар таҳлилин мақсад қилганимиз боис, ҳозир чалғимай, диққатимизни бевосита “Ёлғиз яшаб бўлмайди”га қаратсак тўғрироқ бўлар.

Китобнинг “Нил туҳфаси” номли илк мақоласидаги мана бу жумлаларга эътибор беринг: “Европанинг қайси бир музейига кирманг қадимги Миср маданиятига даҳлдор сон-саноксиз экспонатларга кўзингиз тушади... Париждаги Лувр саройида Мисрдан олиб келинган осори-атиқалар неча ўнлаб муҳташам томоша залларини безаб турибди... Биргина Наполеон шунча нарсани олиб келган экан, Нил соҳилларида яна нима қолдиркин?”

Холисанилло айтинг, азиз ўқувчи! Юқоридаги жумлаларни ўқиётини наҳотки ҳамиятингиз торлари чийрамаган бўлса? Бухоро, Қўқон, Хива хонликлари саройларида мамлакат кўрки, салтанат рамзи-зийнати, эл-юрт қадри-қадрияти бўлиб келган қанчадан-қанча бебаҳо ёдгорликлар ўрни бугун хувиллаб тургани наҳотки сизни изтиробга солмаса?!

Адиб “Дунё келинчаги” мақоласида бир нарсани нозик илғаб,

таъкидлаганидай, “Наполеонни шарқий кенгликлар... моддий бойликларигина эмас, маънавий олами, тарихи, илми, тафаккури, маънавияти ҳам қизиқтирган... Бонапарт уларни (ноёб осори атиқаларни. — А.Б) бениҳоя асраб-авайлаган. Бу талабларга риоя қилмаган саллатларини жазолаган. Баъзи босқинчиларга ўхшаб бебаҳо ёдгорликлар намуналарини вагонларга юклаб, дўст-қадрдонларига тортиқ қилмаган...”

Юрагинг жизиллаб кетади.

Китоб муаллифи “Гимей” музейининг юздан ортиқ (!) залларида Осиёда истиқомат қилувчи халқлар маданиятига доир ноёб экспонатлар..., битиклар, нафис чинни буюмлар, бетакрор либослар, ҳайкалчаларни кўриб завқингиз ошади. Қўлда тўқилган нодир гиламларга суқланиб боқасиз. Тилни билсангизу шундоққина ёнингизда... ҳайрат кўзи билан боқиб турган европаликка “Биласизми, бу ишлар биз осиеликларнинг ишимиз, ота-боболаримиз, ўтмиш аждодларимизнинг ақлу заковати билан юзага келган, дея мақтангингиз келади”, деб афсусланиб ёзади.

Ҳа, мақтангимиз келади. Бироқ мақтанолмаймиз. Қандай ҳам мақтанайлик?! Ота-боболаримиз ақли-заковати билан бинога келган ўша ноёб, азиз нарсаларни асраб-авайлашга ақли-заковати, куч-қудрати етмаган, имкон топмаган... одамлар бўлсак!..

Ўрни келди, айтиб ўтайлик. Бизни ташлаб кетган (!) ана шу қадриятларимизни энди ўз ўрнига қайтариб, ота-боболаримиз руҳи олдида ҳам, дунё


жамоатчилиги олдида ҳам юзимизни ёруғ қилиб олиш пайида бўлишимиз керак. Зеро, бу ҳақда жиддий бош қотириш вақти ҳам келди.

Шу ўринда энди халқаро журналистларимизнинг адабий-бадиий маҳорати, сиёсий зийраклиги, халқаро қонунқоидалар, дипломатик муносабатларга оид билим, малака ҳамда салоҳиятлари ҳам иш бериши, асқотиши мумкинлигини эслатгимиз келади.

Муаллиф “Мисрда бирор нарса харид қилиб доллар узатсангиз, э биродар, ўзимизнинг фунтимиздан берақолинг, дейишларига қойил қолдим», деб эслайди. Шу пайт кўзингиз олдида Тошкент бозорлари кираверишида “доллар, российский, қозоқ тенгеси...” деб кўзлари ўйнаб турган, пулдан пул қилувчи “учар тужжорлар” келмадими? Ўша арзимаган “кўки”га миллатимиз, юртимиз руҳи жо бўлган, мамлакат мулки, кўрки бўлиб, ўз музейларимизни безаб туриши мумкин бўлган беназир ёдгорликлар, буюм ва безакларимизни четга ўз қўли билан элтиб бераётган, ёки хорижлик бирор сайёҳ харид қилган нарсаси учун доллар таклиф қилиб қолармикин, деб “юраги эзилиб” турадиган айрим савдогарларимиз хаёлингиздан ўтмадими?

Хуллас, «Ёлғиз яшаб бўлмайди» китоби кўп сонли ўқувчиларда ёрқин таассурот қолдириши муқаррар. Хилма-хил талқинлар баҳсу мунозараларга мавзу бўлаолади.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ



Маданият тарихида тасвирий санъат соҳасида машҳур бўлган шоир ва ёзувчилар ҳам оз эмас. Лермонтовнинг қариндоши А.П.Шан-Гиреянинг гувоҳлик беришича, у шеър ёзишдан сал олдин чизишни бошлаган экан. Ўзининг қисқа ҳаёти давомида чизди ва унинг бадиий мероси — пейзаж ва йўл расмлари, уруш манзараларини тасвирловчи саҳналари, портрет, миниатюралари каби турфа хил асарлардан иборат. Албатта, Лермонтовнинг тасвирий фаолияти адабиётидан

романтик дунёқарашининг фавқулодда одатий режаси ҳар куни бўлиб турадиган эҳтиросли кўринишларни астойдил талаб қиларди.

“Испан цикли” деб ном олган ишлари Лермонтовнинг илк тажрибалари сифатида муҳим аҳамият касб қилди. Испанияга мурожаат — Испания инқилоби фожеаси тарихига боғлиқ воқеалар ўша пайтдаги санъатга даҳлдор бўлган ҳолатлар эди. Ш у н и н г д е к , у н д а Лермонтовона туйғулар ҳам ўз аксини топарди.

“Елкан”, “Қадимги жанг” рус жангчилари, Кавказ тоғларида, тарих ва одамлар, табиатнинг ш а р т л и - р о м а н т и к кўринишлари сифатида намоён бўлган.

Шоир юнкерлар мактабида (1832-1834) бўлганида “Юнкерлар дафтари” деб номлаган расмлари нисбатан жонли ва бевосита диққатга сазовор эди. Кўпгина портрет лаҳзалари ва саҳна жанрлари натурадан яралган: романтик интонация суратларнинг ўткир-индивидуал кўринишини пасайтирмайди, аксинча

ЛЕРМОНТОВ — МУСАВВИР

устун эмас. Шунга қарамасдан, истеъдодли ёзувчи бу соҳада ҳам ўзига яраша из қолдирди.

Дворян тарбияси анъаналари — қиличбозлик, муסיқа, чет тиллар каби дарсларни ўрганиш билан бирга ёшликдан тасвирий санъат ва расм чизишни ҳам тақозо қиларди. Альбом яратиш маданияти равнақи мунтазам расм чиза билишни тақозо қиларди ва ўша даврдаги энг яхши альбом суратлари, лаҳзаларда образлар яратиш, деталлардаги аниқлик, композициянинг сезимлилиги каби йўналишларни росмана эгаллаганлиги билан ажралиб турарди. Аммо жуда кўп моҳирона чизилган расмлар орасида академик таълим билан боғланмаган, ишини сотиш заруриятидан холи ишқибоз рассом Лермонтов мансуб қатламида профессионал даражага етганлар жуда оз эди.

Рассом-дилетант ўзига хос лирик кундалик тутиб, ўз таассуротлари ва қалб эҳтиросларини мунтазам қоғозга тушириб борар, унинг

Ёш шоир испан материалларида бош романтик идеал бўлган озодликка интилиш мавзуси ўзига хос оҳангда ёритилган. 1930 йилда “Испанлар” трагедияси яратилади. “Ханжарли испан”, “Испан”, “Чироқ кўтарган испан” ва “Котолик монах”, “Тик ёқали испан” каби аквареллари ва суратлари, Эмилининг портрет миниатюралари “Испанлар” қахрамонлари трагедиянинг диққатга молик жиҳатларини ташкил қилади.

Лермонтовнинг биринчи машҳур ранг-тасвир асари “Герцог Лерма портрети” (1832-1833) энг аҳамиятлисидир. Рассом ўзининг афсонавий ажодларини автопортрет хусусиятларида кўрсата билди. Фавқулодда ёрқин узатилган нур қайғуга ботган қоп-қора кўзларида, маҳкам юмилган оғзи қатларида жило берган.

Мусаввирнинг илк асарларида у “Оқ қайин” ва

кучайтирган. Ўша Орлов руҳиятидаги таъсирчан Кавказ лавҳаларида ва А. Марлинскийнинг “Амалат бек” повестига ишланган иллюстрациясида черкас чавандозлари кўринишларида ҳам акс этган. Диққатга сазовори шуки, юнкерлар мактабини битиришда Лермонтов рассом П.Е.Заболоцкийдан расм чизиш маҳорати бўйича дарс олган.

1837 йилда Пушкиннинг ўлими Лермонтов таржимаи ҳолида бурилиш нуқтаси бўлди. “Шоирнинг ўлими” номли машҳур шеъри учун Кавказга сургун қилинганида Кавказни ўз кўзи билан кўрди, бу ердаги ишончли фактлар рассомга романтик илҳом бахш этади. Кавказда Лермонтовнинг шоир сифатида ҳам, мусаввир сифатида ҳам ижодий имкониятлари нисбатан тўлиқ намоён бўлди.

Мойбўёқ билан бажарилган “Пятигорский кўриниши...” пейзажи ўзига ром қилади. Бу

лавҳалар атрофлича: уфқлар рангсиз, атрофборлиқ истиқбол режалари уммонига ритмик тарзда яратилган — буларнинг ҳаммаси мукамалликка эга, қолаверса, яралиш сифати ва ҳаракатдаги борлиқ дунё юзини кўради. Самовий ўрталик номодий ва ўзгарувчан, нурлар бойлиги таъкид ва ранг имкониятлари ўзини кўрсатган.

Лермонтов Кавказ панорамасининг қайси бир кўринишини олманг, кенг оламнинг кичик бир лаҳзаси, дунёнинг туганмас имконияти... Тоғ ёнбағирларига ёпишиб турган харобалар, м о н а с т и р л а р , и б о д а т х о н а л а р томошабинга табиат бағридаги табиий манзаралардек кўринади.

Ҳар бир пейзаждаги кишилар — чавандозлар, туя ҳайдовчилар, сув олаётган грузинлар — ҳар бир шахс берилган ритм хоҳишига бўйсундирилган: уларнинг кичик бир ҳажми ҳам бугун бир космик кенгликни кўрсатади.

Лермонтов панорамаси романтик ҳаракат бўлишига қарамай шоир фаолиятининг тадқиқотчиси Ираклий Андроников кўрсатганидек, кўп ҳолларда тасвирланаётган жойнинг айнан топографиясига мос келади.

Шоир сўнгги йилларда кўп вақтини дўслари ва танишлари портретларини яратишга қаратди. А.Н.Муравьевнинг ранг-тасвир портрети, А.А.Кикин ва А.А. Столипин (Монго) курд кўринишидаги акварель-портретлари яна шахси номаълум бўлган иккита ажойиб портрет (улардан



бирида декабрист шоир А.И.Одоевский тасвирланган деган тахминлар бор)лар чизилган.

1837 йилда Кавказ тоғлари фониде шоир ва жангчи сифатида чизган романтик автопортрети Лермонтов чизма ижодида катта аҳамиятга эга бўлди. Лермонтов 1840-1841 йилларда тоғликларга қарши ҳарбий юришда қатнашиб, жанговар офицер сифатида шахсан мардлик намуналарини кўрсатди. Шу жанглардан бирида “Валерика жангидаги эпизод” деб номланган кейинчалик мусаввир дўсти Г.Г.Гагарин томонидан зеб берилган ажойиб суратни яратди. Жангнинг фожеавий тадрижи жанг пайтида унинг иштирокчилари чеккан жабрзулмларида ташкил топади. “Уруш жароҳатлари” мавзуси акварелда чизилганда “Валерика, ўлдирилганларни кўмиш” маросимларини акс

этирувчи суратда ҳаёт ва ўлимнинг контраст калорити ёрқин акс этган.

У м у м а н о л г а н д а Л е р м о н т о в н и н г суратлари ва аквареллари санъатда каттагина ҳажмда романтик моҳиятни намоён қилган. Агар мусаввир суратларидаги сюжет қурилмаларида шарқона оҳангларда романтизм зухур этган бўлса, унинг графикасида айнан ургу ва романтик сезимлар қудрати, нарсасоҳобларнинг романтик кечинмалари баён этилган. Суратлардаги чаққон чизмалар динамик мукамалдир: илганган нарсалар —


чавандоз, черкас, сакраб отиш, отлиқ аскарлар — ҳаммаси чизмалар ш т р и х и д а ў з жозибаларини кўрсатган.


Лермонтов Байронга ўхшаб фожеавий ва буюк гоғларни ўзида мужассам қилди. Агар 1841 йил 15 июлида Машук тоғи этагида дуэл ўқи шоир ҳаётини узиб кетмаганида, шоир ва мусаввирнинг бадиий маҳорати қайси бир йўналишда кетишини айтиш анча мушкул бўларди.


Адабий асарлари билан қиёсланганда, албатта, тасвирий санъат ва тажрибалари кўпроқ илк романтизм қонунлари талабига жавоб беради. Аммо унинг сўнгги асарларида унинг даҳолиги тез-тез кўрина бошлаган эди.

А.ГАРИН,

Рауф РАҲИМ таржимаси
Расмда: Автопортрет 1837







ОЛИМА УМРИНИНГ КЎРКЧИ



Муқаддима: Адабиёт, санъат кўнгилларни, инсонларни, миллатларни, мамлакатларни яқинлаштиради. Айниқса, бадиий адабиёт дилларни дилларга боғлайдиган кўнгиллараро қурилган муҳташам бир маънавий-руҳий кўприкдир. Шахсан менинг - бугун табаррук бир ёшга кирган Зигридоним билан яқиндан танишувим айнан ҳар иккимизни қизиқтирган ўзбек адабиёти хусусидаги суҳбатлардан бошланган эди.

Кичик бир хотира: 1998 йили Германияга илмий сафарга борганимда профессор Ингеборг Балдауф мени Зигридоним билан таништирди. Бирга кутубхоналарга бордик. Германиядаги методологияга доир назарий адабиётлар юзасидан маслаҳатлар сўрадим. Бир неча соатлаб биргаликда китоб жавонларини оралаб юрдик. Гапимиз гапимизга қовушди. Ора-орада Зигридонимни қизиқтирган Алишер Навоий ёки Абдулла Қодирий ижодига тегишли саволларига қўлдан келгунча жавоблар бердим. Опамиз ёш боладек қувонганидан гапларим маъқул келганини англадим. Бу самимий ва очиқкўнгил олиманинг илм-маърифатга нақадар ошнолигига, кенг миқёсдаги билимига ўшанда гувоҳ бўлганман.

Бир куни кечкурун меҳмонга таклиф этди. Зигридоним,

Балдауфхоним ва уларнинг ўзбекча таҳсил олаётган талабаларидан иборат тор бир давра эди. Зигридоним самимий ўзбекона лутф билан: “Бу зиёфатни, Баҳодир, сизнинг шарофингизга ташкил этдим”, деганларида бошим осмонга етди. Зигридоним меҳмонхонасидаги мароқли суҳбатлар, айниқса, деворга осилган бир ўзбек рассомининг “Чаманчи” деган расми ҳали-ҳали хаёлимдан кетмайди.

Зигридонимнинг ўзбек тилида олиб борган машғулотларидан бирида қатнашган эдим. Дарс жараёнида опа ўзбекча ўрганаётган талабаларга Абдулла Қодирийнинг “Жинлар базми” ҳикоясини ҳижжа-лаб ўқитиб, немис тилига таржима қилдирди. Ҳикоядаги ҳар бир жумлани сўзма-сўз изоҳлаб берди. Мен беҳад завқландим. Зигридонимнинг ўзбек адабиётига бўлган меҳр-муҳаббатини баъзан адабий давраларда, баъзан талабалар аудиторияларида мамнуният ила илғаб юрдим.

Жиддий гап: Энди хотиралардан чекиниб бир оз жиддий гапларга ўтайлик. Тўғриси, немис тилини биладиган филолог олимлар, ўзбек адабиётининг Германияда тарғиботи тадқиқи билан шуғулланган мутахассислар Зигрид Клайинмихел номига кўп бора дуч келганига

шубҳа йўқ. Хўш, мен Зигрид Клайинмихел шахсиятини қай даражада биламан? Бу олиманинг адабий-илмий хизматлари нималардан иборат? Бу муҳташам олима хусусида бизнинг илмий жамоатчиликнинг тасавури қандай?

Бу типдаги саволларнинг мукамал жавоби учун катта бир илмий тадқиқот керакдир, эҳтимол. Мен эса муборак айёмлари муносабати билан Зигридонимни шахсан таниган, асарларининг айримларини ўқиган ҳамкасб сифатида баъзи фикрлар айтишни лозим кўрдим.

Энг аввало доктор Зигрид Клайинмихел ўзбек адабиётининг дўстидир. Ўзбек тилида бемалол мулоқот қила оладиган, ўзбек тилида ёзилган илмий, бадиий асарларни ҳеч қийналмай ўқиб тушунадиган, ўзбек тили ва адабиётини талабаларга ўргатаётган ҳамда кўпгина ўзбек зиёлилари билан дўст тутинган олима опамиз учун бу сифатлаш жуда ҳам муносибдир.

Биз Зигрид Клайинмихелхонимни ўзбек адабиётининг Германиядаги билимдон мутахассисларидан, йирик тадқиқотчиларидан бири сифатида тасаввур қиламиз. Зероки, университетдаги машғулотлар асносида ёки илмий анжуманларда ўзбек адабиётининг хо-

рижлик тадқиқотчилари хусусида гап очилгудек бўлса, Зигрид Клайинмихелхоним исми шарифлари, албатта, тилга олинади ва ёзган асарлари юзасидан маълумотлар берилади.

Шахсан мен докторлик диссертациямнинг “Абдулла Қодирий ижодининг хориждаги талқинлари” деган фаслини ёзаётган маҳалда Зигрид Клайинмихел қаламига мансуб 1993 йилда нашр қилинган “Aufbruch aus orientalischen Dichtungstraditionen. Studien zur Usbekischen Dramatik und Prosa zwischen 1910 und 1934.” (“Шарқона ёзиш анъанасининг ривожланиши. 1910-1934 йиллар ўзбек драмаси ва насрий асарлар тадқиқи”) номли китобига, шунингдек, 1990 йилда ёзилган “Die Gestalt des Prosaschriftsteller Abdulla Qadiri im geistigen und kulturellen Leben Uzbekistans” (“Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг Ўзбекистон маънавий ва маданий ҳаётидаги ўрни”) деган мақоласига мурожаат қилдим; таҳлил этиб, улар юзасидан фикрлар билдирдим. Ўша асарларда баён қилинган Зигридхонимнинг, хусусан, Абдулла Қодирий романларининг ечимига оид фикрлари, шунингдек, олима ўз таҳлилларида С.Хусайн, Ойбек, И.Султонов, М.Кўш-жонов, И.Мирзаев, А.Алиевларнинг фикрлари билан батафсил танишгани, ўрни келганда баҳсга киришгани ўзбек олимлари томонидан мамнуният ила қабул қилинган эди.

Зигрид Клайинмихелнинг “Die Gestalt des Prosaschriftsteller Abdulla Qadiri im geistigen und kulturellen Leben Uzbekistans” мақоласида берилган куйидаги кузатиши ҳам диққатга лойиқдир: “Адабиёт тарихида ёзувчининг (Абдулла Қодирийнинг-Б.К.) туғилган йили, насл-насаби, таълим йўли ва бой адабий

ижоди ҳақида маълумотлар бор. Ўлими масаласи эса очиқ. Албатта, XIX аср, қисман XX асргача бўлган шарқнинг кўпгина шахсларидагидек, Абдулла Қодирийнинг ҳам туғилган йили номаълум қолган. Ҳали Абдулла Қодирий ҳаётлигидаёқ унинг туғилган йили 1894, 1895, 1896 ва 1897 йил деб берилган. Ҳозирда 1894 йил 10 апрель деб белгиланди. Худди шунингдек, 1989 йилгача ёзувчи ҳаётининг охири ҳам ноаниқ бўлиб келди. У 1937 йил қамоққа олинди ва унинг излари Тошкент қамоқхонасида йўқолди. Оқлангандан кейин ўлган йили сифатида 1938, 1939 ва 1940 йиллар кўрсатилди. 80-йилларнинг охирига келиб Ҳабибулла Қодирий отасининг 1938 йил 5 октябрда ўлимга ҳукм этилгани ва ҳукм шу кун амалга оширилгани ҳақида маълумот олди”.

Бундай фактларни аниқлаш, улар юзасидан ўринли фикр айтиш учун чинакам қодирийшунос бўлиш лозим. Зигридхоним илм заҳматидан завқ топадиган ана шундай синчков мутахассис. Фақат бугина эмас, жадид адабиётининг иккинчи бир машҳур намояндаси эркпарвар шоир Абдулҳамид Чўлпон шеърятни юзасидан ҳам тадқиқотлар олиб борди. “Die gefassten Frauen und Kleopatra bai Culpon” (“Чўлпон ижодида тутқин аёллар ва Клеопатра”) номли мақоласини ёзади. Шоирнинг шеърӣ мажмуалари, “Ёрқиной” пьесаси, Клеопатра ҳақидаги шеърлари ҳамда сочма-мансураси мисолида мавзунӣ атрофлича текширади. Чўлпон ижодидаги Клеопатра образини рус символист шоирлари Александр Блок ва Валерий Брюсовлар асарларига қиёсан талқин этади. Олима Чўлпоннинг эстетик идеалини жуда теран тушунади:

“Чўлпоннинг поэтик таъбири билан айтадиган бўлсак, Клеопатра Амударё бўйида “ердаги юлдуз”, яъни асира аёл, Нил бўйида эса “осмондаги юлдуз” бўлиши мумкин”. Бу фикрлар Чўлпон ижодининг ҳам умум-концепциясига мувофиқдир.

Зигрид Клайинмихел ўзбек мумтоз адабиёти билан ҳам шуғулланганидан бохабармиз. Алишер Навоий ҳамда турк шоири Аҳмад Пошшо муносабатларига оид махсус мақола ёзди. Турк шоирининг Навоий газалларига 17 та назира боғлаганини аниқлаб, илмий жамоатчиликка маълум қилди.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг “Наводир ун ниҳоя” девони юзасидан тадқиқот олиб борди; натижада “Навоий бенаво” номли мақоласи майдонга келди. Мақола етти кичик бўлимлардан таркиб топган бўлиб, матндан олиманинг Навоий газалларини арабий имлога асосланган ўзбек ёзувида ўқигани кўриниб туради. Демак, эски ўзбек имлосини ўқий олиши - Зигридхонимнинг олима сифатидаги яна бир фазилатидир.

Зигрид Клайинмихел немис тилида чиққан адабий лугатларга туркий халқлар адабиёти намояндалари, хусусан, ўзбек адабиётидан Машраб, Тоғай Мурод, Ҳалима Худойбердиеваларнинг ижоди юзасидан мақолалар ёзиб берди.

Булар олима ижодининг бир қисми, албатта. Булар мен билган манбалар, холос. Аммо ана шу маълумотларнинг ўзиёқ Зигрид Клайинмихелнинг катта адабий-илмий хизматларини кўрсатади. Бу маълумотлар, манбалар, мақолалар, китоблар Зигридхоним умрининг зийнати; олима умрининг кўрки. Зероки, олим умрини унинг асарлари узайтиради; гайратига гайрат қўшади.

Баҳодир КАРИМ

“Мен санъат билан одамларга ибрат бермоқчи эмасман. Санъатнинг ўзи “ибрат”дир” деган эди таниқли ёзувчи Гоголь. Дарҳақиқат ҳар бир инсон санъатга мурожаат қилар экан, ўз дунёси, ақл-тафаккуридан келиб чиқиб хулоса ясади. Санъат инсон қалбига ўзига хос гўзаллик ва эзгулик бахш этади, орзулар оламига етаклайди. Айниқса, бугунги кунда кино ижодкорларининг тинимсиз меҳнат қилиб янгидан-янги, турли жанрдаги фильмларни халқимиз эътиборига ҳавола этаётганликлари ҳам томошабинларнинг кино санъатига бўлган қизиқишларини тобора ортгирмоқда.

Сериаллар санъати инсоният маданий тафаккурининг сўнгги ҳодисаларидан биридир. У юзага келиши биланоқ дунёни шиддат билан забт этди. Инсон ҳаётининг ажралмас бўлагига айланиб борди. Сериал қаҳрамонлари эса оиламиз аъзоларига ҳам айланиб улгурди. Беихтиёр уларга қўшилиб шодланамиз, ўксинамиз.

Сериаллар борки, вақтингни ўтказиш учун,

билан ижро этади.

У «Умумий хавфсизлик ҳудуди», «Совга», «Баҳор кетмоқда» фильмларига, «Роман», «Пламя», «Сарой жавоҳири» сериалларига суратга тушди. Шундай меҳнатлари самараси сифатида «Машҳурлик мукофоти» (1999 йил), «Энг яхши актриса» (1998 йил), «Йил актрисаси» (1996 йил) мукофотлари соҳибаси бўлишга эришди.

У 2005 йилда “Мовий ажар” фестивалида “Энг яхши актриса” мукофоти билан тақдирланди. Айтиш жоизки, Ли Ён Э Берлинда бўладиган 56-кинофестивалга ҳакам сифатида таклиф этилди. Киноюлдузга саккиз ҳакамдан бири сифатида, фестивалга тақдим этилган 20 та фильм орасидан кинофорумнинг бош соврини – “Олтин айиқ”қа муносибини танлашдек масъулиятли ҳамда фахрли иш топширилди. Шуниси эътиборлики, Ли Ён Э тарихда илк бор Европанинг энг машҳур кинофорумида ҳакамлик қилаётган жанубий корейлик актрисадир.

МБС томонидан 2003 йилда суратга олинган “Сарой жавоҳири” сериалида XVI аср воқеалари акс эттирилган. Сценарий муаллифи: Ёнг-Хион Ким. Сериал бош қаҳрамони Тан Гем

Матонат

Маликаси

гўёки “бир марталик” экран асарини томоша қиласан. Баъзиларини эса кузатиб туриб маънолар уммонига ғарқ бўласан. Ҳар лавҳасидан “нимадир оласан”. Барчанинг юрагидан жой олган “Сарой жавоҳири”ни айнан иккинчи гуруҳга киритсак, хато қилмаймиз. Халқимиз меҳрини қозонган бу санъат асари яна такрор намойиш қилина бошланди. Мухлислар қанча томоша қилишмасин қараб тўймайдиган матонат маликаси Тан Гем – “Сарой жавоҳири”нинг баъзи ҳаётини ва ижодий жиҳатларига тўхталмоқни жоиз деб билдик.

Ушбу сериалда Тан Гем образи орқали бизларга яхши таниш бўлиб қолган актриса асл исми Ли Ён Э бўлиб, у 1971 йилнинг 31 январиди дунёга келган. У немис тили ва адабиётидан Ханян университетиди, сўнг Ли яна Чжуан университетиди ҳам таълим олган.

Моҳир актриса Ли Ён бўйи: 165 см, вазни: 48 кг. “Тан Гем” севимли машғулоти таомлар пишириш билан бирга, куйлашни, сузишни, от спортини, фортепиано чалишни ҳам ёқтираркан.

У корейсчадан ташқари, инглиз ва немис тилларини билади. ТВда илк бор 1991 йили шоколад рекламасида чиққан эди. 14 ёшидаёқ суратлари журнал муқовасида пайдо бўлган ўша қизалоқни бугун дунё танийди. Ҳам ташқи, ҳам ички сийрати уйғунлигидандир, Ли Ён Э га ҳамиша ижобий образлар топширилади ва уларни муваффақият

ҳақида Же Сун династияси даврига оид сақланиб қолган ҳужжатларда ва ўша давр тиббиётига доир ёзувларда қайд этилган. Унга кўра, Тан Гем ростдан ҳам Корея тарихида қиролнинг биринчи аёл табиби бўлган экан.

Ижодий гуруҳ бу санъат асаридаги ҳар бир элементга катта эътибор беради. Шу жумладан фильмга саунтрек сифатида яратилган Сех-Хюн Ихм муаллифлигида “Онара” қўшиғида қизларнинг саройдаги мураккаб ҳаёти куйланади. Диллардан жой олиб улгурган бу қўшиқ турли тилларга таржима қилиб, куйланмоқда. Масалан, кўшиқчи Келли Чен унинг хитойча талқинини куйлаган бўлса, Филиппинда Фаитх Сунета инглиз тилида ижро этди.

Ҳақиқий ошиқ сифатида гавдаланган зобит Мин Жун Хо ролини Кореянинг таниқли актёри Жи Жин Хи ижро этган. У 1973 йилнинг 24 июнида туғилган. Истеъдодли актёр “Сарой жавоҳири” сериалидан ташқари, “Севги мактуби”, “Тўрт опасингил”, “Ёмғирдан сўнг” (Пассинг Раин) каби кўплаб сериалларда суратга тушган.

Сериалда Мин Жун Хо ва Тан Гемнинг бир неча учрашуви “Жи Жин Хи йўлаги”да суратга олинган. Суратга олиш жараёнида бека Чой образи жуда машҳур бўлди. У билан боғлиқ саҳналар суратга

олинаётганида кино майдони актрисанинг катта маҳорат билан ижро этаётган ролини томоша қилиш учун йиғилган томошабинлар билан гавжум бўларди ...

Мана шундай эътирофларга сазовор бўлган Бека Чой образи ижрочисининг ҳақиқий исми Кюн Ми Ри бўлиб, у Кореянинг энг машҳур актрисаларидан биридир. Илгари Кюн Ми Ри кўпроқ ижобий ролларни ижро этарди. Демак, аввал “яхши” эди-ю, “Сарой жавоҳири”да кутилмаганда золим, қаттиққўл аёлга – “ёмон”га айланди Бу эса, айниқса, корейс томошабини ҳайратга солди. “Сарой жавоҳири” актрисанинг қанчалик маҳоратли эканлигини исботлади. Турли хислатли ролларни маромига етказиб ижро этиш эса актрисадан катта салоҳият талаб қилади, албатта.

Аслида актриса ҳаётда бека Чойнинг мутлақо акси. Сиз билган бека Чой ҳавас қилса арзигулик оилада уч фарзандни улғайтирмоқда.

– Сценарийни илк бор ўқиганимдаёқ бека Чой образини ёқтириб қолдим, - дейди Кюн Ми Ри. - Бу қаҳрамон орқали томошабинларга ҳар қандай ёмонликка жазо муқаррарлигини таъкидладим, десам ҳам бўлади. Сериалдан сўнг томошабинлар менга бека Чойга қарагандек қарасалар ҳам бу образни ижро этганимдан хурсандман.

Маълум бўлишича, Тан Гемнинг болалигини ижро этган жажжи қизалоқ Жо Жунг Эун ҳам бека Чойнинг, яъни Кюн Ми Рининг фарзандларидан бири экан.

“Кичкина Тан Гем” тасвирга олиш жараёни таассуротларини билдирар экан шундай дейди:



“Сарой жавоҳири”да суратга тушган актёр ва актрисалар орасида кўпчиликнинг ижроси менга ёқди. Лекин ҳаммадан ҳам кўпроқ Тан Гем, бека Жанг, бека Чой ва бека Ханларга ҳавасим келди. Уларга ўхшагим, улардан ўргангим келади. Келажақда актриса бўлиб, катта юлдузга айланиш – менинг энг юксак орзум!

“Сарой жавоҳири” нафақат ўз ватанида, балки Япония, Хитой, Тайван, Канада, Гон-Конг, Сингапур, Филиппин, Тайланд ва Чикагода ҳам катта муваффақият қозонди. Айниқса, Хитойни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу мамлакатда мазкур сериал ўзига хос рекорд ўрнатди. Сериал туширилган компакт-дисклар ва китоблар нафақат Пекинда, кўплаб мамлакатларда қўлма-қўл бўлиб бормоқда. Фильмнинг ҳар бир сериясидаги воқеалар ёзилган китоб эса бадиий адабиёт намуналари рўйхатининг юқори ўринларидан жой олди.

Сураткашлар мижозларига 7000 юан (910.000 вон) эвазига сериал қаҳрамони Тан Гемнинг либосларини таклиф этишаётганига нима дейсиз. Шанхай ва Хунан пластик жарроҳлик клиникаларидан мижозлар аримай қолган. Улар орасида пластик операция йўли билан юз тузилишини Тан Гемга, яъни, актриса Ли Ён Э га ўхшатишни истаганлар кўп. Хитой матбуотининг ёзишича, бир уй бекаси эри сериални кўришга рухсат бермагани учун ўзини кўприкдан дарёга ташлаган.

“The China Youth Daily” газетаси шундай ёзади: “Бутун Хитой халқи “Тан Гем” ни севиб томоша қилди. Бегубор севги тарихи, Тан Гемнинг иродаси, сабр-матонати кишини ҳаяжонга солади. Нозиктаб хўрандаларга эса корейс ошхонасининг турлитуманлиги ёқди. Хитой халқи мазкур телесериал орқали унут бўлган удумларига қайтади!”

“Сарой жавоҳири” корейс халқи маданиятини дунёга намоён этишда муҳим кўзгу вазифасини ўтаб қолмоқда. Айнан “Сарой жавоҳири” дек телесериаллар ўзбек экранидан жой олиши халқни маърифат билан янада дўстлаштиришдан ўзга ҳол эмас.

Интернет материаллари асосида Радха ХИДИРОВА тайёрлади



Рати Саксена — ҳинд шоираси, 1954 йилда таваллуд топган. Жайпурдаги Ражаштон Университетида сабоқ олган. Инглиз, ҳинд ва малайлам тилларида шеърӣ китоблари босмадан чиққан. Шеърлари кўпгина тилларга, жумладан, форс ва италян тилларига таржима қилинган.

Рати САКСЕНА

Мен офтоб эмасман

* * *

Мен офтоб эмасман
нур кукунлари
танамдан тарқалса ҳар
томон
аммо аниққи
қоп-қора соя
баданимдан чиқиб
ёйилар
қуёшга терс турганим
замон

Митти тилак

Миттигина тилагимни
бажо этиш учун
асло истамаган бўлардим
само ёш тўкишин бир
томчи
юлдуз шаклида

Бўй-басти

Энди-энди бўй
чўзаркансан
Белингдан шарт кесиб
ташлашар
Бўйинг анча чўкиб қолса
гар
Оёғинг ўрнига
ўрнатилгайдир
Ясама оёқ
Тинмай чиранишар бўй-
бастинг
Бир хил сақланмоқлиги
учун.

Муносабатлар

Айрим муносабатлар
Ҳақиқийга дўнишдан
аввал
Қовжираб кетади
Иссиқ қум устида

Баъзилари эса
Бир умр
Ёниб ўтар
Худди чўғ мисол

Айримлари бирга-бирга
юради
Бошқалари тўхтар ўртада.

Қани, айтинг, қаерда унда
Бундай ажиб
алоқаларнинг
Сафар сўнггигача
қоладигани?

Ранглар дунёсида

Алмисоқдан бурун
Камалак туғилмасдан
илгари
Ранглар дунёсида
Биттагина ранг мавжуд
эди
На кўк ва на сариқ

На қизил қўнғир
Фақат битта ранг
Ўлимдан кучли
Жимжитликдай чуқур
У ёқдан бу ёққа чўзилган
Олов макони
Туссиз ранг
Уруғ тирикликка айланди
Болаларни туғди бу ҳаёт
Ранглар судралишиб
кирди заминга

Қояларни ерга дўндирди
Айримларин чиқиб
қаноти
Самога соябон бўлибон
учди

Асосий тиргакка куч
бўлди ранглар
Барглар қанот ёзди
умуртқаларда
Соялар тин олди ранглар
туфайли
Уйқусираётган дарахт
остида

Чак-чак томди нур
томчилари
Қийғос-қийғос очилди
гуллар
Ялтирай бошлади
рангларнинг юзи
Рангли тус олиб

Ранглар билан ўйнаб-
қувнаган
Қад ростлади ранглар
ўлкаси
Унутиб
Судралувчи туслар
сафарин

Дўстларим шу ранглар
васфида
Ҳақиқий деб кўрилмиш
ранглар
Бунда мавжудмас

Инглиз тилидан
Аъзам ОБИДОВ
таржималари

ТАЪСИРЧАН ҚАҲРАМОНЛАР

Ҳамма замонларда ёзувчиларга нисбатан шоир ва шоиралар кўп бўлади. Адабиётимиз тарихида ҳам, замонавий адабиётимизда ҳам айни манзара кузатилади. Шоир, шоиралар номини бирма-бир санаб чиқиш мушкул. Аммо ёзувчи, адибалар санокли. Айниқса, адибалар жуда кам. Танилганлари янада оз.

Шоир, шоираларга нисбатан адиб, адибаларнинг кам эканлиги аслида насрий асар яратишнинг узоқ давом этадиган машаққатли жараён эканлиги билан боғлиқ. Маълумки, ҳар қандай шеър ҳикоя, қиссага қараганда ҳажман кичкина, қисқа бўлади. Шеър тўрт, олти мисра ёки бир неча банддан иборат бўлса, энг кичкина ҳикоя ҳам икки-уч саҳифани эгаллайди. Хаёлда “пишиб” етилган шеърни узоғи билан ярим соатда қоғозга тушириш мумкин. Аммо икки-уч саҳифалик ҳикояни бу муддат ичида битириш мушкул. Бир неча ўнлаб, юзлаб саҳифалардан иборат ҳикоя, қиссаларни кўнгил тўладиган ҳолатга келтириш учун неча кунлар-тунлар, ойлар ўтади. Романлар эса табиийки, бир неча йиллар давом этган машаққатли меҳнат натижасида дунёга келади. Табиат, жамият аёллар зиммасига жуда кўп масъулиятли бурч, вазифаларни юклаганки, бу уларнинг узлуксиз бундай “қора” меҳнатни талаб қиладиган насрий асар ёзишига бир қадар монелик қилади. Аммо шу мураккаб тўсиқдан ҳам ошиб, ҳикоялар, қиссалар, ҳатто, романлар яратганлар борки, бу аёл матонати ҳар нарсага қодирлигидан далолат беради.

Зулфия Қуролбой қизининг “кўп ва хўп” ҳикоялар ёзаётгани, ростки, ҳаммани ҳаваслантиради. Унинг ҳикояларини ҳамма мароқланиб мутула қилмоқда. Шунинг учун ҳам таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад “Зулфия кейинги йилларда энг кўп ёзаётган адибаларимиздан. Унинг газета ва журналларда пешма-пеш эълон қилинаётган ҳикояларини ўқиб, тўғриси, бу қадар сермахсулликдан ҳайратга тушаман. Ҳайратлана туриб, деярли барча ҳикоялари қўлма қўл бўлиб ўқилаётганига ҳавасим келади” дейди. Зулфия Қуролбой қизининг “Ёвузлик фариштаси” китобига унинг ўн еттита ҳикояси жамланган. Бу ҳикояларнинг ҳар бири ўзига хос сюжетга эга. Бу сюжетлар юзаки, жўн воқеалар тизмасидан иборат эмас. Адибанинг ҳикояларидаги воқеалар турмушдан олинганлиги, ҳаётийлиги билан эътиборни жалб қилади. Бу ҳикоялардаги қаҳрамонлар худди ҳаётдаги сингари жонли кўринади. Ҳаёт ҳодисаларини таъсирчан гавдалантириш, қаҳрамонларни жонли кўрсатиш учун эса муттасил ўйланиш, мушоҳада юритиш, энг қийини қоғозу қалам билан “қора меҳнат” қилиш зарур. Бунинг учун, албатта, биринчи

навбатда истеъдод бўлиши шарт. Зулфия Қуролбой қизининг ҳикоялари унда мана шу жиҳатларнинг барчаси тўла-тўқис мавжудлигини билдиради.

“Ёвузлик фариштаси” китобидagi дастлабки ҳикоя “Муҳаббат нафрати”: “Январнинг охирларида бирдан ҳаво айниб, кун совиб кетди. Бу йил қиш бўлмади-ёв, деб бемалол юрган одамлар шошиб қолишди. Икки кун гупиллаб қор ёғди. Кун билан ҳовлини тўлдириб, қий-чув қилиб ўйнайдиган болалар ҳам уй-уйларига кириб кетишди. Катталар иш юзасидангина кўчага отланишган, совуқдан ҳамманинг туси ўзгарган, юз-кўзларида ҳорғин ифода акс этиб турарди. Шаҳар одамлари шунақа, совуққа чидамсиз бўлишади; иш бўлмаса, бўйнимга олган мажбуриятим бўлмаганда эди, иссиқ уйда диванга ястаниб қаҳва ичиб ўтираддим, деб ўйлашади. Дарвоқе, уйга не етсин. Катакладек бўлсаям ўз уйинг бўлса, ғам-андухга не ҳожат... Беш қаватли уйнинг бешинчи қаватидаги хонадонларнинг бирида муздай дераза ойнасига бошини тираб хомуш ўтирган қиз шуларни хаёлидан ўтказди” деб бошланади. Бундай майин, равон ифода оҳанги воқеаларнинг давомига қизиқишни кучайтиради. Адиба турмуш чорраҳаларида турган аёлларнинг изтиробли кечинмаларини, айниқса, таъсирчан ифодалайди. Бу аёлларнинг аксарияти турмуши кўнгилдагидек кечмаётганидан, камбағаллигидан қийналади. Бу бечора аёлларнинг ҳолати, кечинмалари ўқувчида беихтиёр ачиниш ҳиссини уйғотади. Адибанинг ҳикоялари омади чопмаган аёлларнинг алам тўла дунёсини теран акс эттириши билан ўзига хос кўринади. Унинг ҳикоялари марказида тақдир сўқмоқларида адашган, турмуш ташвишларидан эзилган аёллар тақдири туради. Бу аёллар ўзларининг кўп жиҳатлари билан ён-веримиздаги кишиларга ўхшаб кетади. Адиба аёллар образини яратар экан, уларнинг қисматини ҳаётий, ишонарли ва таъсирчан акс эттиради. Бирор ўринда воқеаларни атайлаб бўрттирмайди, сунъийликка йўл қўймайди. “Муҳаббат ва нафрат”да “ҳаво айниб, кун совиб кетган пайтда уйнинг дераза ойнасига бошини тираб хомуш ўтирган қиз”нинг қисмати “Бундан ўн йил муқаддам у “ўқийман” деб шаҳарга келиб қолганди. Тақдир кулиб боқиб, институтга қабул қилинган, тиришиб, тирмашиб бир амаллаб кунини ўтказган қиз қишлоққа қайтиб боришдан бош тортган, ақлини таниганидан буён у шаҳарда яшашни орзу қилади. Шу боис кетгиси келмади. “Бу ерда яшаш осон, — ўйлаганди у ўшанда. Бир амаллаб уй олсам, гал меники. Эр топиш қийинмас”. Йўлланма бўйича ишга жойлашиб олиб, “прописка” деган балодан ўтиб олганида ўзининг омадли эканига яна бир карра ишонди. Жон-жаҳди билан ишлашга, пул топишга ҳаракат қилди. Бироқ

олган маоши у ойдан бу ойгача озиқ-овқатига базўр етарди деб, нақл қилинади. “Қуёш мен томонда” ҳикояси қаҳрамони Гўзал эса уйли-жойли аёл. Унинг иккита фарзанди бор. Эри билан севишиб турмуш қурган. Аммо тақдир уни ҳам аямаган. “Муҳаббат ва нафрат” қаҳрамони Дилдора ижарада туриши, турмушга чиқмагани, кўнгил қўйган кишиси уни алдаб “қўғирчоқ” қилганидан азобланса, “Қуёш мен томонда” қаҳрамони Гўзалнинг қисмати бундан ҳам чигал. “Очқадим” дея хархаша қилган болаларига ярим косадан пиёз шўрва қилиб бериб, овутиб ўтирадиган Гўзални эри хиёнаткорга чиқаради. Тоҳир гуноҳини яшириш учун баҳона ўйлаб топиб, фарзандларини ўзи билан олиб қолади. Оиласи барбод бўлган беғуноҳ аёл касалликка чалинади. “Ҳилола” ҳикояси қаҳрамони эса: “Агар ишонсанг, уйга боргим келмайди. Мактабда ишлагим, умуман, қишлоқда бош кўтариб юргим келмайди. Уяламан. Одамлардан уяламан. Ҳамма қўлини бигиз қилиб мени кўрсатаётгандек. “Қариқиз, ҳеч ким уни олмайди», дейётгандек туюлади. Уйда бўлса... укаларим, келинларим юзига қарай олмайман. Келинларим болаларини эркаласа, эрлари билан ҳазиллашишса, мен ерга кириб кетай дейман. Ичимда нимадир чирт-чирт узилади. Дам олиш кунлари ҳовлида бирор юмушнинг бошини тутишим билан келинларимдан бири югуриб келиб, қўлимдан ишни олади. “Сиз қўяверинг, ўзимиз қиламиз», дейишади одоб билан. Лекин бу сўзлар менинг қулоғимга бошқача эшитилади: “Рўзгор бизники, сиз аралашманг”. Кичик келинимизни мактабда ўзим ўқитганман. Келинликка ҳам мен тавсия қилганман. Ҳозир у болалик бўлди. Мен бўлсам...” деб ўкинади.

Зулфия Куролбой қизи оила ҳаловати, яқин кишиларининг меҳрига муштоқ аёлларнинг узоқ машаққатларидан кейин ғамгин кўнгилларига хузур, хира тортган кўзларига нур инган лаҳзаларни жуда таъсирчан тасвирлайди. Адиба бахти очилмай юрган Ҳилоланинг тўйи арафасида қувончи, ҳаяжон тўла қиёфасини қуйидагича чизиб кўрсатади: “Шу чоғда уни бир кўрсангиз эди! Шаҳло кўзлари чақнар, рангпар ёноқлари лов-лов ёнар, ҳамиша изтироб билан қимтилган лабларига юракларни ўртаб юборувчи табассум жилваланади...” “Тўхтаб қолган вақт сувратлари” ҳикоясида эса адиба шаҳардан тоғлар орасидаги овлоқ қишлоққа тушган келинчакнинг дастлабки кунларини, унинг янги оламга энтикиб қарашларини қуйидагича тасвирлайди: “Бу ерларнинг нимаси ёқмадийкин ойимга? — дея ҳайрон бўлиб ўйлади. Малика ота-онасини кузатиб қўйган. — Ахир бу ер курорт-ку!”. Чиндан-да, қишлоқ навниҳол келинчак мисоли сўлим эди. Чор-атроф паст-баланд қир-адирлар, уларнинг бағрида кўкси қон лолақизгалдоқлар жилоланиб кишини ўзига тартади. Адирлар ортида эса найзадор учи билан осмон бағрини тешиб юборгудек тарзда

кўнғир-қулранг тоғлар ястаниб ётарди. Ҳаво эса шу қадар беғубор, тиниқки, чертсанг борлиқни тўлдириб жаранг бергудек... ҳовлилар қуюқ дарахтзорлар билан ўралган. Олисан қаралганда қишлоқ яшил парда оғушида кўринар, бу парда ортида қиз ўзи учун номаълум ўлка мавжудлигини туйса-да, асло чўчимасди. Устига устак, сершовқин шаҳар ҳаётидан овулнинг тинчлиги, осойишталиги уни мафтун этганди. Малика табиатан таъсирчан қиз эди. Қишлоқда майсаларнинг саррин шабадада майин тебранишидан тортиб, тонг саҳарда қушларнинг бир-бирига гал бермай чаҳ-чаҳлашларигача, шафтоли гулининг гўзаллигидан тортиб, тирикчилик ташвишида ғимирлаб юрган қурт-қумурсқаларнинг ҳаракатигача эътибор билан қарар, беҳад завқланар эди. Шундай пайтлари у беихтиёр “Мен бахтиёрман!” деб шивирлар ва кўзлари порлаб, янада гўзаллашиб кетарди”. “Тўхтаб қолган вақт сувратлари” қаҳрамони Малика қишлоқнинг мана шундай мафтункор манзараларидан мамнун бўлиш билан бирга, бу ердаги турмушнинг ўзига яраша қийинчиликларига ҳам дуч келади. Одамлар бир хил машаққатли юмушлардан зерикмай келаётганидан ажабланади. Ҳамма одатланиб қолган шароитга кўниқолмасдан қийналади. Атрофдагилар унинг ҳиссиётларига бепарволигидан эзилади. Турмушнинг туганмайдиган бир хил ташвишлари туфайли руҳан горат бўлган кишиларнинг аҳволига ачинади. Маликани овсини Норбувиға ўхшаганларнинг ҳар кунги бир хил иш, бир хил ташвишдан безор бўлмай келаётгани ўйлантиради. Ҳикояда Норбуви тўғрисида: “Норбуви энди ўттиз бирга кирган. Аммо мудом сал қаддини букиб юрадиган бу аёлнинг ажин босган ҳорғин чеҳрасига қараб камида қирқ беш-элликни беравериш мумкин эди. Бир вақтлар тақимини ўпган қалин сочлари тўкилиб, бошига ёпишиб қолган; юз суяклари туртиб чиққан, икки яноғида чуқурча ҳосил бўлган; киртайган кўзлари тез-тез ёшланиб туради; озгинлигиданми, икки елкаси туртиб чиққандай. Эғнида эса доим унинг қачон сатин қўйлак. Аммо қачон қарасанг куймаланиб, айтганини қилмаган болаларининг “гўштини майдалаб”, “қонини ичиб” юрса-да, катта келин баъзан кўтаринки кайфиятда, энг бахтиёр аёлдай илжайиб қолар, афтидан бундан бошқа ҳаётни орзу ҳам қилмасди” дейилади. Малика ундан “Одамлар фақат ёйиш-ичиш, бола-чақа орттириш учунгина дунёга келадими?” деб сўраса, Норбуви: “Бўлмасачи! Ҳар ким пешонасида борини кўради. Биров ундай, биров бундай. Барибир, бир кунни ўтади-кетди-да...” деб жавоб беради.

Хуллас, Зулфия Куролбой қизи асарларида воқеликнинг хилма-хил қирралари ўз аксини топган. Бу эса адиба ҳаёт манзараларини “ички нигоҳ” билан кузатганига, ўзича хулосалар ясаганига далолатдир.

Абдулла УЛУҒОВ

Расул ҲАМЗАТОВ

МЕНИНГ ДОФИСТОНИМ

(Боши ўтган сонларда. Давоми)

Эсимда, болалигимда отам боғламга боғлиқ боғлашни ўргатганди. Мен боғламни тиззамда босиб, боғлиқни қаттиқ тортиб боғлаётган вақтимда отам уқтирганди:

— Расул, кўзингга қара, боғлиқни қаттиқ боғлама.

Энди ёзаётган мисраларимдан кўнглим тўлмай, мос сўзларни тополмай қайта-қайта ўчириб ёзаётган кезларимда, барибир, шу шеърни тугатиб қўйишим керак деб қийналиб турган вақтимда, баъзан отамнинг ўша ўғити ёдимга тушиб менга далда бўлади: “Расул, кўзингга қара, боғлиқни қаттиқ боғлама”.

Ҳар йили бир хил ҳосил олиб бўлмайди. Бир йил буғдойдан шундай ҳосил қўтариладики, ташишга машина етишмайди, қўйишга омбор топилмайди. Кейинги уч йилдан эса, далада майса кўкармайди. Менинг иш унумим ҳам шундай. Баъзан ёзиш учун жиддий тайёргарлик кўраман, сара сўзларни олдиндан мўлжаллаб қўяман, лекин кўнгилдагидек шеър ёзила қолмайди. Шунда таржимага мурожаат қилишга тўғри келади, на илож Канададанми, Австралияданми ёки бошқа мамлакатданми буғдой сотиб олишимиз керак. Ахир, юрагимдаги шеър қоғозга кўчгиси келмаётган бўлса, бу масалада ҳеч қандай техника, ҳеч қандай кимёвий ишлов ёрдам бермайди.

Нима ҳам қила олардик? Агар ҳар бир саёҳат, ҳар бир уриниш муваффақиятли яқунланаверганда эди ҳамма бахтиёр, ҳамма уйда хурсандчилик бўларди. Агар ҳар йил замин мўлкўл ҳосил тутаверганда ҳамма тўқ-фаровон яшарди. Агар қоғозга ёзилган ҳар бир нарса қўшиққа айланаверганда, одамлар аллақачон оддий сўзларда суҳбатлашишмасди, бир-бирига қараб қўшиқ айтишарди. Афсуски, қўшиқ ёзиш жуда қийин иш.

Мен Доғистондаги, Грузия, Арманистон ва Болгариядаги вино заводларида, Пльзен пиво

заводида бўлганман. Назаримда, шоирлар ва вино тайёрловчилар ишларида қандайдир ўхшашликлар бор. Ўзига хос жиҳатлар, топқирликлар уйғундай. Худди вино бочкаларда сақлангани каби шеър ҳам қалбда маромига етказилиши лозим. Маромига етган шеърда эса, яхши вино каби қалбга кўтаринки кайфият бағишловчи сирли бир нарса бўлади. Эҳтимол, шу жиҳати билан шеърят ва вино бир-бирига ўхшаб кетади.

Баъзан овуллардаги магазинларга вино бочкаси билан машиналарда олиб келинади. Худди шундай Бўйноқ заводи винолари овулдаги магазинларга бочкаларда тарқатилади.

Бочкада вино олиб келаётган машиналарни кўришлари билан йигитлар овулнинг ҳар томонидан бир-бирларига сир бой беришмай гўё хотиржам, аслида эса шошилиб магазин томонга оқиб кела бошлайди. Улар чўпон новга туз солганда қўйлар қуршаб олгандай, виноли бочкалар атрофида гирдиқапалак бўлишади.

Вино кўзаларга қуйилади. Шубҳасиз, ҳамма винодан хўплаб кўради. Ўша заҳотиёқ уларнинг винодан ҳафсалалари пир бўлади ва эътирозлари тилга кўчади:


— Шу ҳам виноми, сувдан фарқи йўқ.

— Сойдаги сув деяверинг.

— Нега мени айбляпсизлар? — дея ўзини ҳимоя қилади сотувчи.

— Кўрдинглар, виноли бочкаларни машинада олиб келишди. Ўзларинг виноли бочкаларни туширишга ёрдам бердинглар. Менинг айбим нима? Менга қандай вино олиб келишса, ўшани сотаман. Хоҳламасанглар, сотиб олманглар.

Маълум бўлишича, шаҳардаги омбор мудирини туманларга тарқатишдан олдин бочкадаги винодан қуйиб олиб, ўрнини сув билан тўлгазиб дер экан: “Тумандагилар шундай вино бераётганимизга ҳам шукр қилишсин”. Туман



омборидагилар ҳам бочкаларни овулларга тарқатишдан олдин ўша ишни такрорлашиб, дер эканлар: “Овулдагиларга шундай вино ҳам бўлаверади”. Йўлда шофёр ва хизматчилар чанқовбосди қилишиб, ўз насибаларини идишларига қуйиб олишиб, ўрнини жилга суви билан тўлатишади. Натижада, бочкада сув қўшилган вино эмас, сувга вино қўшилган аллақандай бемаза аралашма пайдо бўлади.

Баъзан шеър деб тақдим этилган нарсаларни ўқиганда ҳайрон қоласан. Уларда нима кўпроқ: шеърятми ёки сўзбозлик? Бундай тизмаларни ижодхонасида ўтириб ишлашга тоқати йўқ шоирлар қоралашади. Аммо шалдираган жилга денгизга, ялқов пиёда Маккага етиб бормайди. Агар икки чавандоз битта отга мингашса, улар бир-бирини ушлаб олишади. Истеъдод ва иш битта отда шундай кетишади.

АБУТОЛИБ АЙТГАНДИ. Истеъдод ва иш шеърда бирлашиши керак, худди ханжар қинга жойлашгандай.

ЁН ДАФТАРЧАДАН. Мен ҳам болагимда кўчадан бери келмасдим. Мактабда ўқиб юрганимда шеър ёза бошладим. Лекин ўтириб шеър ёзишга ҳам, адабий китоб ўқишга ҳам, уй вазифаларини бажаришга ҳам сабрим чидамасди. Стулга ўтир дейишса, бир жойда тинч ўтира олмасдим. Пайт пойлаб кўчага чопардим. Ҳозир ҳам столга ёпишиб ўтириб, сабр-бардош билан ишлайман деб айтишим қийин.

Бир куни отам мени дарс тайёрлатиш учунми, ёки шеър ёздириш учунми стулга ўтқизиб бир дақиқага уйдан чиқди. Отам эшикни ёпишга ҳам улгурмади. Мен стулдан сакраб тушиб томнинг устига чопдим. Мени томнинг устида кўрган отам онамга буюрди:

— Илгакка осилган арқонни олиб кел.

— Нима қиласиз?

— Расулни стулга боғлаб қўймоқчиман, бўлмаса ундан одам чиқмайди. Отам шошилмасдан мени стулга боғлади ва пешонамга секин чертиб деди:

— Мана шу ердагини қоғозга кўчир!

Қанийди, биз ёзувчиларни кимдир вақти-вақти билан ижод столимиз ёнига шундай боғлаб қўйса.

Эҳтимол, бош яхши ишлар. Лекин бош ишлаганда қўл ишламаса, бу бугдой майдаламасдан қуруқ айланаётган тегирмонга ўхшайди.

ШАНГРЕЙ, УНИНГ ЎҒЛИ ВА БЕШ СЎМЛИК ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Яқин ўтган замонда, Хунзах томонда Шангрей деган бадавлат ва ҳурматли киши яшаган экан. Унинг

фаровон турмушдан талтайиб кетган ёлғиз ўғли бор экан. Шангрей ўғлининг овулдаги бошқа кишиларга ўхшаб ишлашини, меҳнатда суяги қотиб улғайишини истар экан. Ўғли эса ишлашни сира хоҳламас экан. Қариндошлари ва отасининг қадрдонлари уни жуда эркалатиб юборишган экан. Унга кимдир от, кимдир ханжар, кимдир камзул совға қилса, кимдир пул берар экан.

Бир куни Шангрей қаттиқ касал бўлиб қолибди. Ҳеч қандай дори-дармон унга таъсир қилмабди. Қариндошлари ва қадрдонлари унга парвона бўлиб сўрашибди:

— Сенинг соғайиб кетишинг учун яна нима қилайлик?

— Мен дардимга нима дармон бўлишини биламан. Лекин сизлар бу орзу-ниятимни рўёбга чиқара олмайсизлар.

— Айт, қўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

— Агар ўғлим ўзи меҳнат қилиб беш сўм топса ва уни менга узатиб “Ота, шу пулни олиб қўйинг” деса, ўшанда соғайиб кетаман.

Икки кундан кейин ўғли отаси ёнига келиб беш сўм узатиб деди:

— Ота, шу пулни олиб қўйинг. Мен бу пулни Койсу дарасида дарахт кесиб топдим.

Ота бир ўғлига, бир пулга қаради. Кейин пулни оловга ташлади. Ўғли сесканиб ҳам қўймади. Фақат юзига тарсаки тортилгандай, оқариб кетди.

Аслида, бу пулни унга ёш бола нарса қийналиб юрмасин деб тоғаси берганди.

Бир неча кундан кейин ўғил яна касал отаси ёнига келиб, пул узатди:

— Гунибдаги янги йўл қурилишида ишлаб топдим.

Ота бир ўғлига, бир пулга қаради. Кейин пулни гижимлаб, деразадан улоқтирди. Ўғил сесканиб ҳам қўймади. Маълум бўлишича, бу пулни унга отасининг қадрдони берган экан.

Ўғил учинчи бор отасининг олдига келди ва учинчи бор беш сўмликни узатди. Ота ўғлининг юзига ҳам қарамасдан беш сўмликни икки бўлак қилиб йиртиб, ерга ташлади. Шу заҳоти ўғил лочиндай ташланиб, ердан пул бўлаklarини олди ва силаб-сийпалаб тўғрилади. Отасига таъна қилди:

— Мен бу пулни оддий қоғоздай йиртиб ташлашингиз учун отхона тозалаб топганим йўқ. Қаранг, қўлларим қавариб кетди.

— Билдимки, сен бу пулни чиндан ҳам ишлаб топган экансан.

Шангрейнинг кайфияти кўтарилди, соғайиб бошлади ва тез кунда бутунлай тузалиб кетди.

Шундай, пулнинг қадрини уни ҳалол меҳнат қилиб топган одам билади.

Эҳтимол, шеърда ҳам шундай. Агар шеърни қийналиб ёзган бўлсанг, ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир ўшатиш сен учун азиз. Агар сен гоёни кўчадан топиб, йўл-йўлакай ёзган бўлсанг, ундан бебаҳо шеър чиқмайди.

Тан бераман заргар қўшнимга,
Ўз ишини билади чиндан.
Бир зумгина қараб буюмга,
Ажратади мисни олтиндан.

О ўқувчим, ўзингсан зукко,
Менда бўлса эди зийрак кўз.
Аниқлардим сатрлар аро,
Қайси бири миси чиққан сўз.

Агар мазали балиқ таом егинг келса, ўзинг кўлга бориб балиқ тут. Бургут шамолга қарши учеди, балиқ оқимга қарши сузади. Шоир ҳам хоҳ у қувончи, хоҳ у ғамли бўлсин уйғонган туйғулари асосида шеърлар ёзади. Бир куни Абутолиб шундай воқеани сўзлаб берганди.

БАЛХАР КУЛОЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУВАКЛАРИ ВА ЯРАМАС ХАРИДОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯТ. Балхарлик кулоллар тайёрлаган сополларини хуржунларга солишиб, эшак ва хачирларига юклашади. Кейин сотиш учун шаҳарга йўл олишди. Йўлда яқин овулдаги шумтака йигитлар дуч келишди.

— Туваксозларга йўл бўлсин, узоққа бораёпсизларми?

— Шаҳарга тувакларни сотгани кетаяпмиз.

— Қанчадан?

— Кичкина туваклар ўн тийиндан, катта туваклар беш тийиндан.

— Нега бундай?

— Чунки кичкина тувакни тайёрлаш каттасини тайёрлашга нисбатан қийинроқ.

Шумтакалар балхарлик кулолларнинг барча сополларини сотиб олишди.

— Ишимиз ҳалол, бизда фирромлик йўқ, — дейишиб кулоллар уловларини орқага буришди. — Ҳали бу туваклар невараларингизга ҳам хизмат қилади.

Кулоллар довонга қўтарилганда дам олиш учун ўтиришди. Улар тепадан тоғ сўқмоғига қарашди ва ўзларидан тувак сотиб олган йигитлар нима билан шуғулланаётганларига қизиқиб қолишди. Йигитлар тувакларни жар ёқасига териб қўйиб, йигирма метрлар узоқликдан мўлжаллаб тош отишаётган экан. Афтидан, улар ким кўп тувак синдириш бўйича

мусобақа ўтказишаётганди. Тувакка тош текканда чарсиллаб синар ва жарликка қуларди. Бу ҳолат йигитларга завқ бағишларди.

Кулоллар буйруқ берилгандай бирдан сакраб туришди. Ханжарларини қиндан чиқаришиб безорилар томон ўқдай учишди.

— Ярамаслар, нима қилаёпсизлар? — дея ҳайқиришди кулоллар. — Биз сизларга энг сифатли сополларимизни сотган эдик. Сизларда виждон деган нарса борми ўзи?

— Нега биздан ранжияёпсизлар? — ҳайрон қолиб сўрашди йигитлар.


— Сизлар ўз маҳсулотларингизни бизга сотдинглар. Биз сополларингиз учун яхшигина ҳақ тўладик. Туваклар энди бизники, уларни синдираётганимиз билан энди нима ишларинг бор? Хоҳласак уларни синдирамиз, хоҳласак уйга олиб борамиз, хоҳласак йўлга ташлаб кетамиз.

— Тувакларни сизга сотган бўлсак ҳам улар бизга бегона эмас. Биз оддий тупроқни тувакларга айлантириш учун қанча меҳнат сарфлаганмиз. Шундай чиройли, кўзни яйратадиган тувакларга айланиши учун қанча меҳримизни берганмиз. Бу тувакларни ясаганимизда, улар одамлар корига ярайди, кимларгадир фойдаси тегади деб ўйлаганмиз. Тувакларни сизга сотаётганимизда, уларга бўза қуясиз, булоқ сувидан тўлдирасиз ёки гул ўстирасиз деган ниятда бўлганмиз. Сизлар эса бизнинг қанча меҳнатимизни, қанча яхши ниятларимизни тош билан ваҳшийларча уриб, майда-майда қилиб жарга қулатдингиз. Сизлар ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган безори болалар сайроқи қушларга тош отгани каби бизнинг меҳнатимиз ва меҳримиз сингган сополларимизга тош отдинглар.

Кулоллар йигитларга пулларини қайтиб беришиб, бутун қолган тувакларни йиғиштириб олишди ва ғамгин уйларига қайтишди.

Дунёда бирор нарсани яратиш учун бутун кучини, зеҳнини, меҳрини берган ва меҳнати маҳсулини кўрганда қувонган одам борки кулолларнинг ғамгин ҳолатини тушунади, дея Абутолиб ҳикоясини тугатганди.

Абутолибнинг бу ҳикояси менга олис Японияда кўрган денгиз тубидан марварид излаётган қизларнинг заҳматли меҳнатини эслатади. Чиройли, келишган қизлар денгиз тубига шўнғишиб, мумкин қадар кўпроқ молюска чиғаноқларини териб белидаги халтачаларга солишиб олиб чиқишарди. Олиб чиқилган чиғаноқларнинг биттасидагина



марварид бўлиши мумкин. Лекин марваридли чиганоқ бўлиши учун минглаб чиганоқларни олиб чиқиш керак. Ўша марваридли чиганоқни олиб чиқиш ва улардан шода пайдо қилиш учун неча марталаб денгиз тубига шўнгишга тўғри келади.

Худди шундай оддий суҳбатларда ишлатиладиган сўзлардан саралаб олиб, улардан марварид-қўшиқ яратиш ҳам осон эмас. Барча оддий сўзлар, барча воқеалар, барча туйғулар, барча ҳаётий тажрибалар мисоли денгиз тубидаги сочилган марваридли чиганоқлар. Денгиз тубига тўхтовсиз шўнғиётган марварид изловчиларнинг иши оғир. Бунинг учун қанча саломатлик, бардош, интилиш, ирода ва тажриба керак. Шунингдек, бундай ишда омад жуда ҳам зарур. Марварид изловчиларнинг сабр-бардоши, кумуш идишга нозик безаклар чизаётган кубачинлик мисгарларнинг сабр-бардоши — булар бир вақтнинг ўзида ҳам истеъдод, ҳам меҳнат.

Қачон учса толмас шеърнинг қаноти?
Жавоб берар тоғликларнинг ҳикмати:
Шеърда бўлса кубачинлик саботи,
Шеърда бўлса усталарнинг санъати.

ҲАР БИР ТОҒЛИК БИЛАДИГАН ҲИКМАТЛАР.

Балоғатга етмаган қизингни турмушга берма.
Дарёга яқинлашмагунча чоригингни ечма.

Ўрмонда учиб юрган илвасинни овламасдан олдин, уни пишириш учун қозонга олов ёқма.

Қора-қўнғир тулки териси биринчи бўлиб қўрганники эмас, уни овлаган овчиники.

ЭСДАЛИКДАН. Бошимдан ўтган бу воқеани сўзлаб бергим келмаяпти. Чунки унда мақтанадиган жойнинг ўзи йўқ. Лекин воқеаларни бир бошдан сўзляпманми, уни бир чеккага суриб қўя олмайман. Тоғликлар бекорга айтишмайди: “Агар киндигинггача сувга тушган бўлсанг, тўла чўмилиб чиқ”, “Агар халтани очсанг, уни охиригача қоқ, нима ичида бўлса тушсин”.

Мен ҳозир ёзаётган китобимни, агар қўнғилсиз воқеа юз бермаганда аллақачон тугатган бўлардим. Ҳозир айнан шу ҳақда ёзмоқчиман.

Одатда, туркум тўплашга киришсам ёки китоб ёзишни бошласам қаерга борсам ҳам қўлёмаларни ўзим билан олиб юраман. Шу тариқа қўлёмалар мен билан бирга қўплаб мамлакатларда бўлган. Албатта, қўлёмаларни йўлга шундай кўтариб юриш учун олмайман. Меҳмонхоналарда тонг пайтида уларни кўздан кечиришга, бир-иккита янги саҳифа ёзишга вақт бўлади. Бу қўлёмза ҳам денгиз орти

мамлакатларида ҳам бўлиб қайтган.

Бир гал Брюсселдан қайтар эканман Москвадаги “Москва” меҳмонхонасининг саккизинчи қаватидан жой олдим. Гап очилдими айтиб қўяй, мен учун “Москва” меҳмонхонаси оддий меҳмонхона эмас. Айнан шу меҳмонхонада Москвада кечган умримнинг ярми ўтган десам сира муболага қилмайман.

Бу меҳмонхонадаги маъмурлар, қаватдаги навбатчилар, хизматчиларнинг бари менга таниш, улар ҳам мени танишади. Менинг айнан “Москва” меҳмонхонасидан жой олишимни Москвадаги танишларим яхши билишади. “Расул Москвада” деган сўз, улар учун меҳмонхонага келишларига бир сабабдай бўлиб туюлади.


Меҳмонхонадаги хонамга кириб юз-қўлимни ювмасимдан телефон жириглайди, эшик тақиллайди. Тезда хонада ўтиришга ва ҳатто эмин-эркин юришга жой қолмайди. Тўғри, меҳмонхона хонаси ўз уйинг эмас, лекин биз тоғликлар қадимий одатимизга кўра меҳмондан учинчи куни ким эканлигини сўраймиз. Ҳамма келганлар ҳам уч кунини хонамда ўтказмаганлигини ҳисобга олсак, айрим меҳмонларимнинг ким эканлигини кейинчалик ҳам билмаганман.

Шундай қилиб, кунлардан бир куни мен Брюсселдан қайтишда ҳар доимгидай “Москва” меҳмонхонасидан жой олдим, ҳар доимгидай хонада меҳмонларим кўп эди. Баъзи бирлари хориж сафаридан эсон-омон қайтганим билан табриклаш учун, айримлари менга Доғистонга қайтиш олдидан оқ йўл тилаш учун, бошқалари шундай, ҳеч қандай сабабсиз келишганди. Уларнинг айримларини ўзим чақиргандим, айримлари таклифсиз бостириб киришганди.


Хонада шовқин-сурон солиб аввал кимнидир роса мақтадик, кейин шовқин-сурон солиб кимнидир қораладик. Кулишдик ва ичдик. Қўшиқ айтдик ва яна ичдик. Бу вақтда хона кимдир стол остида ҳўл гўла ёққандай сигарета тутунига тўлганди.

АБУТОЛИБ АЙТГАНДИ, уни учта сабаб эрта қаритган. Биринчиси, таклиф этилганлар келиб бўлишган, барча бир кишини кутаяпти, у бўлса кечиккандан кечикаяпти. Иккинчиси, хотин аллақачон овқатни стол устига қўйиб бўлган, ароқ олиб келишга кетган ўғилнинг қораси сира кўринмайди.

Асрор МҶМИН таржимаси
(Давомли)



СКРИПКА ОҲАНГЛАРИ



Ўзбек мусиқа маданияти жуда кўп тармоқларни ўзида бирлаштирар экан, унда торли чолғулар ижрочилиги соҳаси алоҳида ўрин тутди. Скрипка, альт, виолончель, контрабас сингари созлар юртимиз мусиқа оламига ўтган асрнинг бошида кириб келган бўлиб, ниҳоятда қисқа давр ичида миллий санъатга сингиб, ривожланди ва юқори натижаларни эгаллашга муваффақ бўлди.

Юртимизда торли чолғу ижрочилигининг ривожланиши қатор санъатқору намояндаларнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга ошган. Шундай инсонлардан бири отахон созанда, юртимиз скрипка мусиқасининг фахрийси, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг профессори Александр Павловскийдир.

А.Павловский 1940 йил 28 декабрда Тошкент шаҳрида туғилди. У 1947 йилда В.Успенский номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатига ўқишга кириб, скрипка чолғуси билан ошно бўлади. Бунда унга ажойиб педагог В.А.Беленький устозлик қилади. А.Павловский ўзининг устозлари ҳақида гапирганда, унинг Артемьев ва Кнорре сингари машҳур санъаткорларда илм олгани ва ўз навбатида, улар ҳам ажойиб профессор Ауэр қўлида таълим олганларини фахр билан эслади.

1958 йилда А.Павловский Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга киради. Скрипка ижрочилиги бўйича Москва Давлат консерваториясининг профессори Ямпольский, таниқли созандалар Флеш ва А.Алешин қўлида таҳсил кўрган И.Коганов унга раҳбарлик қилади. Умуман олганда, устозлар жиҳатидан А.Павловскийнинг омади чопгани рост. Зеро, камер ансамбл бўйича — ажойиб виолончелист ва пианист А.Введенский, кватрет синфи бўйича — С.Вайс, фортепиано бўйича — профессор А.Лисовский, мусиқий — назарий фанлардан стук мутахассислар бўлмиш И.Карелова, Ю.Кон, Е.Мацокина ва бошқа кўплаб намояндалар ёш созанданинг келажакда ўз касбини ҳар жиҳатдан

пухта эгаллашига ёрдам бердилар.

Консерваторияда ўқиш чоғларида ансамбл ижрочилигига қизиқиб, аввалига тенгдош талабалар билан, кейинчалик эса ўқитувчилар В.Введенский ва Б.Евлампиев билан бир таркибда чалади.

1962 йилда кватрет таркибда 1—Республика танловида қатнашиб, лауреат унвонига сазовор бўлади.

Консерваторияни битиргач, 1963 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Давлат филармониясининг симфоник оркестрида ҳам созанда, ҳам яккахон ижрочи сифатида ишлайди. Бу даврда А.Павловский ўз соҳасининг чинакам устаси бўлмиш дирижёр ва композитор А.Ф.Козловский, кейинчалик иқтидорли дирижёрлар Н.Алимов ва З.Ҳақназаровлар билан елкама-елка туриб фаолият олиб борадики, бу ҳам ўз ўрнида, А.Павловскийдаги малакани оширади.

Шу даврнинг ўзида оркестрнинг дирижёрлик пулти олдида туриб ишлаган дунёнинг буюк дирижёрлари бўлмиш К.Конрашин, А.Мелик—Пашаев, Ю.Файер, А.Стасевич, И.Рахлин, Курт Мазур, Ганс Швигер, Эри Клаас, Ноэми Ярви; оркестр билан яккахон ижрочилик қилган буюк созандалар Г.Гинзбург, Э.Гилельс, Г.Николаева, Н.Штаркман, М.Воскресенский, Л.Берман, Э.Вирсаладзе, Я.Коган, В.Спиваков, М.Ростропович ва бошқа кўплаб санъаткорлар билан бўлган мулоқотлар нафақат А.Павловскийнинг, балки ўша даврдаги ҳар бир санъаткорнинг ижодий потенциалини оширар эди.

А.Павловский филармониядаги фаолияти давомида яккахон созанда сифатида рус ҳамда европа композиторларининг скрипка ва оркестр учун ёзган концертлари билан кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, Россиянинг Москва, Новосибирск, Омск, Сочи шаҳарлари ҳамда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон давлатларининг йирик мусиқий марказларида гастрол сафарларида бўлган. Шунингдек, бу даврда Ўзбекистон

композиторларидан Ш.Шоймардонова, С.Ҳайитбоева, В.Водовознинг скрипка ва оркестр учун яратган концертларининг илк ижрочиси бўлган.

1972 А.Павловский В. Спиваков раҳнамолигида филармония қошида “Қадимий мусиқа ансамбли»ни ташкил этиб, унга 15 йил раҳбарлик қилади. Ушбу ансамбл, асосан, Барокко ва ундан-да, қадимий давр мусиқасини ижро этади. Бу йўналишдаги мусиқани ўша даврда бутун дунё бўйича саноқли ансамблларгина ижро этарди. А.Павловский раҳбарлик қилган ушбу жамоа 15 йил ичида юзлаб концерт бериб, филармония бу концертларга абонементлар чиқарган ва бу абонементлар томошабинларга бир йил аввал тарқатиларди.

Сўнги йилларда ансамбл замонавий композиторларнинг асарларини ҳам ўз дастурига киритди. Ўзбекистон композиторлари Н.Зокиров, Ф.Янов-Яновский, В.Милов ва бошқалар айнан шу жамоанинг ижроси учун мўлжаллаб қатор асарлар яратдиларки, бу ҳолат ансамбл нафақат шинаванда томошабинлар эътиборини ўзига тортгани, балки ўзининг профессионаллиги билан ижодкорларнинг ҳам қизиқишини уйғотганидан далолат беради.

А.Павловский 1963 йилдан бошлаб муаллимлик фаолиятини ҳам олиб бордики, кейинчалик бу соҳа унинг фаолиятида марказий ўринни эгаллайди. 1968 йилдан у эса камер мусиқа кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлайди.

1989 йилда доцент илмий даражасига кўтарилди.

Бу даврдан эътиборан унинг ижрочилик фаолияти камер мусиқага қаратилади. Шу йиллар ичида А.Павловский турли ансамбллар таркибида юзлаб концертлар беради.

30 йиллик давр мобайнида у ажойиб пианист, консерватория доценти Б.Евлампиев билан ижодий ҳамкорлик қилиб, кўплаб мусиқий дастурларни саҳнага олиб чиқди. Шулардан, Венгрия, Руминия, Польша, Болгария, Франция давлатлари замонавий композиторларининг камер асарларидан тузилган туркумлар айниқса, қизиқарли бўлиб ўша даврда нафақат Тошкент, балки қўшни ўлкаларда ҳам янграган эди.

А.Павловский ўзининг ижрочилик фаолияти давомида консерватория доценти Т.Контуашвили билан кўп йиллар ҳамкорлик қилиб, скрипка ва фортепиано учун яратилган В.Моцарт, Л.Бетховен, И.Брамс ва Э.Григнинг барча сонаталарини ижро этди.

Кейинги йилларда А.Павловский ёш пианиночилар билан ҳамкорликда ижод қилиб, қатор мусиқа дурдоналарни томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

А.Павловский шунингдек, “Илҳом—XX” замонавий мусиқа фестивали ҳамда Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтган симфоник ва камер мусиқа фестивали қатнашчиси ҳамдир.

Яқинда А.Павловский скрипка мусиқаси шинавандаларига доцент И.Абдуллаева билан ҳамкорликда қизиқарли концертлар туркумини ҳавола этди. Ушбу туркум учта концертдан ташкил топиб,



“Скрипка ва клавесин учун қадимий ва замонавий асарлар” дея номланди.

А.Павловский консерваторияда фаолият юритиш чоғида илмий-услубий иш билан ҳам шуғулланиб, қатор илмий нашрларни амалга оширди. Жумладан, “Ўзбекистон композиторларининг камер асарлари” номли ишида композиторлар С.Карим—Хожи, Ф.Янов—Яновский, Д.Сайдаминоваларнинг янги сонаталарини тадқиқ этган. Ш.Шоймардонованинг скрипка ва оркестр учун яратган концерти А.Павловский таҳрири остида чоп этилган. А.Павловскийнинг яна муҳим илмий нашрларидан бири камер ансамбл учун ўқув қўлланма ҳисобланиб, ҳозирда ундан консерваториянинг ўқитувчи ҳамда талабалари ўқув жараёнида сермахсул фойдаланадилар.

2005 йил А.Павловский “профессор” илмий даражасига сазовор бўлди. Профессор бутун ижодий умри давомида муаллимлик фаолиятига алоҳида эътибор берди. 37 йиллик муаллимлик амалиёти мобайнида унинг синфидан 250 дан ортиқ ёш мутахассислар етишиб чиқдилар. Ҳозирда А.Павловскийнинг шогирдлари Ўзбекистоннинг барча мусиқий ўқув юртларида ва концерт ташкилотларида, шунингдек, Россия, Греция, Туркия, Германия, Исроил, Швеция сингари мамлакатларнинг нуфузли мусиқий жамоаларида муваффақият билан фаолият юритмоқдалар.

Захро МУҲАММАДЖОНОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта ўқитувчиси



VATANIM

Vatanim, chamanim,
Ona zaminim.
Meni ulg'aytirgan
O'zbekistonim!

Ona — yurtim bag'ringda,
Bekamu — ko'stmiz.
Sport, ilm, ma'rifat,
Baxt bilan do'stmiz.

Yo'llaring ravondir,
Bog'laring bo'ston.
Seni dildan sevamiz,
Jon O'zbekiston!

ORZULARIM

Dono qiz Umidaman,
Xalqimning umidiman,
Men ham Islom bobomdek,
Yurtga sodiq bo'laman!

O'zbekiston bayrog'in
Men baland ko'tarman.

Buyuk ona xalqimga
Dildan xizmat qilarman!

Orzularim bir talay,
Elimga qanot bo'lay.
Ota-onam shod aylab,
Yurakdan qo'shiq kuylay.

MEHRIBON DADAJONIM

Oilamiz quyoshi,
Oyijonim umr — yo'ldoshi,
Bizlarga siz yo'lboshchi,
Mehribon dadajonim.

Bizlarning g'amxo'rimiz,
Baxtimiz, qalb — qo'rimiz.
Bo'lingiz, uy to'rimiz,
Mehribon dadajonim.

O'zlari kamtar, oddiy,
Har ishda juda jiddiy.
So'zlari aniq, qat'iy,
Mehribon dadajonim.

ONAJONIM ALLASI

Onajonim alla aytdilar:
Katta bo'lg'in bolam sen,
Katta bo'lganingda ham
Baxtli bo'lg'in bolam sen.

Jonim bolam, jon bolam,
Shirindan — shakar bolam.
Ovunchog'im o'zingsan
Ochilgan g'unchaginam.

Onajonim shirin tilaklar
Tiladilar menga.
Shirin tushlar ko'rgin deb,
Peshonamdan o'pdilar.

Хонгелди ХҲЖАЕВ

АНЪАНАВИЙ КАРАТЭ-ДО БҮЙИЧА СИНОВ ҚОНУН- ҚОИДАЛАРИ



Хонгелди Хўжаев 1968 йилнинг 7 декабрида Хоразм вилояти Гурлан туманидаги “Гулистон” жамоа хўжалигида туғилган. У бу ерда саккизинчи синфгача ўзбек тилида таълим бериладиган мактабда ўқийди. 1985 йилда Х.Хўжаев Тошовуз вилоятининг Губадоғ туманидаги 9-сонли ўрта мактабни тугатади.

1985-1992 йилларда Минск Давлат Педагогика институтининг рус филологияси факультетида ўқийди. 1992 йилда уни имтиёзли диплом билан тамомлагач, Туркменистон Фанлари Академияси Махтумқули номидаги Тил ва адабиёт институтига илмий ходим бўлиб ишга киради. Бу даргоҳда ишлаган йилларида Х.Хўжаев “Ҳозирги замон туркман тилида гапларнинг ажратилган бўлаклари”, “Рус тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг қабул қилиниш хусусиятлари” номли илмий ишлари, “Анъанавий каратэ-до бўйича синов қонун-қоидалари” (1-нашр), “Халқаро анъанавий каратэ-до маркази мусобақаси қоидалари” сингари китобларни нашр қилдиради. Шунингдек, у “Олам ва Замин. Жўшқин қисмат” номли илмий-фантастик асарини нашрга тайёрламоқда. Унинг ўттизга яқин илмий ва оммабоп мақолалари ҳам турли тўплам ва журналларда

чоप этилган.

Х.Хўжаев асосий иш фаолиятдан ташқари Туркменистоннинг анъанавий каратэ-до маркази асосини яратишда ўзининг арзигулик улушини кўшди. Бу Марказ 1994 йилнинг 22 сентябрида Туркменистон Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

Туркменистонлик спорт усталари ушбу тур бўйича Америка, Италия, Германия, Голландия, Франция, Буюк Британия, Туркия, Чехия, Польша, Ҳиндистон, Покистон, Россия, Украина, Қрим, Белоруссия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Бирлашган Араб Амирлиги, Эрон ва бошқа давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этдилар.

Ҳозирги вақтда Х.Хўжаев Туркменистоннинг анъанавий каратэ-до миллий марказининг раҳбаридир. У 4-дан қора белбоғ соҳиби, Халқаро миқёсдаги судья. Бу унвонлар Лос-Анжелесдаги махсус спорт компьютерида қайд қилинган. Х.Хўжаев каратэ-до спорти йўналиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

КИРИШ

Каратэ-до санъатининг узоқ мозийга бориб тақаладиган ўзига хос тарихи бор. У инсониятнинг пайдо бўлиш тарихи билан чамбарчас боғланган санъат тури ҳисобланади. Ибтидоий одамлар табиат, ёввойи ҳайвонлар ва ўзларига ўхшаш бошқа қабилаларнинг ёвуз кучларига қарши турмоқ учун курашишга мажбур бўлганлар. Ана шу тариқа, каратэ-до санъати тарихий зарурият натижасида инсонлар орасида юзага келади. Инсониятда ҳам худди табиатда бўлиши сингари ўз-ўзини ҳимоя қилиш инстинкти мавжуд. Ана шу ҳолат аста-секин маромига етказилиб борилган. Шу тариқа одамзод ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг усуллари аста-секин эгаллаб борган. Бир неча минг йиллар, асрлар ўтиши билан бугунги кунда бизнинг каратэ-до деб номланган улуг ва ажойиб санъатимиз юзага келган.

Одамзоднинг устига ташланган хавф-хатар, ёвуз кучлар улар учун катта бахтсизликни юзага келтирган. Аммо ана шу бахтсизликлар ҳаётда муваффақиятларга эришишнинг ўзаги бўлиб хизмат қилган ва инсоният тамаддунининг янги бир босқичларига кўтарилишига туртки бўлган. Тарихда жуда кўп марта шундай ҳодисалар бўлиб ўтган. Масалан, Ер юзасини сув босиши инсонларнинг кемаларни яратишларига сабабчи бўлган. Бошқа қитъаларнинг кашф қилинмоғи, у ерларда ҳаётнинг мавжудлиги одамлар онгида янги тасаввурларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шу тариқа маълум бир вақтнинг ичида асрларга, ҳатто минг йилликларга баробар кашфиётлар қилиниб, илгарига дадил қадамлар ташланади. Кўраяпмизки, ер юзасини сув босиши бахтсизликка ўхшайди, аммо бу жараён инсоният тарихида баҳосини ўлчаб бўлмайдиган кашфиётнинг тамал тоши бўлиб ҳисобланмоқда.

Каратэ-до санъатининг ҳам шунга ўхшаш тарихи бор. У ҳам ўзига хос курашлардан бошлаб, ҳозирги замонимиздаги санъат кўринишига етди ва ривожланиш чўққисига кўтарилди. Шундай қилиб, каратэ энг ибтидоий усул-амаллардан бошланиб, ҳозирги даврда дунёда истиқомат қилаётган спортсевар инсонларнинг мўъжизакор спорт турига айланиб улгурди. Бунга сабаб шуки, унинг мураккаб тарихий тараққиёт йўлига минглаб устоз спорт усталари ўз меҳнатларини, ақл-фаросатини, куч-қувватларини бахш этишди. Йиллар ўтиши билан кўплаб спорт усталари каратэ-до санъатининг шон-шуҳратли саҳифаларига ўзларининг руҳий кучлари билан


сингиб кетишди. Бугунги кун каратэ-до санъатининг ривожланиши ва тараққиёти даражасига улуш қўшиш бу улуг ва буюк санъатнинг шу даражага етишида катта ҳисса қўшиб, боқий дунёга рихлат қилган устоз спортчиларнинг руҳлари олдида таъзим қилиш билан тенгдир. Бу эса каратэ-до санъати билан ўз қисматини уйғунлаштирган ҳар бир инсон учун, унинг мўъжизавий қудратига ишонганлар учун бурчдир. Сабаби каратэ-до бу буюк ва ажойиб санъатдир. Санъат дейишимизнинг ўзига хос сабаблари мавжуд. Каратэ-до аллақачон япон халқининг миллий кураши сафидан чиқиб, бутун дунё спортсеварларининг севимли кураш турига айланган. Шу туфайли санъат бир халққа тегишли бўлмай, барча дунё халқларига хизмат қилиши шарт. Шунинг учун ҳам каратэ-до санъат ҳисобланади.

Каратэ-до санъатининг асрлар силсиласидан ўтиб, тўрт томонга тарқалиб кетган тарихий илдири, метиндай қимирламайдиган маҳкам асоси мавжуд. Шундай бўлгач, унинг илдилари ниҳоятда чуқур томир отиб, шохларининг ниҳоятда серҳосил бўлиб, битмас-туганмас мева бериб туришига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шу сабабли ҳам каратэ-до санъатининг ёрқин келажаги бор.

Каратэга фақат қўл ва оёқ амалларидан иборат бўлган мудофаа ёки ҳужум қилиш санъати сифатида қараш унинг чуқур фалсафасига, маъно-моҳиятига тушунмасликдир. Каратэ-до энг аввало, ўз-ўзини камолотга етказиш кўриниши бўлиб, унинг асосий мақсади рақибингни эмас, ўзингни енгмоқнинг усуллари излаб топишдан иборатдир. Шу сабабли ҳам биз ушбу қўлланмада инсоннинг руҳий дунёсига кўп эътибор бердик ва уни биринчи ўринга қўйдик.

Шарқнинг ажойиб ва таҳсинга лойиқ санъат сирларини ўрганишда биз илк қадамларни қўя бошладик. Бугун бир неча асрлардан буён спорт усталари томонидан тўпланган ва каратэ-до санъатига сингдирилган руҳий бойликни йўқотмаслик мутахассислар олдидаги асосий вазифа бўлиб турибди.

Вақтнинг, даврларнинг ўтиши билан каратэга бўлган муносабат ҳам ўзгариб боради. Махсус қўлланма ва видео фильмлар орқали каратэ-до санъатини ўрганган спортчилар ушбу спорт турининг ҳужумкорлик йўналишларига алоҳида диққат-эътибор беришмоқда, бу билан улар каратэнинг асл йўналишидан — руҳий дунёсидан узоқлашмоқдалар. Бу ҳаракат эса каратэга бўлган тесқари нуқтаи назарларни юзага чиқармоқда.



Ҳозирги даврда, бизнинг бугунги кунимизда каратэ-до билан шуғулланиш ниҳоятда ҳам муҳим. Бунинг сабаби шуки, тиббиёт тили билан айтганда гипокинезия, гиподинамия (фаол ҳаракатчанликнинг пасайиши) натижасида турли хил касалликларнинг пайдо бўлиш хавфи тугилади. Инсонлар ўзларининг табиий ҳолатлари — юриб иш қилиш, ҳаракат асносида давлат юмушларини бажариш ва шу кабилардан тобора узоқлашмоқда. Инсонларнинг ўринларини компьютер техникаси кенгроқ эгаллаб бормоқда. Ушбу шароитдан чиқмоқ учун жисмоний чиниқиш машқларига кўп эътибор бериш керак бўлади. Қанча кўп машқ қилиб чиниқсак, баданимиз-организмимизнинг ҳимоя кучи ҳам шунча яхши бўлади. Баданнинг касалга чалиниш хавфи камаяди.

Яхши чиниқмоқликнинг самарали натижа бермоғи учун вақтида ухлаш қоидаларини тўғри бажариш зарур. Болалар бир кеча-кундузда 10-12 соат, катталар эса 8 соат давомида ухлашлари лозим. Ёш улгайган сайин уйқу камайиб боради. Бироқ одамнинг ухлаб дам олиши унинг бадани биологик соатига тўғри келмоғи керак. Агар инсон тўла уйқуга тўйиб улгурмаса, бу уйқу йигилиб одамнинг умумий ҳаракатига, руҳиятига салбий таъсир этади. Шу сабабли ҳафта давомида ўша тўпланиб қолган уйқуларнинг ўрнини тўлдириш лозимлигига маслаҳат берилади. Ана ўшанда ушбу табиий ҳаракат билан инсон ҳаракати ўртасида мувозанатнинг сақланмоқлиги юзага келади.

Чиниқиш амалларини ўтказишнинг ҳам ўз қоидалари, ўзига хос узвийликлари мавжуд. Кўлингиздаги қўлланма ҳам каратэ-до санъатининг сон-саноксиз усул ва амалларини маълум бир узвийликда ўзлаштирилишига ёрдам беради деган фикрдамиз. Ушбу қўлланма каратэ-до санъати бўйича янги туркман лотин ёзувида қайта ишланган ҳамда тўлдирилган кўринишдаги иккинчи нашр сифатида чоп қилинган.

Ушбу қўлланма сўнгги ўн икки йил давомида олиб борилган заҳматнинг ҳосили. Уни ёзиш фикри дастлаб Минск шаҳрида таълим олган давримда, устозим, Белоруссиянинг анъанавий каратэ-до маркази раҳбари, спорт усталигининг 4-дан қора белбоғ соҳиби, ҳозирда бир қанча Халқаро мусобақаларнинг голиби Пётр Михайлович Калининнинг жисмоний тарбия залига илк бор қадам қўйган вақтимда пайдо бўлди ва худди ўша пайтдан бошланди.

Қўлланмани ёзишда сўнгги ўн икки йил давомида жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб,

семинар ва мусобақаларга қатнашиб йиққан тажрибаларимдан, ўша жойларда ёзилган юзга яқин видеокассеталардан, устозларим — Халқаро анъанавий каратэ марказининг раҳбари, спорт устасининг 9-дан қора белбоғ соҳиби жаҳоннинг биринчи каратэисти, профессор Хидетака Нишияма раҳбарлигида ўтказилган семинарлардан фойдаланилган. Шунингдек, Фудокан каратэнинг асосчиси, 8-дан қора белбоғ соҳиби профессор Илия Йорганнинг ўтказган курашлари, Туркиянинг анъанавий каратэ-до маркази раҳбари, 7-дан қора белбоғ соҳиби Хакки Кўчарнинг; Франциянинг анъанавий каратэ-до маркази бош котиби, спорт усталигининг 7-дан қора белбоғ соҳиби Иброҳим ал-Мархўмийнинг, Халқаро анъанавий каратэ-до маркази директори, Ҳиндистоннинг анъанавий каратэ-до маркази раҳбари, спорт усталигининг 5-дан қора белбоғ соҳиби Ражив Синханинг ва Белоруссиянинг анъанавий каратэ-до маркази раҳбари, спорт усталигининг 4-дан қора белбоғ соҳиби Пётр Михайлович Калининларнинг маслаҳатлари ёрдам берган. Ва жисмоний тарбия билан шуғулланиб юриш асносида йиғилган тажрибамиз Шарқ курашларининг турли кўринишлари ҳақида йиққан 500 га яқин китоб ва дарсликлардан ҳам атрофлича фойдаландик. Бундан ташқари, муҳтарам раҳбаримиз Хидетака Нишияманинг дарслик ва қўлланмаларидан, Илия Йорганнинг, “Фудокан — Анъанавий каратэ” номли қўлланмасидан ҳам қимматли маълумотларни олдик. Ушбу қўлланманинг иккинчи бўлимини “Спорт устаси даражаларининг синов қоидалари” деб аталган қисмини ҳам устозлар ёзган адабиётларидан фойдаланиб тайёрладик. Бунинг сабаби шуки, биз шогирдлар устозларимизнинг талаб ва истакларига қатъий ҳурмат билан қарашга масъулдирмиз.

Қонун-қоидаларнинг биринчи бўлимини яратаётганимизда туркман ёшларининг онгтушунчаларининг ўзига хосликларини, яшаётган жойларини кўз олдимизда тутдик ва шунга кўра уни енгиллаштирдик. Бу қонун-қоидалар Сиз меҳрибон ўқувчи ва журналхонларга ёрдам берса, биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эришган бўлардик.

**Туркман тилидан
Машариф САФАРОВ таржимаси**

(Давоми бор)

МАРОҚЛИ ЎЙИН

2005 йилнинг ажойиб кунларининг бирида ажиб лутфлар устаси, ака-дўст, адиб Дадахон Нурий ижодхонамга кўнгирак қилиб қолди: Бўстонликка чиқинг, шахматбозлик бўлади, қизиқ ўйинлар кўрасиз, шахмат ўйнамасангиз ҳам дам олиб келасиз... Устозлар Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидовлар ҳам бўлади...

Шундай кўнгирак қўшниларим Аҳмаджон Мелибоев ва Турсун Алига ҳам бўлибди... Ҳа, бир кўнгил ёзиб келай дедиг-у учаламиз Бўстонликка жўнадик. Бу ердаги ёзувчилар боғ-ҳовлисига бир неча марта келган эдим, аммо шахматбозлик ўйинига биринчи келишим. Дадахон Нурий боғ-ҳовлиси ижодкорлар-у тагин кимлар биландир тўла. Йўл-йўлакай «юз-юз» отиб олган эдим, бир

дирман, бироқ яқин тўрт-беш йил ичида ким билан шахмат ўйнаганлигимни эслай олмайман.

Хуллас, энди ортга йўл йўқ. Шахмат тахтасига доналар терилган. Мен қора доналар билан ўйнашим керак экан. Устоз ўриндикка жойлашган. Мен ҳам Озод ака қаршисига юзландим... «Қачондан бери Азим Суюн шахматчи бўлиб қолди?...» — деди Озод ака саломимга алик олар экан.

Мен ҳижолатдаман... қасқдан ҳам ичиб олдим... Ўйин бошланди. «Майдонга кирганлар манглай қасимайди...», — деб қўйдим ичимда.

Ўйин уч ярим соат давом этди. Ўйин ярмида... мен устознинг фарзинини ютиб қўйдим. Шу фарзин ўйин тақдирини ҳал қилди. Лекин Озод ака охиригача ўйинни давом эттирди. Бу ерда гап ўйин



шахматбоз дўстларга ҳазиллашгим келди, бақирдим: — Шахматчиларнинг энг зўри ким... Кува аноридай ёзиб ташлайман...

Ўйламай-нетмай айтган лофим... чинга айланиб, мени ростдан шахматчи санаб, ҳайъат аъзолари ўйинчилар рўйхатига тиркаб юборибди. Буни номим эълон қилингандан кейин билиб қолдим... тагин ким билан беллашим керак экан... Озод Шарафиддинов билан!

Мен шахмат ўйинини биламан-у лекин мусобақаларда қатнашишни ҳаёлимга ҳам келтирган эмасман. Қачондир бирортаси қистаган бўлса... ўйнаган-

натижасида эмас, гап...

Бу ўйин тарихий, мароқли ўйин эди. Мен улуг олим, донгдор Инсон, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов билан шахмат тахтаси майдони устида учрашганимдан фахрланаман.

2006 йил тагин Бўстонликка шахматбозликка чиққанзимизда Озод Шарафиддинов руҳи азот учиб юргандек бўлди.

Азим СУЮН

Кўшиқ — кўнгал мулк

Равшаной Умарова билан суҳбат

Ўзбек кўшиқчилик санъати дарғалари жонли овоз билан ижро этган муқаддас оҳанг ҳанузгача юракларни ларзага солиб келади. Иқтидорли хонанда Равшаной Умарова Наманган вилояти, Уйчи туманида туғилган. Ёшлигидан санъатга қизиқади. Оилада энг эрка фарзанд бўлиши билан бирга ягона санъаткор. Албатта, ҳар бир ишда ота-она дуоли вожиб, деб билади. М.Уйғур номли Тошкент Давлат санъат олийгоҳини битирган. Бир неча йилдан буён кўшиқчилик дунёсини ўзига хос кўшиқлари билан забт этиш орзусида изланмоқда. У ҳам мумтоз кўшиқларни, ҳам эстрада йўналишидаги кўшиқларни маромига етказиб ижро эта олади. “Ёввойи Тановар”, “Баёт”, “Дугоҳ”, “Соғинурман” кўшиқлари унинг энг севимли тароналаридир. Кўшиқчи 2006 йилда “Зарафшон” концерт залида “Соғиниб кутганим” деб номланган яккахон концерт дастурини мухлисларига ҳавола этган эди. У шу йилнинг куз ойларида бўладиган концерт дастурига таърифи бошлаб тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Р.Умарова билан суҳбатимиз жонли ижро ва фонограмма борасида сўз юритиш билан бошланди.

— Равшаной, бугунги кунда кўшиқ шинавандалари орасида айрим хонандалар ўз овозининг пастлигини техника ёрдамида яширишга уринмоқдалар, деган фикрлар мавжуд. Жонли ижро шоу оламида энг тақчил ва қимматбаҳо маҳсулотга айланган.

— Ҳозир кўпчилик кўшиқчилар жонли ижродаги кўшиқни эплолмай, шарманда бўлгандан кўра уни фонограммада чиройли қилиб мухлисга етказишни афзал билмоқдалар. Назаримда, ўз истеъдоди ва санъатига ишонганларгина кўшиқларини мухлисларига жонли ижрода етказишга интиладилар. Фонограмма ҳам, жонли ижро ҳам ўз ўрнида керак. Хонандалар уларни керакли жойда қўлласалар мухлислар хафа бўлмасинлар.

— Ҳар бир ижро этган классик кўшиқларингизда шарқона руҳ, ўзбек аёлининг ички гўзалликлари сезилиб туради. Бу табиий ҳолми ёки санъаткорнинг маҳоратими?

— Мумтоз ғазалларда шунчалик ботиний маънолар борки, уларни намоён қилиш учун инсонда шунга яраша маънавий қувват бўлиши керак, деб ўйлайман. Ғазалларни ижро этиш билан бир вақтда уларни чуқур таҳлил қилишга, шарқона руҳни мужассамлаштиришга интиламан.

— Айтинг-чи, мақомдан хонандаларимиздан қай бирларини устоз деб биласиз?

— Фаттоҳжон Мамадалиев, Орифжон Ҳотамонов ва Коммуна Исмоиловларни устозим дея фахр билан тилга оламан. Улардан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Бой меросимиз бўлмиш мумтоз кўшиқларни асраб-авайлаб устозлардан ўрганганимизни келгуси авлодларга етказиш биз, санъаткорларнинг бурчимиздир.

— Илк марта куйланган

таронангиз ёдингиздами?

— Албатта, ёдимда. “Боли устина” деб номланган мумтоз тарона. Ўшанда иккинчи синфда ўқирдим. Бу кўшиқни аввал Муҳаммаджон Каримов куйлаганлар. Бугунги кунда ҳам эстрада, ҳам мумтоз кўшиқларни бирдай севиб куйлаяпман.

— Ўзбек эстрада санъатининг келажagini қандай тасаввур қиласиз?

— Ҳозир гуруҳлар ҳам, кўшиқчилар ҳам жуда кўп. Айниқса, муסיқаларнинг рангбаранглигини айтмайсизми? Лекин уч-тўрт йилда ҳамма нарса ўз йўлига тушиб кетишига ишонаман. Дон донга, сомон сомонга ажралиб қолади. Биз шу Ватаннинг фарзандлари эканмиз, юртга нисбатан муҳаббатимиз, унга бўлган садоқатимиз, миллийлигимиз — санъатимизнинг асл пойдевори бўлиши керак. Мана шу пойдеворга қурилган кўшиқ — хоҳ у мумтоз, хоҳ эстрада жанрида бўлсин, халқимизнинг маънавий мулкига айланади.

— Кўшиқ оммалашини учун яъни хит таронага айланиб кетиши учун нимага кўпроқ эътибор қаратиш лозим?

— Рекламага жиддий эътибор билан ёндошиш кўплаб санъаткорларнинг машҳур бўлишларига замин яратгани бугунги кунда ҳаммага беш қўлдай аён. Битта кўшиқни “ойнаи жаҳон” орқали, радио тўлқинлари орқали қайта-қайта эшитириш билан ҳам кўпчиликнинг ёдида қолиш мумкин.

— Сиз учун кўшиқдан ҳам

муҳимроқ нарса нима?

— Она сифатида фарзандларимнинг келажаги ва ҳаёти ҳамма нарсадан муҳим, деб биламан.

— Эшитишимга қараганда, сиз бўш вақтингизда кўпроқ бадий китоблар мутолаа қилар экансиз. Одамларни эзгуликка чорловчи биронта ривоят айтиб бера оласизми?

— Мен саховатли инсонларга Яратган Эгам ҳар доим мурувват қилишига ҳайратда қоламан. Шу ҳақда бир донишманд айтган ривоят журналхонларга ҳам қизиқарли деб ўйлайман. *Аллоҳнинг бирингга ўн, ўнингга минг, мингига туман бераман деган ваъдаси бор. Авлиёлардан бирининг рафиқаси ҳомиладор бўлиб, анорга бошқоронғи экан. У йўлда анор*

олиб келаётганида кўчада беҳол ётган бир одамни учратибди ва майли нима бўлса бўлар, шу бечоранинг дардига шифо бўлсин дея битта анорни сиқиб, сувини ичирибди. Беморни ўзига келтириб йўлда давом этибди. Уйга келиб ўтирса эшик тақиллаб, “Фалончи ака, фалончи бой рафиқангизни эшитган эканлар, шуни бери юбордилар” деб бир лаганда анор кўтариб кирибди. Авлиё: Астағфируллоҳ!» — деб лагандаги анорларни санаб, “Бунинг биттаси қани?” деб сўрабди. Хизматкор чўнтагидан битта анорни олиб берибди ва: “Кечирасизу бу ерда ўнта анор борлигини қаердан билдингиз” дебди. У киши: “Аллоҳ ўз ваъдасига ҳеч хиёнат қилмайди. У бирингга

ўн бераман деган” дея жавоб қайтарибди. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Аллоҳ қўли очик, саховатли бандаларини йўлдаям, чўлдаям хор қилиб қўймайди. Балки, аксинча, уни ҳар доим тақдирлаб, мукофотлаб туради.

— Суҳбатимиз ниҳоясида журналхонларга ўз тилакларингизни билдирсангиз.

— Юртимиз доимо тинч, осойишта бўлсин. Ҳеч бир инсонни соф муҳаббат туйғулари тарк этмасин, қалбимиздаги имон чироғи ўчмасин!

— Биз ҳам сиздан дилтортар тароналар кутиб қоламиз.

Суҳбатдош: **Маъпура НАБИЕВА**

Болалигим — Ўғирлигим





Педалли транспорт →											Орол, Индонезия →				
Диёнат, инсоф →		Аёллар қимматбахдо-пальтоси →		Қути →		Чойнак жуфти →		Селин ... (хонанда) →		Даромадга ... буромад →		Илмий термин →			
Феруза ... (хонанда) →														Хоразм маркази →	
«...Эдин» (асар) →		Кўр ... сини бир марта йўқотади →		Нурли ёзув доскаси →		Суйксиз гушт →		«...ва кундуз» (Чулпон асари) →		Маккор, муғом-бир →					
				Истақ, хоҳиш →						Олийгоҳ дарси (жаргон) →					
Ёрдам пули →								...оғиз уялар →		Урф, таомил →	Ҳеч кимга қўшилмайди →	Зокиров (бастак.) →		...-ибодат →	
		Мангу, боқий →		Чакқон, эпчил →		...дан кўра кеч яхши →				Оқил, билим-дон →					
		...яраша алик →								Ҳиқил-доқ →					
«Водиллик ...» (фильм) →	Тузли сув →		Масхара, калака →	Аскарлар ётоқ-хонаси →		Юсуф Ҳожиб →	Пойтахти Боку →			Сандал →					
			Қарам-қарши →			Қизиқ, таажуб →	Туман, қайқа-дарё →	Сигарет русуми Жула →		Уқувсиз, чаласавод →				Ёзма мууро-жаатнома →	
	Жўжани ...да санаймиз →		... ҳаво, иқлим →	Таназул завоқ →						Кир ювиш содаси русуми →			... Назарбеков (хонанда) →	Диний тушунча →	
				Катта йул, магистраль →		Икки ўт ораси →									
	Шаҳар, Покистон →	Бирдаш-ган Мил-даглар Ташки-лотги →				Ҳид, ис →	«Шай-танат» қара-мони →	«Дирил», «Орбит» →	Икки (русча) →	Нафа-сингни ... учир-син →	Кулгили →				
			Учар қанотли чакувчи →			Ильюшин учоғи →						Юм-юм дўсти (фильм) →	Холва-нинг ... ширин →		
...Жали-лова (актриса) →	Иккинчи Одам Ато →		Қутп, эътибор →	Куча эълони →			Авто эҳтиёт қисми →				Қўмақ, ёрдам →				
				Маж-бурий тулов →			Оғриқ ҳитоби →			Дитер ... (Модерн Токинг) →	Паразит ҳашорат →	Шекспир қироли →	Қуруқ эмас →		
	Қўл қисми →	«...га татигу-лик кун» (асар) →				Такрор, қайтадан →	Меҳнат-қаш ҳашорат →	Ҳамза ... (актёр) →	Макет, нусха →	Бир варақ қоғоз →					Афсона, асотир →
			Поляк жаноби →	Тутқун, банди →		Дарё манбаи, жилға →						Дедал зурриёди →			
	... бўпти, хўп бўпти →		Принтер-ли алоқа қурил-маси →		Она (татар.) →		Компью-тер экрани →			Оливер ... (дарво-забон) →	«Уст» акси →	...обат, ...қиб →	Фараз, тахмин →	Узум пояси →	
Ҳайит-дан ол-динги кун →		Ишқий қизғаниш →		Чқиш келишиги кўшим-часи →		Чегара, ҳудуд ... мон, ...руҳ →		Олийгоҳ раҳбари →					Насиб, бахшида →		
Экология жамғар-маси →		Қумуш лақаби →	Ясон кемаси →				Аралаш ранг →			Капитал, маблағ →					
				Эп, маҳорат →				Нотиқ маъру-заси →					Далолат-нома →		




Исроилол қизикчи								Абду-қошим ... (ғиж-жакчи)		Имом, қори		...-ташвиш, андуҳ							
Кабоб		Инсоннинг рудий ҳолати		Хайём (шоир)		Дарё, Франция		Табий қош бўёғи					Тунги йиртқич куш						
Тоҳир Малик асари										Тургенев асари									
Макр, ҳийла		Чагаев (боксчи)		Рональдо ватани		Цемент ништ		...-ахвол				Масиҳ							
							Автомобиль ёнилғи идиши			Суяк ёғи									
Айтсам тилим, айтмасам дилим ...						Азиз неъмат		Эквалор пойтахти		Одам ... ичида									
Хонтахта устига ёзилди-ган мато		Деталга ишлов бериш дастгоҳи								Марат Сафин курали	Антик Амурарё	Ҳижрон, фироқ		Курол-...					
		Била туриб, журттага		Гавҳар ... (актриса)									Жамият бўлағи						
								«Тик-...» (драже)		Нью-... (шаҳар, АКШ)					Бир йигитга қирқ ... ҳам оз		«Виа-...» (эстрада гуруҳи)	Рус «Вил-лиси»	
	Алиф, бе, ...		Чиқим, харажат		Утириш, зиёфат				...-де-Жанейро (шаҳар)				Фор, тоғ ковағи						
		Табий соч бўёғи						Тайсон спорти		Ирмоқ					Гина-кудурат				
	Қисқача «Раиса»				«...ва Гита» (хилд. фильми)				...-Манш бўғози			Аланга, гулхан	Ибора						
	Харбий-лар пичоғи	Образ, «Тангалик болалар»		Давлат халқи	Мукержи (актриса)		Инсон хулқи, фелд-атвори		Куй боласи	Инон (синоним)		Камилла дугонаси (сериал)	Телеграф алифбоси	Дақиқа	Шаҳар, Япония	Телеканал, Россия	Нимжон, кучиз		
							эгилади, лекин синмайди						Тилак, хоҳиш						
	Шоти		Аразлаган, ранжиган					Шаҳар, Қирғизистон		Черязова (спортчи)		Юнг, қил	...-бериси йуқ						
							Қабоҳат, разил-лик						Эҳтиёж						Шарқча «Платон»
...нинг оти-қурқоқ деманг	Лақма, тўл		Туркия валютаси					Сичқоннинг ... минг танга				Никоҳ тақинчоғи				Нота			
					Капа, палатка	...-адолат-дадир			Хиде-тоши ... (футболчи)			«Фозил ...лар шаҳри» (асар)	...жон Шамсия (қизикчи)	Перу пойтахти	Рақс кечаси		...булсанг, шўх бул	От зоти	
	Леонардо ... Каприо (актёр)	...-уқубат	Калт-культатор ажлоди					Падари бузруквор											
		«Бог ... қуйсам қадам»				Қушчи (олим)		Дарвеш ҳассаси		Рейн ирмони, Германия	Ўтовли қишлоқ				Жонига ... кирди				
	Йиғилган экин	Албатта, шубҳасиз		Тоғ кенглиги					Жанни ... (ёзувчи)						Шикаст, жароҳат				
	Маккалик миллати					Ҳинду қабиласи				Дард, ҳасрат					...Навр Форобий (аллома)				
				Рози-...				Туман, Бухоро								Бўри ошёни			



Хонанда Шерали Шарипов





ПИШЛОҚ

қилиб кўзга боғланса, кўздаги қонли нуқталарни ва кўз огригини даф этади.

Агар пишлоқни сувда қайнатиб, ўша сувни эмизикли боласи бор аёл ичса, сути кўпаяди, бошқа кишилар ичса,

ичаклардаги яра ва захмларнинг шишишига йўл қўймайди.

Пишлоқ совуқ мижозли кишиларга зарар қилади, уларнинг иштаҳаларини бўғади, ундан кейин ейилган овқатларнинг ҳазми қийинлашади, йўғон ичакда қуланж (қолит), ингичка ичакда огриқ ва шишлар пайдо бўлиши ва кўз олди қоронгилашиш иллатларига боис бўлади. Бундай ҳолатларда асал, ялпиз ва қоқўти ейилса, зарарни ислоҳ қилади.

Тузли пишлоқ (бринза)нинг мижози иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Анча туриб қолганининг мижози ҳам шундай. Агар пишлоқнинг бу нави, яъни тузлангани ейилса, балғамни титиб юборади. Иштаҳани очади ва ичакларга қувват бағишлайди, бадандаги кераксиз рутубатларни қуритади. Агар уни асал билан қориб хаамири боғланса, бадандаги пучакларни ёради ва бармоқлардаги милкакка шифо бағишлайди. Агар зайтун ёғи билан қўшиб боғланса, қотиб қолган бўғимларни даволайди, ёмон, йирингли яраларга шифо бағишлайди. Агар ёмғир сувига чайиб кетма-кет боғланса, бўғимлар мағзидаги зарарли


моддаларни тортиб, ҳеч қандай огриқсиз ташқарига чиқариб ташлайди. Агар нашатирли спирт билан эзгилаб, баданга боғланса, сепкилли доғларни йўқ қилади, теридаги қўтирга шифо бўлади. Агар кийик ўти билан бирга туйиб боғланса, нишли жониворларнинг захрини бадандан даф этади.

Бироқ бундай пишлоқни истеъмол қилиш, баданда сафроли моддалар пайдо қилади, ташналик келтиради, тери яллиғланиши ва қўтирга сабаб бўлади. Шунингдек, ички аъзоларида иллати бор кишилар учун ҳам зарарлидир, баданни ориғлатиб юборади, буйрак, қовуқ ва бошқа аъзоларда тош пайдо қилади. Ушбу зарарлар юз бермаслиги учун пишлоқни ёнғоқ мағзи билан ёки ундан кейин ёнғоқ мағзи емоқ керак. Шунда ҳеч қандай зарар етмайди.

Зардоби оқизилмаган пишлоқ истеъмол қилинса, уйқуни келтиради, мадорни қуритиб, этни қочирадиган сил, меъданинг қизиши каби хасталикларга даво бўлади, теридан нам қочиши ва қотишини ислоҳ қилади, восвос касалини даф этади, сафроли хасталиклар ва қон қизишининг олдини олади.

Момоларимиз айтишлари-ча, пишлоқни саноат асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган замонларда у қуйидаги тартибда тайёрланар экан: сутга панирмоя аралаштирилиб қуйиб қўйилса, қатикқа ўхшаб қуюқлашади. Шундан кейин унга туз солиб, ҳажми катта бўлмаган халталарга қуйиб оғзини маҳкам боғлаб, тош ёки бошқа нарсалар тагига бостирилади. Бир муддат шу ҳолда туриб, сув ва зардоби оқиб кетиб, қатик, яъни пишлоққа айланади. Бордию шўртак қилмоқчи бўлинса, устидан туз сепиб, истеъмолга ҳозирланади.

Унинг шифобахшлик хусусиятлари: пишлоқ истеъмоли меъда, ичаклар ва буйракларни бақувват қилади (буйрак бақувват бўлса, унда тош пайдо бўлмайди), ични юшатади, гарчи пишлоқ кеч ҳазм бўлса-да, баданда ёқимли моддалар ҳосил қилади ва ҳазм бўлиши билан танадаги аъзоларга тезда сингишади. Агар пишлоқни ёнғоқ мағзи билан қўшиб ейилса, баданга роҳат бағишлаб, этига эт қўшади ва терини юмшоқ қилади.



Пишлоқни пишириб, кабоб қилиб ейилса, сафроли ичкетарни тўхтатади, юпқа

Нигина ҚОДИРОВА
тайёрлади

